

З.К.ИСМОИЛОВА

**Педагогикадан
амалий машғулотлар**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қўмонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия
этилган

ТОШКЕНТ – «ФАН» - 2001

З. К. ИСМОИЛОВА

Педагогикадан амалий машгулотлар:

Ўқув қўлланма. – Т.; Фан, 2001. 159 б.

Ушбу ўқув қўлланмада педагогика фанидан амалий машгулотлар ўтказиш методикаси батафсил баён этилган. Унда замонавий дидактика назарияси ва илғор педагогик тажриба асосида назарий ва амалий ўқитишнинг ташкил этиш шакллари ҳамда методлари ёритилган. Шу билан бирга ўқув қўлланмада лаборатория ўтиш, мустақил таълим ўтказиш, назарий мавзуларнинг қисқача мазмунлари, ўйинли ва мунозарали дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси каби масалалар ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма “Агроинженерия” йўналишидаги касбий педагогик тайёргарлик таълим соҳасида ва магистратурада ўқиётган талабалар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими устозлари, малака ошириш тингловчилари, аспирантлар, методистлар учун мўлжалланган.

ТАҚРИЗЧИЛАР: Н. Муслимов. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети доценти

К. Д. Мирсаидов. ТИҚХМИИ профессори.

И $\frac{4303000000 - 3 - 514}{M355(04) - 2001}$ Рез. 2001

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «ФАН» нашриёти,
2001 йил

ISBN 5-648-02767-2

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да таълим соҳасини, яъни ўрта махсус, касб-хунар таълимини, уларда фаолият кўрсатувчи педагогик кадрлар тайёрлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу соҳани ривожлантириш учун эса янгича фикрлайдиган, ўқитишнинг замонавий метод, шакл ва усулларидан самарали фойдалана оладиган юқори малакали педагог кадрлар зарур. Буларнинг ҳаммаси бўлажак педагогларни “Педагогика” фанини ўқитиш жараёнида касбий педагогик малакаларини шакллантиришга имкон яратади.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” нинг асосий мақсади - таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун куйидаги вазифалар ҳал этилиши назарда тутилади:

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш. Педагогик фаолиятнинг нифузи ва ижтимоий мавқеини кўтариш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида (1997 – 2001 йиллар) педагог ва педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этишнинг амалга ошириш зарурлиги қайд этилган¹.

Шу кун талабларига жавоб берадиган бўлажак педагогик кадрлар тайёрлашнинг муҳим томонларидан бири – бу уларни касбий педагогик малакаларини юқори даражада шакллантириш ҳамда ўқув жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу жараён “Педагогика” фанининг аҳамиятини олдиндан аниқлаб беради ва уларни педагогик фаолиятига тайёрлашда ўқув жараёнининг муҳим бўғинларидан ҳисобланади.

√Таълим жараёнини такомиллаштириш янгича педагогик фикрлашнинг калитидир. Унинг сифати, метёри ва самарадорлиги ўқитувчи ҳамда бутун халқ таълимининг фаолиятига боғлиқдир. Такومиллаштириш, асосан ўқув жараёни, тарбиявий соатлар, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни, ўқув-методик адабиётларни яратишни ўз ичига олади ҳамда унинг мазмуни, шахсий йўлланма, қўлга киритиладиган тажриба ютуқларига қараб белгиланади ва амалга оширилади. Бўлажак педагогларнинг шахсий сифати,

¹ И.А. Каримов Барқамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори - Тошкент, 1997. 20-40 - бетлар.

ижодкорлиги, маданиятлиги ва касбий маҳоратини такомиллаштириш унга яратиб берилган шарт-шароитлар ва имкониятлар билан бевосита боғлиқдир.

Таълимни такомиллаштириш талабаларнинг инсон ва жамият ҳақида мавжуд тасаввурларини кенгайтиришдан, уларнинг она табиат билан ўзаро муносабатни ва унга нисбатан маъсулияти тушунчаларини, мутахассислиги бўйича касбий педагогик малакаларининг шакллантиришдан иборат. Бу вазифаларни амалга ошириш учун бўлажак мутахассислар техникавий билим ва касбий педагогик малакаларига эга бўлиш билан бирга касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбиявий жараёни амалга ошириш малакасини ҳам эгаллаши лозим. Бу эса бўлажак педагоглардан таълим жараёнида фаол ва самарали ўқитиш, тарбиялаш усул ва шаклларида фойдалана олишни талаб қилади.

Бўлажак педагог кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртларининг асосий вазифаларидан бири - бу талабаларнинг касбий-педагогик малакаларини шакллантириш ҳисобланади. Бу жараён “Педагогика” ва “Тарбиявий иш методикаси” фанларни ўқитиш орқали амалга оширилади. Бу фанлар талабаларни бўлажак педагогик фаолиятига тайёрлаш тизимида асосий фанлардан биридир.

✓ Педагогика фанини ўқитишдан мақсад – мустақил кўрсатма ва тавсия-номалардан самарали фойдаланган ҳолда педагогик фаолиятни амалга ошириш бўйича талабаларда ҳаракатлар мажмуасини шакллантиришдан иборат.

Олий ўқув юртларида юқори малакали бўлажак педагоглар тайёрлаш мазмуни қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

1. Малака тавсифи талабларига (нимани билиши ва бажара олиши).
2. Ўқитиш мазмуни амалга ошириладиган тарбия, мақсад ва вазифаларига мос келиши.
3. Педагогик кадрлар тайёрлашнинг барча жиҳатлари бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги.
4. Касбий таълим бериш мазмунининг фан ва техника тараққиёти талабларига мос келиши.
5. Назария билан амалиётни ўзаро боғланган ҳолда бўлиши.

Жамият ривожланишига мос ҳолда қараб, ижтимоий фанларни, айниқса педагогика, тарбияшунослик фанларини ўқитишнинг ноанъанавий метод ва шаклларини ишлаб чиқиш - энг долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, ҳозирги шароитда тарбияга оид инсониятнинг бой маънавий хазинасидан муносиб ўрин олган тарихий, миллий, маънавий маданий меросимиз, урф-одатларимиз ва кадриятларимиздан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, фидокор, юксак маданиятли ва маънавиятли қилиб тарбиялашнинг асосий омилларидан биридир.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир: **“Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, рост ўйлик,**

халқсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу аввало инсоф, адолат туйғуси, халоллик деган”. “Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим”¹.

Талабаларнинг қобилиятларини ва маҳоратларини ривожлантириш, мустақил фикр юритишни кенгайтириш, инсонпарварлик, меҳр-муруват ҳисларини тарбиялаш, диёнатни асраш, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, нутқ маданиятини, тараққиётини ўстириш, ахлоқий-эстетик камолотга етказиш, меҳнат ва табиатга муҳаббат руҳини сингдиришда педагогика фанининг роли бениҳоя каттадир.

✓ Педагогика фанидан назарий, амалий ва лаборатория амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш таълим жараёнининг негизи бўлиб ҳисобланади.✓

Бу борада ўзбек халқ мутафаккири А.Авлонийнинг қуйидаги сўзларини ёдга олиш ўринлидир. “Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-бирдан ажралмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабудур”¹¹.

Демак, олий таълим тизими олдига асосий вазифалардан бири умуминсоний ва миллий, маънавий, қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик гоёси билан бойитиш, демократлаштириш ҳамда узвийлиги, изчиллиги ва дунёвийлигини таъминлаш асосида талабаларда касбий-педагогик малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Президентимиз И.А.Каримов кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилишида жавобгар шахслар зиммасига юклатилган қуйидаги вазифаларни кўрсатиб ўтади:

- янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур;

- юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашни сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ. Умуман, ислоҳат йилларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун 86 та янги муҳандислик педагогик йўналишлар буйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади;

2000 йилда республиканинг ҳар бир вилояти, тумани ва шаҳари замонавий талабаларга жавоб берадиган янги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб, фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз

¹ И.А.Каримов. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994, 57 - бет.

¹¹ А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992, 15-16 -бетлар.

республикамизда 1611 та касб–хунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус, касб–хунар ўқув юр்தларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу ўқув юр்தларидаги ўқувчиларни замон талаби асосида ўқитиш, юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқдир¹.

Тайёрланаётган педагогик кадрлар ўзлари танлаган ихтисосликлари бўйича ўқув–тарбия ишларини бажаришга тайёр бўлишлари лозим, яъни олий ўқув юр்தларида олган билим, кўникма ва малакаларидан амалий фаолиятларида самарали фойдаланиши, ўқув жараёнини тез ўзлаштириб олиши, тарбиявий ишларни замон талаблари асосида олиб боришлари лозим.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин юқори малакали, маданиятли педагог кадрлар тайёрлаш бўйича илмий ишлар, тадқиқот ишлари ва кенг миқёсдаги адабиётлар мавжуд бўлишига қарамасдан, бу жараённинг кўпгина илмий-амалий муаммолари ўз ечимини топмаган, чунки “Касбий педагогик тайёргарлик” соҳасида таълим олаётган талабалар учун уларнинг педагогик фаолиятини ҳисобга олган ҳолда яратилган адабиётлар (дарслиқлар ва қўлланмалар, амалий машғулотларни ўтиш) бўйича методик адабиётларни камлиги талабаларнинг касбий-педагогик малакаларини шакллантириш мақсадида ушбу қўлланма яратилди.

ФАННИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

“Педагогика” фанини ўқитишдан мақсад Мустақил Ўзбекистонда яшаб таълим олаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашни таъминловчи педагогик билим асосларини шакллантиришдир.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг таълим тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий–маънавий ривожидида шахс камолати уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

“Педагогика” фанининг асосий вазифалари – Мустақил Ўзбекистон Республикаси бутун жаҳон билан юзма-юз бўлаётган бир даврда унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишини таъминловчи, ёшларнинг асосий Конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ахлоқий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, ўзи хоҳлаган касб танлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада бахтиёр фаолият кўрсатиш учун моддий–маънавий, тарбиявий–дидактик шарт–шароит яратиш, истиқлол мафқурасини ўзлаштирган мутахассис тайёрлаш, унда тарбиячилик санъати ва маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

¹ И.А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999, 37-38 -бетлар.

Талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмаларига қўйилган талаблар.

Фанни ўрганиш жараёнида талаба қуйидагиларни **билиши** шарт:

- фанлар тизимида педагогиканинг тутган ўрни ва аҳамиятини;
- ўқитиш ва тарбиялашнинг объекти ва субъектини;
- педагогиканинг илмий тадқиқот усулларини;
- Марказий Осидё мутафаккирларининг педагогик ёндопишларини;
- педагогик жараёнда умуминсоний ва миллий қадриятларни қўллашни;
- дидактикани таълим олиш ва ўқитиш назарияси сифатида кўришни;
- ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, мазмуни, қонун ва тизимларини;
- ўқитиш жараёнида тарбиялашни ўқитишнинг ташкилий шакллари (маъруза, лаборатория ишлари, амалий машғулот, семинар, мустақил билим олиш ва бошқалар);
- ўқитишнинг усуллари, янги педагогик технологияларни;
- билимлар назоратининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини;
- тарбия назарияси, тамойиллари ва усуллари, тарбия мазмуни ва шаклларини;
- илмий, техник ва иқтисодий тафаккурни шакллантириш;
- педагогнинг этикаси, педагогнинг маҳорати ва шахсий намунасини;
- мутахассиснинг юксак маънавияти ва ахлокий фазилатларини ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқаришни;
- инженер-педагог профессиограммасига “Педагогика” фанидан киритилган компонентларни¹.

¹ Профессиограмма инженера-педагога. Свердловск, 1989. с.11.



1-расм. Инженер- педагог профессиограммасига «Педагогика» фанидан киритилган компонентлар.

Фанни ўрганишда ушбу компонентлар бўйича талабаларни фаолият турлари, билим малака ва кўникмаларини шакллантириш юқорида кўрсатилгандек тасвирланган.

Олынган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Педагогика фани нимани ўргатади?
2. Педагогика фанининг асосий мақсади нималар?
3. Педагогика фанининг вазифаларига нималар киради?
4. Педагогика фанини ўрганишда талабаларнинг билимига, ўқувига, кўникмаларига қўйиладиган асосий талаблар нималар?
5. Инженер-педагог профессиограммасига “Педагогика” фанидан киритилган компонентларга нималар киради?

Мавзуга оид таянч иборалар:

Педагогика, ўқув, кўникма, малака, билим, компонент, профессиограмма, тамойил.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ҳозирги педагогика фани жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисми бўлиб, педагогика фани тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Педагогика фанининг тарихи эса педагогиканинг қисмларидан бири, унинг махсус тармоғи ҳисобланади. Илмлар таркибини ишлаб чиқиш билан файласуфлардан ташқари ҳар хил йўналишдаги илм намояналари шугулланган. Шу билан бирга педагогика фанининг таркибини ишлаб чиқиш неча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Илмларни туркумлашда бошқа фанлар билан бирга педагогика фани ҳам ҳисобга олинган. Лекин уни фан сифатида аниқлашда олимларнинг қарашлари бир хил бўлмаган.

Педагогика фанини мустақил фан сифатида ажратишга ҳаракат қилганлардан бири *Фрезенс Бэкон (1561 – 1626)* бўлиб, у педагогиканинг тарбия назарияси қисмини фалсафа фани таркибига киритган. Натижада педагогика фани иккита (фалсафа ва таълим бериш назарияси) ҳар хил синфлар туркумига киритилган. Шунингдек, *Бэконнинг (1, 374-бет)* фикрларига *Дени Дидро (1713 – 1784)* ҳам қўшилган (2). Педагогиканинг мустақил фан сифатида шаклланишига *Иогани Фридрих Гербат (1776 – 1841)* ва *Андре Мари Ампер (1775 – 1836)* лар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Гербат педагогика фанининг чегарасини кенгайтириб унга таълим бериш ва тарбия назариясидан ташқари таълим-тарбия жараёнини бошқариш назариясини ҳам қўшган. *Ампер* ҳам педагогикани неологик фанлар (одамининг руҳи ва маънавий ҳаёти тўғрисидаги фан) гуруҳига қўшиб, маориф тўғрисидаги фан сифатида таърифлаган. (3, 241-бет).

Шундай қилиб, *Гербат ва Ампер* фанлар тизимида педагогиканинг тутган ўрнини ва мавқеини бир хил аниқлашди. Шундан сўнг “Педагогика” мустақил фан сифатида тан олинди, унинг асосий тавсифларини ишлаб чиқиш бошланди. У, асосан жамиятда шахснинг маънавий ҳаётини ташкил

этиш ҳақидаги фан сифатида тан олинган. Педагогикани ягона бир бутун фан сифатида тан олиш 200 йилга яқин давом этди.

XX асрнинг биринчи чорагида *Н.М.Сомов* томонидан яратилган таснифлагичда педагогика фани кутубхона ва ижтимоий педагогикага ажратилиб, биринчиси “умумий фанлар”, иккинчиси “ижтимоий фанлар” гуруҳларига киритилган (4. 236-238-бетлар). Кейинчалик барча фанлар: табиий, ижтимоий ва техник гуруҳга бўлиниб: педагогика ижтимоий фанлар гуруҳининг психология синфига киритилган. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, педагогика ва психология фанларининг вазифаси икки хил бўлиб, уларни бирига ўқитиш мақсадга мувофиқ эмас. Педагогикани фақат ижтимоий фанлар туркумига киритиш ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки, педагогика фани касбий таълим беришда математика, физика, техника, ўқитиш методикаси, ишлаб чиқариш таълими ва бошқа фанлар билан боғланган ҳолда ўтказилади.

Юқоридагиларни таҳлили шуни кўрсатадики, фанларни туркумлаш жараёнида педагогика фанининг ўрни ва моҳиятини белгилашда маълум ноаниқликларга йўл қўйилган. Шу пайтга қадар ишлаб чиқилган таснифлагичларнинг биронтаси ўқув предметларининг аниқ ўрнини аниқлашга қодир эмас, айниқса у фанлараро боғланишни ҳисобга олмай тuzилган бўлса.

Жамият ҳаётини қайта куриш, ўсиб келаётган ёш авлодни, шунингдек ҳамма меҳнаткашлар табақаларини тарбиялашни кучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари доираси кенгайди.

Педагогиканинг қуйидаги фанлар тизими мавжуд:

1. *Умумий педагогика.* У тарбиянинг асосий қонуниятларини тадқиқ қилади.

2. *Ёш педагогика.* У кишиларни ҳар хил ёш гуруҳларида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. У мактабгача тарбия ёшидаги болалар педагогикаси. У тарбияланувчилар ёшига кўра: мактабгача ёшдаги, мактаб ёшдаги ва катта ёшдагилар гуруҳларига ажратилади.

Мактаб педагогикаси – оммавий ўрта мактабда ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонуниятларини тадқиқ этадиган бўлса, касбий таълим педагогикаси умумий мактабларнинг юқори синф ўқувчи ёшида бўлган болалар, ўқув-тарбиявий жараёнининг ўзига хослигини тадқиқ этади.

Катта ёшдагилар педагогикаси да олий ўқув юртлари шарт-шароитларида ёшларнинг тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий мактаб педагогикасининг шаклланаётганлиги. унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Махсус педагогика (дефтология) - у ўз навбатида қатор соҳаларга бўлиниб кетади: кар, соқов болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан - *сурдо педагогика*, кўр ва кўзи ожизлар билан - *тифлопедагогика*, ақли занф, ақлий жиҳатдан қолоқлар билан - *олигофрендо педагогика*. нутқи яхши

ривожланмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан – *логопедия* шугулланади.

Методика – муайян ўқув предметининг (тил, математика ва ҳ.к) ларни ўқитишда таълим беришнинг умумий қонуниятларини қўллаш хусусиятларини тадқиқ қилади.

Педагогика тарихи – Турли тарихий даврларда педагогик ғояларни ва тарбиялашнинг тараққиётини ўрганади. Бундан ташқари педагогиканинг миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртлари ёшларига таълим тарбия бериш муаммолари билан шугулланадиган *ҳарбий педагогика*, меҳнаткашларнинг ишларини тўғри ташкил этиш ва тарбиялаш ишларини олиб борувчи ахлоқ тузатиш меҳнат педагогикаси, маиший–оқаргув педагогикаси ва ҳ.к. тармоқлари мавжуд.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Педагогикани фан сифатида ривожланишига кимлар ўз хиссаларини қўшган?
2. Педагогика қайси фанлар ичида ўқитилган?
3. Нечанчи йиллардан бошлаб педагогикани тутган ўрни ва мавқисини аниқлаша бошлашди?
4. Ким томондан педагогика фани кутубхона ва ижтимоий педагогикага айланди?
5. Нима учун педагогикани фақат ижтимоий гуруҳга киритиш унчалик тўғри эмас?
6. Ҳозирда педагогиканинг қандай фанлар тизими мавжуд?
7. Махсус педагогиканинг қандай турлари бор?

Мавзуга оид таянч иборалар

Неология, гуруҳлар, тизим, махсус педагогика, дефтология, олигофрендо педагогикаси, тифлопедагогика, сурдопедагогика, логопедия, методика, ҳарбий педагогика.

Адабиётлар:

1. Бэкон Франсис. О достоинстве и переумножение наук. Соч.; В.2 т.-М.;Мысль, 1977,-1.1. с-374.
2. Дидро Дени. Собр. Соч. В.9 т. –М., Академия, 1935.- Т.1-Философия.
3. Белькинд Л.Д., Андре Мари Ампер. -М., Наук. 1968.-241 стр.
4. Ледров Б.М. Классификация наук,-М., Мысль,-Т.1. 1961; Т.2.236-238 стр.
5. Исmoilова З.К. “Талабаларнинг касбий-педагогик малакаларини шакллантириш”. Диссертация. Тошкент, 2000. 29-30 -бетлар.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

Педагогика фани ҳам бошқа фанлар сингари якка ҳолда мукамалликка эриша олмайди. “Педагогика” тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишда жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқдир. У ҳам бошқа фанлар каби ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг ижтимоий камолатига хизмат қилади.



2 - расм. Педагогика фанини ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги.

Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қондалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтимоий фан сифатида ривожланиб боради. Шу сабабли этика, эстетика, фалсафа, тарих, психология, социология фанлари билан узвий муносабатдадир..

Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг пировард мақсади ёш авлодда тўғри дунёқарашни шакллантириш экан, шу билан биргаликда диалектиканинг умумий қонунлари ҳар қандай инсон фаолиятида энг умумий методологик асос ролини бажарар экан, педагогика тўғридан-тўғри фалсафа билан

боғлиқдир. Тўғри фикрлашни, ўз фикрини тушунчалар орқали тўғри, аниқ ифода этишни мантик (логика) фани ўргатганлиги туфайли ўқитувчилар тўғри фикрни шакллантириш усулларини яхши билишлари лозим.

Ўқувчиларда миллий гурурни шакллантириш учун улар ўзлари яшаётган худуднинг, туманнинг, унда истиқомат қилаётган халқларнинг яшаш тарзи, тарихини билишлари лозим. Педагог бошқа фанлардан билимларни миллат тарихига боғлаб ўтса, уларда миллий гурур пайдо бўла бошлайди. Бунинг учун педагог тарихни яхши билиши керак.


Педагог турли хил ижтимоий гуруҳлар билан ишлайди. Ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ижтимоий қобиғи мавжуд. Дарс берганда буларни ҳисобга олиш зарур. Демак, педагогика социология билан ҳам боғлиқдир.

Дарс бериш билан бирга тарбиявий ишларни амалга ошириш зарурдир. Педагог таълим-тарбиявий ишларни дарсдан ташқари ҳам олиб боришни режалаштириши зарурдир. Чунки талабаларнинг кўп қисми ётоқхоналарда яшайдилар. Бу ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш усулларини тарбиявий иш методикаси фани ўрганади. Кўриб турибмизки, педагогика ахлоқ, одобшунослик, тарбияшунослик фанларига ҳам узвий боғлиқдир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, педагогика фани нопедагогик олий ўқув юртларида фақатгина ижтимоий фанлар билангина эмас, балки техника фанлари билан ҳам узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Талабаларда ҳосил қилинадиган касбий-педагогик малакалар мустаҳкамлиги ва таъсирчанлиги амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири педагогика фанини бошқа ижтимоий ва мутахассислик фанлари билан ўзаро боғланган ҳолда ўқитишдир.

Юқорида педагогика фанини ижтимоий фанлар билан бирга бошқа мутахассислик фанлари билан боғлиқлиги келтирилган. Кузатишлар натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, шахс сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш учун мутахассис тайёрлаш жараёнида “Педагогика” фани фақатгина ижтимоий фанлар билан эмас, балки техникавий билимлар билан ҳам боғлаб ўқитилса, бўлажак мутахассисларнинг олган билим, эгаллаган малакалари яна ҳам мустаҳкам бўлади.



3-расм. Педагогика фанинг ижтимоий ва махсус техника фанлари билан ўзаро боғлиқлик схемаси.

3-расмда фанлар номлари кискартирилган ҳолда берилган бўлиб, улар қуйидагиларни англатади: **ЎТВ** – ўқитишнинг техник воситалари; **МФ** ва **ИЧТЎМ** – махсус фанлар ва ишлаб чиқариш таълимини ўқитиш методикаси; **ҚХМ** – қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш; **МТПФ** – машина трактор паркдан фойдаланиш; **ЧФМ** – чорвачилик фермаларини механизациялаш; **ТИМ** – тарбиявий иш методикаси; **МПТ** – машиналар пухталиги ва таъмирлаш. Педагогика фани расмда кўрсатилган фанлар билан боғланган ҳолда ўқитилганда, талабалар жамият ривожланиши, мафкураси (тарих, философия, ва бошқа), янги техника ва технологияларнинг (**ҚХМ**, **МПТ**, **МФ** ва **ИЧТЎМ**, **ЧФМ** ва бошқа) ривожланишини ҳам кузатиб борадилар ҳамда ўзлаштирадilar.

Куйида 4-расмда педагогика фанини айрим мавзуларининг махсус фанлар (**МФ** ва **ИЧТЎМ** ва бошқа) мавзулари билан ўзаро боғланишларини шакли келтирилган. Энди келтирилган боғланишларни амалга ошириш йўллари кўриб чиқайлик.

Талабаларни дидактик–методик тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида педагогика ва ўқитиш методикаси фанлари ўқитувчилари дарс жараёнини келишиб олган ҳолда амалга оширишлари зарур. Бунинг учун методологик семинарлар ташкил этиб, муаммони ечиб олишлари лозим. Натжидада кўрсатилган фанлардап умумий тушунчаларни шакллантиришда мавзуларнинг фанлараро алоқадорлигини амалга ошириш ва фан ўқитувчиларининг ўқув режалаштириш ҳужжатларини ўзаро келишган ҳолда тузишлари натижаларида Педагогика фанидан кўпроқ назарий билимлар берилса, **МФ** ва **ИЧТЎМ** фанларини ўқитиш жараёнида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини беради. Умуман олганда, бу икки фан икки хил мақсадни амалга оширади: “Педагогика” – касбий–педагогик малакаларни шакллантиради, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” – касбий–методик малакаларни шакллантиради. Шу билан бирга иккала фаннинг мақсадлари қўшилган ҳолда касб–ҳунар коллежларига юқори малакали инженер–педагог (бакалавр) кадрлар тайёрлаб беришдан иборатдир.


Талабаларнинг касбий педагогик ва методик тайёргарлик бирлигини амалга оширишнинг асосий шаклларидап бири уларнинг ўқув–илмий ишларидир. Буида дидактика ва методика масалаларини ўзаро боғланган ҳолда амалга ошириш имкониятлари кенг бўлади. Ўқитиш жараёнида дидактика ва методиканинг ўзаро боғланиши курс иши, курс лойиҳаси, малакавий битирув ишини бажаришда намоён бўлади. Шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида педагогика ва методика ўқитувчилари талабалар учун илмий топшириқлар ишлаб чиқишда биргаликда фаолият кўрсатадилар ҳамда талабаларга раҳбарлик қиладилар. Амалиёт давомида бу ўқитувчилар талабаларда дарс структурасини ишлаб чиқиш, ўқувчилар билимини назорат қилиш, баҳолаш, курсдошлари ўтган дарсларни таҳлил қилиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришда ҳамкорликда ишлайдилар. Бу фан ўқитувчиларининг ўзаро ҳамкорлиги талабаларни касбий – педагогик фаолиятга тайёрлашда юқори натижалар беради. Яъни талабаларда тарбиявий

тадбирларни, махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича мустақкам касбий-методик малакалари шаклланиб боради. Натижада таълимда узвийлик таъминланади.


Кузатишларнинг кўрсатишича талабаларнинг педагогик-методик тайёргарлик бирлигига эришиш учун, ўқув жараёнига танишув педагогик амалиётдан кейин дидактик-методик муаммолар бўйича махсус курс киритиш лозим.

Бу курснинг асосий мақсади – талабаларга педагогика ва методика фанларини ўзаро алоқасини ҳамда бир-бирига бўлган нисбатни педагогика илми сифатида кўрсатиш, амалиёт даврида уларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатларини, дидактик тамойилларини қўллаш хусусиятларини кўрсатишдир.

Фанлараро алоқадорликларни амалга ошириш ўқув жараёнининг мазмуни, методлари ва ташкил этиш шаклини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, бу муаммонинг ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида педагогик ва техник билимларни узвий боғлаб олиб бориш имконини беради. Фанларни бир-бирига боғлаб олиб бориш – кўп қиррали, турли характерли, ҳар хил функцияли ҳодисадир. Унинг моҳиятини тўғри тушуниш учун уни икки томонлама кўриб чиқиш лозим. Бу томонлар шартли равишда объектив ва субъектив томонлардир.



4-расм. Педагогика фанини айрим мавзуларининг махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мавзулари билан ўзаро боғлиқлигини.





5–расм. Фанлараро алоқадорликни амалга ошириш.

Объектив томони ўқитиш мазмунини аниқлашда намоён бўлади ҳамда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда, тегишли ўқув фанларидан дарсликлар, ўқув методик қўлланмалар тузишда ҳисобга олинади.

Юқорида педагогика фанининг “*Турли турдаги ўқув юртларида таълим шакллари ва методлари*” мавзусини ўтишда фанлараро боғланишни амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқамиз.

Расмдан кўриниб турибдики, бу мавзуни ўтишда бир неча фан ва бўлимлар билан боғлиқликлар мавжуд экан. Сабаби, бу мавзунинг мазмунини қуйдагилар ташкил этади: таълим беришнинг шакллари ва методлари, дарс ва унинг турлари, курс лойиҳаси ва курс ишлари, малакавий битирув ишларини ҳимоя қилиш, билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам бу мавзуни ўрганишда 5–расмда кўрсатилган фанлараро боғланишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, педагогика фанида, педагогик амалиёт даврида, фанларни ўқитиш жараёнида

ва малакавий битирув ишhini тайёрлаш ва ҳимоя қилишда психология фанининг шахс фаолияти мазмуни билан ўзаро боғланган ҳолда амалга оширилади. Талабалар бу фаолиятга тўғри йўналтирилмаса, ҳар хил фанлардан олган билимларини таққослай олмайдилар ва улар орасидаги боғланишларни ўрната олмайдилар. Талабалар ҳар бир фан материални, дарслик ҳамда ўқитувчи таклиф этган мантиққа мувофиқ равишда идрок этадилар ва ўзлаштирадilar. Унинг учун ўқитувчи машғулот давомида талабалар диққатини маълум мақсадга қаратиши, талабалар онгида фанлараро боғланишларни ўрнатишга ёрдам берувчи дидактик усуллар талабаларга таъсир этишининг барча томонларини қамраб олиши лозим. Фанлараро боғланишларнинг моҳияти ва туркумланишини кўриб чиқишда ўқитиш жараёни объектини, яъни ўқитувчи педагогик таъсир кўрсатувчи ва тарбиялашга қаратилган талабани асос қилиб олиш мумкин. Бу ҳолда фанлар аро боғланишларнинг таъсир доираси анча кенгайди ва ўзаро боғланган фанлар эмас, балки барча фанларни ўрганишни, бинобарин ўқув жараёнида иштирок этувчи ўқитувчи фаолиятини қамраб олади.

Педагогика фанидан назарий дарсларни талабалар педагогик амалиёт жараёнида бажарадиган ишлар билан боғлаб олиб бориш қатга аҳамиятга эга. Бу дарсларда фанлараро боғланишларни ўрнатиш ўқитувчига қуйдаги имкониятларни беради.

1. Маъруза амалий машғулотлар олиб боришни тўғри режалаштириш.
2. Фанлараро боғланиш турларини аниқлаш.
3. Машғулотларда талабалар фаоллигини ошириш.
4. Айрим мавзу ва саволларни қайтармаслик ва ҳ.к.лар.


Натижада ўқитувчига педагогика фанини юқори методик даражада ўтишга имкон яратилади. Шу билан бирга педагогика фанини ўқитишда назарий дарслар ва амалий машғулотлар бирлиги таъминланади.

Фанлараро боғланишларни ўрнатишда кўплаб методик усуллардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, фанлараро боғланишлар самарадорлигини ошириш учун ўқитувчилар бир-бирларининг дарсларини таҳлил қилишлари лозим. Лекин бу ишни асосини ўқитувчининг методик ва психологик тайёргарлиги ташкил этади. Педагогик тажрибада “фанлараро боғланишлар” атамаси, кўпинча характери жиҳатдан яқин бўлган “фанлар ичра боғланишлар” атамаси билан бир қаторда ишлатилади. Фанлар ичра боғланишлар бир фан материалларини мазмуни ва тузилиш мантиқи жиҳатдан боғланишидир,

6- расмда педагогика фани мазмунини ташкил этувчи мавзуларнинг фанлар ичра боғланишлари келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики педагогика фанининг асосий бобларини “фанлар ичра” боғланишлар асосида ўқитиш мумкин. Бунда ҳар бир боблари бобларга, боблардаги мавзулар мавзуларига боғлиқлиги кўриниб турибди¹.

¹ Исмоилова З.К. Талабаларнинг касбий-педагогик маҳкаларини шакллантириш. Номтодлик диссертацияси. Тошкент, 2000. 41-52 -бетлар.



6-расм. Педагогикадаги мавзулар орасидаги ўзаро боғланишлар.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар.

1. Фанлар аро боғланишлар деганда нимани тушунасиш?
2. Педагогика қандай ижтимоий фанлар билан боғлиқ?
3. Педагогикани нима учун ижтимоий фанлардан ташқари махсус техник фанлар билан боғлаб олиб борилади?
4. Педагогикани айрим мавзуларини махсус фанлар билан боғланишини кўрсатиб, тушунтириб беринг?
5. Бу икки йўналишдаги боғланишлар қандай мақсадларни амалга оширади?
6. Фанлараро боғланишларни амалга ошириш, ташкил қилишнинг асосий мақсади нимада?
7. Педагогика фанидан фанлар ичра боғланган ҳолда дарс ўтиш деганда нимани тушунасиш?

Мавзуга оид таянч иборалар.

Фанлараро боғланишлар, фанлар ичра боғланишлар, ижтимоий фанлар, техник фанлар, этика, эстетика, социология, шахс, фаолият, ТИМ, ҚХМ, ЧФМ, МПТ, МТПФ, МФ ва ИЧТЎМ, трактор ва автомобил, таъмирлаш.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Педагогиканинг предмети, мақсади ва вазифалари.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методологик асосларига эгадир. Жумладан, педагогика ҳам фан сифатида шаклланиб, ўзининг предметиغا эга бўлди. Бошқа фанлар каби “Педагогика” ҳам фан сифатида пайдо бўлар экан, у аввало жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми, деб қараш лозим, чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни унинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганларидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - фалокат масаласидир”¹.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишдан иборат табиий-биологик ходиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштирокчиларига айланиши, яъни тарбия олиши олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини. билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яъни янги туғилган одам боласининг

¹ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. “Ўзбекистон”. 1992.

ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига раҳбарлик қилинган, бошқарилган. Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожланган сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган ҳамда ўзгариб, янгилиниб, жамиятга ҳизмат қилган. Демак биз шу жамиятга ҳизмат қилиб келган педагогикани тубдан ислоҳ қилишимиз зарур. Энди биз миллий маърифий меросимиздан асосида кенг фойдаланишимиз ва жаҳон педагогикаси тўплаган билимлар тузилган миллий педагогикамизни яратишимиз, унинг тамойиллари, дарс бериш усуллари ва услубларига ўтишимиз, асга-секин педагогика илм-фанини ислоҳ қилишимиз керак бўлади.

“Тълим-тарбия ислоҳати ҳақида гапирар эканмиз, - деган эди И.А.Каримов, - унинг мазмунини дунда қилиб ифода этиш мумкин; бизга битирувчилар эмас, мактаб тълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак..

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган қилиб тарбияланиди”¹. Эркин фикрлаш тарзи – ёш авлод руҳини тарбиялашдаги бош омиллардан биридир.

“Педагогика” атамаси “Пайне” - “бола” ва “огогейн” - “стакламоқ” деган маънони билдирувчи лотинча “дайдогос” сўзларидан пайдо бўлган. III асрларда қадимги Грецияда, қулдорларнинг боласини овқатлантирадиган, сайрга олиб борувчи, табиат кўйида ўйнатувчи тарбиячи-қулларни – “педагог” деб аталган. Кейинчалик эса махсус ўқитилган ва педагогиклини ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атаётганлар.

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбия унинг яшаши, ҳаёт кечириши учун энг зарурий шарт ва воситалар эканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятнинг илк кўринишлариданоқ тарбия билан шуғулланувчи мутахассисларга эҳтиёж туғилди, десак биз тарбияни фақат бир томонини, яъни бошқаларни яна ҳам хусусийлаштириб, агар ёшларни тарбиялаш десак, тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия, энг аввало ҳар бир инсонни ўзига қарагилгандир. Ҳар бир киши доимо ҳам ақлий, ҳам тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Чунки бунда жамиятда ўрта, катта авлоднинг тарбиясида камчиликлар, етишмовчиликлар бор экан-да, деган хулоса чиқармаслиги керак.

Тарбия энг аввало ўзига қаратилганлиги Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан олган, қадамба-қадам амалга оширилаётган “Ўзбек модели” да жуда тўғри белгиланган.

Шундай экан, педагогика фанининг **мақсади** инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий-амалий ўқув, малака, кўникмалар билан қуроллантириши.

¹ Ислам Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, “Шарк”. 1997

мутахассисларда ҳар бир соҳага мис илм, билим, кўникмалар ҳосил қилишдан иборатдир.

Педагогика фанининг **объекти** – муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларини аниқ бир мажмуга қаратишидир.

Педагогика фанининг **предмети** ўқитишнинг, таълим–тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларнинг, ёшларнинг қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг миллий-маънавий ривожига шахс камолати уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Педагогиканинг асосий тушунчалари.

Педагогика ҳам бошқа фан соҳалари сингари ўзининг асосий тушунчаларига ва талқинига эга. **Маърифат** – бу **таълим** ва **тарбияни** амалга оширувчи инсон фаолияти соҳаси. Билимга эга ва уни бошқаларга ўргатиш истаги бўлганлар “таълим–тарбия берувчи” лар – **ўқитувчи, домла, маърузачи** деб номланади. Билимга талабгор “**билим олувчи**” лар – ўқитувчи, **талаба, тингловчи, шогирд** деган номлар билан аталади. Билим бериладиган муассасаларга **мактаб, академик лицей, коллеж, институт, университет, академия** қабилар киради. Кўриб турибмизки, педагогик жараённинг бир қатор тушунчалари мавжуд экан. Бу ижтимоий воқеликнинг асосий мақсади бўлган билим бериш – таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади.

Шундай экан, педагогик тушунчаларга таъриф беришни айнан мана шу атамалардан бошлаймиз.

Билим – бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятдан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Инсоният томонидан мустақил ҳаётда, фаолиятда, жумладан ишлаб чиқаришда зурур бўлган фан асосларининг қонунлар ва тушунчаларини ўзлаштириш натижаларидир.

Тарбия – кенг камровли тушунча бўлиб, авлоддан-авлодга ижтимоий-тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият, шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаракатга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлашдир. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия беришдир, яъни таълим орқали эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатилади. Тарбиянинг уч хил талқини мавжуд: 1. Бола боқиб, вояга етказиш. 2. Парвариш, қаров, тарбиялаб вояга етказиш. 3. Инсонни олган билимларини амалиётда қўллай билиши. Масалан: одоб-ахлоққа ўргатиш – ахлоқий тарбия, хунар касбга ўргатиш – касб тарбияси, атроф муҳитни эъзозлашга ўргатиш – экологик тарбия ва ҳоказо.

Таълим – Инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билимларни тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фан, техника, ахлоқ,

маданият ва санъатни ўзлаштиришга қаратилган махсус, уюштирилган фаолият ўқитиш ва ўқишдир. У маълумотни маълум бир тартибда бериш ва ундан олиш жараёнидир. Бу жараён бир қатор маърифий усул ва услубиятлар орқали амалга оширилади. Таълим турлари кўп: ахлоқ–одоб таълими, табиий билимлар бўйича таълим, техник таълим, касб-ҳунар таълими, сиёсий таълим ва ҳоказо.

Маълумот – ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланиб, ўқувчида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, билиш қобилияти ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлари шаклланганлигини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларини қай даражада ривожланганлигини англатади. У икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли: 1. Хабар – ўқитиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишиларнинг унга талабдор бўлганларга билим бериши, етказиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир. 2. Билим даражаси. ўқиш, билиш, борлиқдан объектив мавжуд қонуниятларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси – паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

Шахс – Одамнинг жамият аъзоси сифатида, ўз-ўзини англаш ва тафаккурни, фаолиятнинг объективлигини, мулоқат ҳамда ҳамкорликдаги билувчанликни ташувчанлигидадир. Шахснинг камолга етишида насл (ирсият) биологик, ижтимоий муҳит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тизим - юнонча “*systema*” сўзидан олинган бўлиб, бўлақларда ҳосил бўлган, бирикиш маъносини англатади. Яъни яхлит, бутунликда фаолият кўрсата оладиган ўзаро боғлиқ элементларнинг йиғиндисидир.

Иятизом - Мақсадга эришишда, қилинаётган ишларда керагича ва маслаҳатга мувофиқ доимий равишда бажариладиган хатти-ҳаракат.

Одоб-ахлоқ – Шахсдан ўзига ва дунёга муносабатларига олиб борувчи хатти-ҳаракатларнинг белгиланган, аниқланган усули бўлиб, сабабият, тасаввурлар ва қарашларни ўз ичига олади, яъни шахс шаклланадиган манбаи ҳисобланади.


Шахснинг ақлий сифатлари - Шахснинг ақлий жиҳатдан камолатга етишуви унинг ақлий, зеҳний сифатлари, фазилатлари орқали намоён бўлади. Бу даражага олиб борувчи сифатлар: билагонлик, объективлик, фикрловчилик, севишганлик ҳисобланади.

Кўникма - малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда ўз-ўзидан бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва талабаларда кўп марта такрорланадиган машқлар натижасида юзага келади.

Малака - талабаларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларидан фойдаланиб ва шу туфайли меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишдир.

Маҳорат - турли малакалардан ишончли, ижодий равишда фойдаланиш ҳамда касбий малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлоқ мақсадидир. Маҳорат - бу мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор ритми учун кафолат берувчи ишончликдир.

Мураккаб малака - касб маҳоратининг асосини ташкил этиб, билим, бошланғич малака ҳамда кўникмаларни ўз ичига олади ва улар асосида шаклланади. Мураккаб малака шаклланиши шахсда касб маҳоратини пайдо бўлишига имкон яратади.



7-расм. Касбий малакаларни шакллантириш схемаси.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Педагогика фани нимани ўргатади?
2. Педагогиканинг предмети, объекти нима?
3. Педагогиканинг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. Ўқитувчилардан ташқари кимлар таълим-тарбия билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқ деб ўйлайсиз?
5. Ушбу фан ўқитилгандан кейин талабаларда қандай ижтимоий кўникма ва малакалар таркиб топиши керак?
6. Педагогиканинг асосий тушунчаларига тавсиф беринг.

7. Юқорида кўрсатилган Касбий педагогик малакаларни шакллантириш схемасини тушунтириб беринг.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Педагогика, билим, малака, кўникма, маълумот, ўқиш, мураккаб малака, маҳорот, паҳс, предмет, объект.

МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛИЙ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда – аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулотлари турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда, синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш ишлари яқка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, талабаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо қилган ҳамда таълим билан шуғулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарган. Шу даврга келиб ўқитишнинг махсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлади. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Таълимнинг ташкилий масалалари ал-Фаробийнинг “Фан ва ақл заковат” асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида, таълимни ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592–1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган¹.

Шарқ мутафаккирларидан А.Авлоний, ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Ҳ.Ҳ.Ниёзийлар синф-дарс тизимида ўқитишнинг ахамияти ҳақида ўзларининг фикрларини билдириб ўтганлар.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани олдида турган муаммолардан бири - таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий, услубий ва амалий муаммоларни ҳал этувчи тадқиқотлар олиб боришда кўп ишлар қилинди. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни амалга

¹ Коменский Я.А. Буюк дидактика Тошкент, “Ўқитувчи”, 1975

оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбиқ этиш билан боғлиқ ишлар қилинмоқда.

\\ Педагогика фанидан машғулотлар ўтказишнинг маъруза, амалий машғулотлар, курс ишини бажариш, педагогик амалиёт (танишув ва педагогик), диплом олди амалиёти, диплом лойиҳаси, малакавий битирув ишини бажариш каби ташкилий шакллари мавжуд. Ушбу ташкилий шакллар орқали Педагогика фанини ўрганиш талабаларга она табиат билан ўзаро муносабати ҳамда улар олдидаги масъулият тушунчаларини шакллантириш; педагогик билимларни амалда қўллаш билиш; атрофдагиларга ўз хулқи, одоби билан намуна кўрсата олиш; республикамизда яшовчи турли элатларнинг орзу-умидларига монанд таълим тарбия жараёнининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал эта олиш имкониятларини беради.

Педагогика фанини ўрганиш жараёнида талабалар касб-ҳунар коллежларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишни, дарс ўтишда техник воситаларнинг психолого-педагогик имкониятларидан фойдаланишни, машғулотлар ўтказишда техник воситаларни ишлатиш учун керакли бўлган информацион материалларни тайёрлашни, дастурлаштирилган назорат қурилмаларига тест саволларини тузишни, талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолашни билиб оладилар.

Дарс ўтиш шаклларида бири – *маъруза дир*. Энди биз маъруза турларини кенгроқ ёритиб ўтишга ҳаракат қиламиз.


Маърузалар бир неча турларга бўлинади: маълумотномали, муаммоли, кўрсатмали, икки кишилашиб ўталган маъруза, олдиндан камчиликлари режалаштирилган, матбуот-конференцияли.

Маълумотномали маърузалар тўғрисида педагогик адабиётлар, кўплаб фикрлар мавжуд. Мутахассис тайёрлаш сифатини оширишда маълумотномали маърузаларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш керакли натижалар беради. Бундай маърузаларда талабанинг билиш жараёни изланишли, илмий-тадқиқот фаолиятига яқинлашади.

Маълумотномали маърузалар ёрдамида талабаларда назарий билимларни ўзлаштириш, тафаккурини ривожлантириш, педагогика фанини билишга қизиқишини ва мутахассисликка бўлган касбий мойилликни шакллантириш мумкин.

Маълумотномали маърузада талабалар ўқитувчи берган барча ўқув материални ўша ҳолда эса сақлашга ҳаракат қилади.

Муаммоли маърузада ўқитувчи талабани ўқув жараёнига жалб этишга муаммоли вазиятлар, муаммоли масалалар орқали эришади. Бунда қандай билимлар ўзлаштирилиши ва қандай масалаларни ечиш лозимлиги белгиланади, сўнг уни ечишга керакли, талаба учун поаниқ билимлар изоҳланади. Анъанавий ўқитишда эса олдин ўзлаштириладиган билимлар келтирилади, кейин мисоллар ва уларнинг ечимлари берилади.



8-расм. Маърузалар турлари.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабалар эътиборини жалб қилиш вазиятларининг компонентлари қуйдагилардан иборат: билиш объекти (маъруза матни), билиш субъекти (талаба), субъектнинг объект билан тафаккурий ўзаро ҳаракатлари жараёни ва бу ҳаракатларнинг хусусиятлари.

Муаммоли ўқитишда янги билим булиб, ўқитувчи ахбороти ҳисобланади. Бунда у маърузани шундай ташкил қиладики, талабаларда янги билимларни ўзлаштириш бўйича саволлар туғилади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқа диалог усулида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир, шунингдек, маъруза жараёнида муаммоли-маълумотномали саволлар қўйилиб керакли натижаларга эришиш мумкин. Бу эса педагогика фанини ўқитишда талабаларнинг билиш жараёнини фаоллаштиришга имкон беради.

Кўрсатмали маърузани ўқитувчи дидактиканинг кўргазмали тамойили талабларига жавоб берган ҳолда ташкил этади. Психологик ва педагогик тадқиқотлар шунини кўрсатадики, ўқув жараёнига кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш фақат кўргазмалиликни қабул қилиб олиш ва эса сақлашгагина эмас, балки талабаларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштирига, ўрганилаётган воқеликнинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Икки кишилашиб ўтказиладиган маърузалар талабалар педагогик танишув амалиётини ўтгандан ҳамда маълум, педагогик билимларга эга бўлишгандан сўнг ўқитувчи ва амалий тажрибага эга бўлган (касб-хунар коллежи ўқув жараёнини амалга оширадиган ёки шу жараёни яхши ўзлаштирган) маърузачи ёрдамида амалга оширилади. Бу турдаги маърузанинг афзаллиги шундаки, талабаларни маърузачилар баён этган ўқув материалига бўлган қизиқиши фаоллашади. Чунки улар бир томондан назарий билимлар олса, иккинчи томондан бу билимларни ҳаётга тадбиқ этишдаги амалий кўникма ва малакалар билан танишишади. Бундай маърузаларни ўтказиш учун қатъи педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчи ва маърузачилар таклиф қилинади. Икки кишилашиб ўтказиладиган маърузаларни ҳар доим ҳам ўтказишнинг иложи бўлавермайди, чунки унга жуда пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундай маърузаларни ўтказилганда ҳам таълим методларидан фойдаланилади ва талабалар ҳар доим янги, аниқ билимларни олишга йўналтирилади.

Олдиндан камчиликларни режалаштирилган маърузаларда талабалар ўқитувчининг камчиликларини аниқлаб боради ва маъруза охирида муҳокама қилинади. Бунда талабаларда касбий маҳоратни таҳлил қилиш малакалари шаклланиб боради. Ўқитувчи режа тузаётганида маъруза матнига маълум миқдордаги камчиликларни киритиши лозим. Аммо бу камчиликлар маъруза ўқиш жараёнида яққол кўзга ташланмаслиги керак.

Бу камчиликларни топишга интилиш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Матбуот-конференцияли маърузада ўқитувчи маъруза мавзусини айтгандан кейин ҳар бир талаба 2–3 дақиқа мобайнида ўқитувчига саволлар ёзиб беради, ўқитувчи эса саволлар мазмуни бўйича ажратиб берилган саволлар асосида маърузани бошлайди. Маъруза саволларга жавоб бериш тариқасида эмас, балки мавзу мазмунини очишга қаратилиб унда талабалар берган саволларга жавоблар ҳам келтирилади.

Шундай қилиб, педагогика фанини ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишда бир неча турдаги маърузалардан фойдаланиш талабаларда билимларнинг мустаҳкам шаклланишига олиб келади.

Маърузаларнинг самарадорлиги қуйидагиларга асосланади:

- аниқ мантиқли, қизиқарли, талабга мос келувчи мазмун;
- ўқитиш методлари ва усулларида адекват ҳолда фойдаланиш;
- ўқитишнинг техник воситалари ва кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш;
- педагогик мулоқатда бўлиш малакаси;
- маърузачининг малакаси.

Шунингдек, ўтказилаётган маърузалар матни қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- педагогика фани бўйича тўлиқ тушунча бериш;
- бу фаннинг аҳамиятини кўрсата билиш (муҳимлигини, мўлжалланган саволларни мазмуни);

- фанлараро боғланишни ўрнатиш ва керакли тушунчалар мажмуини очиб бериш;
- талабаларни ўз касбига бўлган қизиқишини уйғотиш ва мустаққамлаш.

Ҳар бир маъруза, асосан қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

1. Кириш қисми. Маърузанинг мақсади, вазифалари, асосий муаммоларининг таснифи, қўйилган масалаларнинг мазмуни, ҳолати, олдинги ўқув материаллари билан ўзаро боғланишларини ўз ичига олади. Масалан: “Юксак маданиятли мутахассис ва унинг ахлоқий сифатлари” мавзуси бўйича маърузанинг кириш қисми қуйдагича бўлади: талабалар мавзу мақсади ва вазифалари билан таништирилади (талабаларни шу мавзу бўйича касбий-педагогик билимларини шакллантириш ва режага асосан улар эгаллаши лозим бўлган билимлар билан таништириш); мавзунинг режаси билан таништириш (шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари, маданиятни шакллантириш манбалари, маданиятлик тушунчаси ва унинг асосий таркибий қисмлари, мутахассис ахлоқини тарбиялаш воситалари ва усуллари, ўзбек халқ мутафаккирларининг ахлоқ ва одоб ҳақидаги фикрлари); касб-хунар коллежларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда маънавий, маърифий ишларни давр талаби асосида олиб боришнинг долзарблигини кўрсатиш; мавзунинг бошқа мавзулар билан фанлар ичра ва фанлар аро боғланишлари айтиб ўтилади.

2. Асосий қисм. Бунда ўқув материалнинг мазмуни очиб берилади, фактлар таҳлили, ҳар хил ёндоқишлар таснифи ҳамда уларнинг ютуғи ва камчиликлари келтирилади, амалиёт билан боғланиши кўрсатилади, уларни қўллаш имкониятлари белгиланади. Яъни маъруза даврида мавзунинг мазмуни; маданият атамаси тушунчаси ва унинг таркиб топиши, ривож, унинг асосий турлари, белгилари, маънавий маданиятни шакллантириш манбалари (фан, маориф, адабиёт, дин, миллий қадриятлар) ва ақидалари; ахлоқий маданиятнинг таркибий қисмлари (ахлоқий тарбия, ахлоқий онг, ахлоқий одат, ахлоқий билим, ахлоқий ишонч); мутахассиснинг умумий хислатлари (ёқимлилик, келишганлик, истараси иссиқлик, савоатлилик, буюклик); ўзбек халқ мутафаккирларининг маданият, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари (Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Дониш, А.Авлоний ва бошқалар) тўлиқ очиб берилади. Бу мавзу бўйича талабаларни юксак маданиятлик ва ахлоқий сифатлари шаклланади, касб-хунар коллежларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва олиб бориш, тарбиявий соатларни ўтказиш, байрам тадбирларини ташкил этиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари даврида олган билимларини тадбиқ этишни қўллаш олишга ёрдам беради.

3. Яқиний қисм. Маърузанинг бу қисмида асосий хулоса шакллантирилади, талабаларнинг мустақил ишлаши учун кўрсатмалар ва методик тавсиялар ҳамда саволларга жавоблар берилади.

Мавзу талабаларнинг касбий малакаларини шакллантиришга, уларнинг касб-хунар коллежларидаги педагогик фаолиятларига (дарс ўтишни тўғри

ташқил этиш, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни, тарбиявий соатларни ўтказишда, уларни ўзлари танлаган касбларига бўлган ҳурматни, мутахассиснинг умумий хислатларини англай олишга) ундайди, мустақил равишда одоб-ахлоққа оид адабиётлар билан ишлашга ўргатади, фикр доираларини кенгайтириш мақсадида уйга кўрсатма ва методик тавсиялар берилади.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Педагогика фанидан машғулотлар ўтишнинг қандай ташкилий шакли ва методлари мавжуд?
2. Синф-дарс шакли деганда нимани тушунаси?
3. Таълимнинг ташкилий масалалари тўғрисида мутафаккирларнинг фикрлари.
4. Маърузаларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Педагогика фани ўқишда маърузаларнинг қандай турларидан фойдаланилади?
6. Ҳар бир маърузалар турларига тавсиф беринг ва уларнинг моҳиятини тушунтиринг.
7. Маърузалар қандай қисмлардан ташкил топган?

Мавзуга оид таянч иборалар:

Маъруза, дарс шакли, малумотнома, матбуот-конференция, муаммоли маъруза, синф-дарс тизими, касб-хунар коллежи, кўрсатмали маъруза, мутахассис, ахлоқ, одоб, маданият, маданиятчилик, миллий қадриятлар.

Педагогика фанидан дарс ўқишда огзаки, кўрсатмали ва амалий (фаол ўқитиш) методлари кўпроқ фойдаланилади.

Дарс ўтиш шаклларида яна бири – *фаол ўқитиш усули*. Энди биз *фаол ўқитиш усуллари*ни кенгрок ёритиб ўқишга ҳаракат қиламиз.

Фаол ўқитиш усули таълим олувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш жараёнида фикрлаш ва билиш фаолиятларини ривожлантиради. Фаол ўқитиш усулидан қуйидагича фойдаланилади:¹

а) ўқитувчи қайта гапириб бериш ҳамда эсда сақлаш учун тайёр ўқув материални намоён этмайди;

б) ўқув материални шундай баён қиладикки, ўқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустақил билим ва малакаларни эгаллайдилар.

Фаол ўқитиш усулининг хусусияти шундаки, унинг асосида амалда фикрлаш фаолиятига интилиш ётади. Бу усулдан билимларни дастлабки ўзлаштиришда, мустаҳкамлашда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

¹Барисова Н.В.и др. Деловая игра “Эстофета передового опыта”. М.,1985.

Мирсаидов К. Ж., Исмоилова З.К., Чориев Р.К. Психология-педагогика фанларидан амалий машғулотлар ўтиш бўйича тавсиялар. Т., ТИКХМИИ. 1997.

Билимлар тизимини ўзлаштириш ҳамда кўникма ва малакаларни шакллантириш йўналишига қараб фаол ўқитиш усули *тақлидли* ва *тақлидсиз* бўлади. Тақлидли ўқитиш усули малака ва кўникмаларни ҳамда касбий фаолиятни моделлаштиришга қаратилган таълимни тақозо этади. Уларни қўллашда касбий фаолият ҳолатларига ҳамда ана шу фаолиятнинг ўзига тақлид қилинади. Тақлидли ўқитиш усули ўйинли ва ўйинсиз бўлади.

Фаол ўқитиш усуллари фанни дастлабки ўргатишга йўналтирилган бўлиб, тафаккурни, илмга кизиқиш қобилиятини, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга имкон беради. Лекин ҳар бир методни қўллашда касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбия ишлари билан боғланган ҳолда маъруза олиб борилади. Бундай ёндошишнинг сабаби шундаки, талабалар 3-курснинг бошида педагогик танишув амалиётини ўтайдилар (касб-ҳунар коллежларида олиб бориладиган ўқув тарбиявий ишлар билан тўлиқ танишиб, айрим дарсларни таҳлил қиладилар). Бунда уларда касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия ишларини олиб бориш бўйича билимлар шаклланади.

Кўрсатмали ўқитиш методини маъруза даврида амалга оширилганда 10-15 дақиқа мобайнида плакат, кино ва диафильмлардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланилади.

Муаммоли, тақлидли ва тақлидсиз методлардан фойдаланилганда талабалар на фақат назарий билим оладилар, балки касбий-педагогик билимларни эгаллайдилар ҳамда уларнинг билиш жараёни фаоллашади.

Педагогика фанини ўқитишда талабаларда касбий-педагогик малакаларни шакллантириш, асосан амалий машғулотлар ва педагогик амалиётлар жараёнида амалга оширилади. Куйида амалий дарснинг “**Мунозара**” шаклида ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси келтирилган.

Мунозара – олий таълим тизимида нутқ ўстириш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоят муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Талаба томонидан “**Ў з с ў з и**” ўзига хос услуби асосида изчил, саводли фикр юритилади. **Мунозара** вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларини муҳокама қиладилар. Мунозара учун шундай шароит яратилиши керакки, унда талабала ўз фикрларини ишонч билан очиқ-ойдин, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари керак. **Мунозара** – битта ёки бир неча гуруҳ билан ўтказилиши мумкин. Уни ўтказиш талаблари ва қоидалари талабаларга олдиндан айтилади ва куйидаги тартибда олиб борилади:

1. Мавзу танлаб олинади.
2. Мавзуга оид режа тузилади.
3. Мавзунинг кисқача мазмуни берилади.
4. Ушбу мавзуга оид мунозарани ўтказишдан кўзланган мақсад белгиланади.
5. Фойдаланиладиган адабиётлар ва ўқитишнинг техник воситалари тайёрланади.

6. Ҳаётдаги ва лицей, касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбиявий жараёнлардаги ижобий ишлар бўйича материаллар тайёрланади.
7. Мавзуга оид қўшимча саволлар ишлаб чиқилади.


Мунозара мавзусини талабалар ўзлари танлаб оладилар. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини баён қилганда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, ўз қарашларини тўғри ёки нотўғрилигини исбот қилиб берадилар. Мунозарада ҳамма иштирокчилар мавзуга оид ўз фикрларини йтиши шарт. Машгулот охирида мунозара, негадого томонидан таҳлил дилинади ва талабалар баҳоланиб, ҳисоботи тўлдирилади.

Педагогика фанини ўқитиш шаклларида яна бири - **“семинар”** машгулотларидир. Семинар машгулотларининг талабалар томонидан айёрланган маъруза ва рефератларни муҳокама қилиш усули ҳам кенг арқалган. Одатда, ўқитувчи маъруза ва реферат мавзуларини талабаларнинг эътиборига хос хусусиятлари ва уларнинг тайёргарлик савияларини ҳисобга олган ҳолда аниқлайди. Талабаларга уларни қизиқтирган мавзуларни семинар машгулотларга олиб чиқишга ҳуқуқ берилади ¹.

Семинар машгулотларига курснинг энг муҳим, касбий тайёргарлик авиясини белгилайдиган, тушуниш ва ўзлаштириш қийин бўлган мавзулар олиб чиқилади. Бундай машгулотлар тайёргарлик даражаси юқори бўлган талабаларнинг яқка тартибда сўзга чиқиши билан эмас, балки ҳар бир талабанинг қатнашишини таъминлайдиган шароитда амалга оширилади.

Семинар машгулотларига мавзу танлаб олишда, уни муаммо қилиб ўтариб чиқишни амалга ошириш ва семинарни қизиқарли қилиб олиб бориш чун семинар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, унга дидактик ишлов бериш лозим. Қуйида “Педагогика” фанидан семинар машгулотларининг йримларини келтириб ўтамиз. Семинар қатнашчиларининг ўзаро таъсир ва муносабат усули сифатида, қатнашчиларнинг жойлашиш тартиби, улар расидаги у ёки бу *муносабат усули* белгиланади. Жойлашиш тартиби семинар машгулотининг мақсадларига самарали эришишга катта таъсир тади. Бу ҳолда машгулотнинг *гуруҳ усули* амалга оширилади. Унда вақтнинг ҳар бир лаҳзасида бир одам-ўқитувчи-гуруҳ билан бир бутун каби муносабат қилинади ва ўқитиш вазифасини ҳаммага нисбатан бажаради. Семинарда сўзга чиққан талаба бу вазифани ўз зиммасига олади, аммо муносабатнинг гуруҳ усули сақланиб қолади. Аслида бундай семинарда маъруза машгулотларининг, тарихий жиҳатдан илгарироқ пайдо бўлган ўрта мактаб дарслари усулини эслатадиган, классик кўриниши акс эттирилади.

¹ Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: Контекстный подход. Метод. пособие. М., Высшая школа”, 1991, с.117-126



9-расм. Фаол ўқитиш методлари.

Бу усулнинг қулайлиги ўқитувчи ахборотни бирданига ҳамма ўқувчиларга етказишидадир. Семинарда сўзга чиққан талабалар шахсий билимини намоён этади ва шу сабабли ўзаро муносабат тақдирланмайди. Одатдаги семинарда ҳамкорлик, ўзаро ёрдам йўқ, бир-бирига ёрдам беришга уринишлари “*шипштиш*” деб ҳисобланади.

Таълим беришнинг *гуруҳ усули* бевосита талабаларнинг шахсиятпараслигини, уларнинг принципал сўққабош нуқтаи назарининг, келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳар бир талаба ўқитувчи руҳсати билангина (доскага чиқарилганда) ўз фикрини баён қила олади. Талабаларнинг асосий қисми индамасдан ахборотни истеъмол қилади ва касбий йўналишда фикр юритиш тажрибасига етарлича эга бўлмайди.

[Хулоса қилиб айтиш мумкинки, машғулотлардаги муносабатнинг гуруҳ усули адекват модели эмасдир. Шу сабабли таълим жараёни қатнашчилари орасида муносабат ва алоқа ташкил этишнинг янги усулларини аниқлаш борасида иш олиб борилмоқда.

Н.Д.Никифоровнинг иши муҳимлигини ҳозирда ҳам йўқотмаган семинар машғулотларида мунозара қатнашчиларининг алоқа ва муносабатларини ташкил этиш тажрибаси ёритилган.

Агар қатнашчилар гуруҳ ечаётган масала бўйича ахборотнинг жиддий қисмига эга бўлишса ва қатнашчилар бевосита мурожат қиладиган бирорта марказий шахс мавжуд бўлса, бу ҳолда масала ечиш тезлаштирилади. *Доира шаклида* жойлашган ҳар бир қатнашчи ўзини тенг ҳуқуқли деб ҳис қилади. Ўқитувчи талабалардан алоҳида ўтирса ва уларнинг эътиборлари ўқитувчига қаратилган бўлса, мунозара қатнашчилари ўз фикрларини бир-бирига эмас, ўқитувчига билдирадilar. Ўқитувчи талабалар орасида бўлса ёки уларнинг фаолиятини четдан кузатгандек бўлса талабаларнинг ўқитувчига эмас, бир-бирига мурожатлари тез-тез бўлиб туради.

Ўрин танлаш ҳуқуқи талабаларга берилса, ўқитувчи қаршисида унга мурожат қилишни афзал кўрадиганлар ўтирадилар. Агар индамай ўтириб чиқадиган талабалар “*баҳсчилар*” рўпарасида жойлаштирилса, улар бир-бирларига тўла мувофиқланадилар.

“*Тугарақ стол*” усулида ўқитувчи ҳам доира ичида жойлашади. Бу усул вазиятнинг расмийатчилигини пасайтиради ва муносабатга шахсий боғланиш имкониятларини беради. “*Тугарақ стол*” усули семинар машғулотларини энг фаол ташкил этиш тури бу гуруҳ шаклига оид.

2. Бундай семинарда ҳамкорлик, ўзаро ёрдам амалга оширилади, ҳар бир қатнашчи интеллектуал фаолиятда тенг ҳуқуққа эга ҳамда бошқа талабаларнинг ютуқларига ва семинар машғулотининг мақсадларига эришиш мувоффақиятларидан манфаатдордир. ишнинг аниқ бир қисмига шахсан жавобгардир ва гуруҳ бўлиб қарор чиқаришда қатнашади. Гуруҳ иш шароитида талаба ўз билимлари асосида бошқалар билан фикрлашади, уларнинг қарашларини муҳокама қилади, мавзу бўйича ўзининг фикрларини баён этади, ўқитувчи ролида қатнашади, фаол ижтимоий ҳолатни эгаллайди ва мутахассис, жамият аъзоси сифатида шаклланади, тарбияланади. Илмий

гурух аъзоларининг мавзуйи ва ижтимоий модели бўлган *семинар-мунозаралар*да талаба ўз фикрларини аниқ ифодалаш, ўз нуқтаи назарини фаол ҳимоя қилиш, асосли эътироз билдириш, гуруҳдошининг ҳаракати нотўғрилигини исбот қилишга ўрганиб боради. Семинар – мунозаранинг муваффақияти ўқитувчининг ташкилотчилиги ва талабаларнинг маҳоратларига боғлиқ.

Олийгоҳларда семинар – мунозаранинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, талабалар фан ечган муаммоларни муҳокама қиладилар. Бу ҳол мунозарани ташкил этаётган ўқитувчининг (ҳар доим бўлмаса ҳам, сабаби, муҳокама, фан-техника, ижтимоий амалиёт, ҳозирги кун ва келажак муаммолари олиб борилади ва баъзи ҳолларда талабалар ўқитувчи эга бўлмаган билимларни ҳам кўрсатиши мумкин) вазифасини енгиллаштиради.

Семинар-мунозара усулининг ривожланиши кўрсаткичи сифатида “мияга қарши ҳужум” ва педагогик ўйинларнинг элементлари қўлланиши мумкин. Биринчи ҳолда қатнашчилар ғояларини иложи борида танқидга учратмай чиқарилади, кейин уларнинг ичида муҳимларини ажратиб олиб муҳокама қилинади, имкониятлари кенгайтирилади ва уни исбот қилиш ёки рад этиш имкониятлари баҳоланади. Иккинчи ҳолда семинар – мунозара илмий ва бошқа мунозараларда қатнашадиган талабаларнинг реал ҳолатини акс этадиган ролларга бўлиш шаклида ўтади. Бу ерда ўқитувчи муҳокама қилинаётган материалга ҳамда семинардан кўзланган таълим-тарбия мақсадларига қараб масалан: “*олиб борувчи*” ёки “*муҳолифни*”, “*тақризчини*”, “*мантиқчини*”, “*психологни*”, “*экспертни*” киритиши мумкин. Семинарни олиб борувчи ролига тайинланган талаба ўқитувчининг мунозара ташкил этиш бўйича барча ваколатларини олади, яъни талабаларнинг биронтасига семинар мавзуси бўйича маъруза қилишни топширади (уни семинардан маълум вақт олдин қилиш маъқулдир) муҳокама жараёнида етакчилик қилади, исботлар ва рад этишлар, тушунча ва термин ишлатишлар тўғрилигини ва муносабат жараёнида ҳушмуомалаликни кузатиб туради.

Талабаларнинг бўлиб берилган роллари бўйича вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тақризчи – тадқиқотчилар орасида одатли илмий маъруза ёки диссертацияга муаллиф чиқиш расмий маросимини тасвирлайди. У маърузачининг нуқтаи назарини тўла англаганлигини, хато ва камчиликларини намоён этиб тасвирлаш эмас, балки ўзи қўйган муаммони ечиш вариантини таклиф этади.

Мантиқчи – маърузачи ва муаллифнинг фикр юритишларидаги қарама-қаршиликлар ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчаларнинг таърифларини ойдинлаштиради, исбот ва рад этишларни таҳлил қилади. чиқарилган фаразларнинг тўғрилигини аниқлайди.

Психолог - семинар-мунозарада талабаларнинг унумли алоқа ва муносабатини ташкил этишга жавобгар, ҳаракатларнинг ҳамжихатлигига интилади, мунозарадаги зиддиятларни юмшатиб, уларни ҳазилга айлантириб,

жанжалга айланиб кетишга йўл қўймайди, диалог олиб бориш қоидаларига роя қилишни кузатиб боради.

Эксперт – мунозара унумлилигини, фаразлар тўғрилигини ва чиқарилган хулосаларни баҳолайди, у ёки бу катнашчининг умумий масалани ечишга киритилган ҳиссаси тўғрисида фикрни билдиради, қатнашчиларнинг мунозарадаги муносабатига баҳо беради. Мунозаранинг бошқа катнашчилари унинг ўтиш жараёнини кузатиб турадилар ва маърузачига, муаллифга, тақризчига саволлар берадилар, истаган даврида мунозарага киришишга тайёр бўлишлари керак. Улар ўзларининг фикрлари, баҳоларини айтадилар. Сўзга чиққанларнинг фикрларини тўлдирадилар, мавзу бўйича танқидий мулоҳазаларини билдирадилар.

Ўқитувчи семинар-мунозара тугагандан кейин умумий хулоса чиқариши, натижаларни жамлаши, семинар муаммосини ечишга ҳар бир талаба ва бугун гуруҳ қўшган хиссани баҳолаши лозим. Ўз обрўйи билан талабалар ташаббусини бўғиб ташлаш керак эмас. Шунингдек, ўқитувчининг фикрига қўшилмаслик баҳонинг пасайишига ёки ўқитувчи билан келишмовчиликка олиб келмасликка ишонч шароитини яратиш керак.

Амалий машғулотлар даврида таълим шаклларида яна бири махсус курсларда қўлланиладиган *семинар-тадқиқотдир*. Ўқитувчи таклифи билан талабалар 7–9 кишидан иборат гуруҳчалар тузишади ва уларга олдидан тайёрланган машғулот мавзуси бўйича кўтариладиган муаммо масалалари рўйхати берилади. Саволларга жавоб бериш учун талабалар фикр алмашиши, мунозара ўтказишлари ҳамда берилган манъбалардан фойдаланиб, муаммонинг тадқиқотини охирига етказишлари лозим. Ярим соат мобайнида гуруҳлар ўз вакиллари сўзга чиқиши учун берилган муаммоли саволларга келишилган ҳолда гуруҳ жавобларини тайёрлайдилар. Маърузачи у ёки бу талабанинг махсус фикрини ҳам агар у юз берган бўлса қайд қилади. Маъруза қилган гуруҳчалар ўқитувчининг саволларига жаваб берадилар. Кейин бошқа гуруҳчаларнинг маърузалари тингланади. Семинарнинг охири босқичида гуруҳчаларнинг фикрларини жамлайдиган тўла гуруҳнинг хулосалари ишлаб чиқилади. Машғулот ўтишнинг бундай шаклида талабалар ўз фикрларини тўғри баён этиш, ҳимоя қилиш ва исботлаш тажрибасини, яъни ахборотни билимларга, билимларни эътиқодларга ва фикрларга айлантириш тажрибасини эгаллайдилар¹.

Талабалар “Педагогика” фанидан олган билимларини “Педагогик амалиётлар” жараёнида мустақамлайдилар ва ўзларининг мутахассисликлари бўйича малакаларини эгаллайдилар. Бу **педагогик амалиётларни ташкил этиш шакллари**дир. Бунда бир неча дарс ўтиш шаклларида фойдаланилади:

Биринчиси - Республикамиз вилоятларидаги касб-ҳунар билим юртиларига педагогик амалиёт ўтиш учун 1–2 тадан талаба юборилади. Улар

¹ Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. Метод. пособие. М., “Высшая школа”. 1991. с.127-170

Ўзларининг яшаш жойларига яқин жойларда амалиёт ўтадилар. Бу шаклнинг ютуғи шундаки, талабага кейинчалик бу ўқув юртига ишга бориш имкони яратилади, амалиёт дастури тўлиқ бажарилади. Бу усулнинг айрим камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар гуруҳдошлари орасидаги ўзи ўтган дарс сифатини муҳокама қилиш имконига эга бўлмайди; тарбиявий тадбирларни бир ўзи ҳал қилишга тўғри келади; амалиёт ўтиш жойлари кўп бўлиши сабабли раҳбар ўқитувчи маслаҳатидан тўлиқ фойдаланиш имкони камаяди.

Иккинчиси – Тўлиқ гуруҳ (18–20 талаба) билан битта касб-ҳунар билим юртида амалиёт ўтилади. Бу усулнинг ютуғи – талабалар ўқитувчи маслаҳатидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар; ўзлари ўтган дарс сифатини гуруҳдошлари томонидан ҳар томонлама муҳокама қилинади. Камчилиги эса талабаларнинг ҳаммасини ҳам махсус фан ўқитувчиларига бириктириш имкони бўлмайди; 20 та талабага раҳбарлик қилиш 1 та ўқитувчига қийинчилик ўйғотади; амалиёт дастури тўлиқ бажарилмайди.

Учинчиси – Талабалар яшаш жойига яқин касб-ҳунар билим юртида педагогик амалиёт ўтиши ташкил этилади. Улар 4–6 кишидан гуруҳчаларга бўлинади ва билим юрти ўқитувчиларига 1–2 тадан талаба бириктирилиб қўйилади. Олий ўқув юртидан амалиётга битта ўқитувчи раҳбарлик қилади. Унинг ютуғи – амалиёт дастури тўлиқ бажарилди; раҳбар ўқитувчи талабаларга тўлиқ маслаҳат бериш имкониятига эга бўлади; талабаларга шу билим юртида ишга қолиш имконига эга бўладилар. Юқоридегиларни таҳлил қилиб кўрсак 3 чи вариантдаги педагогик амалиётни ташкил этиш шакли энг самарадор кўринади. Шундай қилиб, амалиётни ташкил қилиш шаклларининг таҳлили қуйидагиларни хулоса қилишга олиб келади:

1. Амалиётни ташкил этиш шакллари уни ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ва методик кўрсатмалар савияси талаб даражасида ўтишига асосланиши керак.
2. Касбий таълим йўналишида педагогик амалиётлар ўтиш бўйича алоҳида низом ишлаб чиқилиши ва шу асосда амалиёт ўтказилиши лозим.

Педагогика фанини ўқитишнинг шакл ва методларини таҳлили асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. “Педагогика” фанидан маъруза тури, маъруза мақсади, мавзунинг мазмуни ва талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланса, дарс янада самарадорлироқ бўлади.
2. Амалий машғулотларда семинар ўтишни ташкил этишнинг турлича шакллари ва усулларидан фойдаланиш талабаларнинг билиш фаолиятини анча фаоллаштиради.
3. Маъруза ва амалий машғулотларда фаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш, ўқитиш жараёнини ишлаб чиқиш (касб-ҳунар коллежларининг ўқув тарбиявий жараёнига яқинлаштиришга) жараёнини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради.

4. Педагогик амалиётлар ўтиш учун зарур бўлган янги дастурлар ва методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш зарур.
5. Касбий таълим соҳаси бўйича амалиётлар ўтказиш “Низом”ини ишлаб чиқиш лозим.

Педагогика фанидан амалий машғулотлар ўтишининг яна бир шакли **“ўйинли машғулотлар”** ўтказишдир.

Ўйинли машғулотлар – сунъий ташкил қилинади. Бунда ўйин иштирокчилари маълум ролларни бажарадилар (ишлаб чиқариш усталари, ўқитувчи, бош уста, ота-она, тарбиячи, раҳбар ва бошқалар) ёки фаол кузатувчи сифатида қатнашиб, ўйин ҳаракатини баҳолайдилар. Педагогика фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик ўйинли машғулотлар талабаларнинг билиш фаолиятини янада фаоллаштиришга кўмаклашади (машғулотда улар фаол қатнашишади, экспертлар мустақил хулосалар чиқаришади, қўйилган мақсадлар амалга оширилади ва талабалар машғулотларни маълум билимларга эга бўлган ҳолда тарқ этадилар). Педагогик ўйинли машғулотлар ўқитишнинг фаол, самарали усули ҳисобланади. Ўйинли методларни таълим жараёнига киритишга, счишга биринчи уринишлар 1932 йилларда М.М.Бирштейн томонидан бўлган (2). Кейинчалик ўқитишнинг бу методлари педагогика илмида ҳам қўллана бошланди (1,2,3,4,5). Педагогик ўйинли машғулотлар қуйидагиларга бўлинади: ишлаб чиқаришда, ташкилий-фаолиятли, муаммоли, ўқув ва комплекс. Педагогика фанини ўқитишда ўқув комплекс турдаги педагогик ўйинли машғулотларда қатнашувчиларнинг на фақат касбий билим ва малакалари балки, шахснинг айрим касбий ва ахлоқий хусусиятлари (тайёргарлик, бажарувчанлик, ижро этувчанлиги, ижодий фаоллик, интилувчанлиги, асосланганлиги, жамоатчилик ва бошқалар) ҳам шакллантирилади. Комплекс педагогик ўйинли машғулотлар мазмунида педагогика, педагогика тарихи, миллий педагогика, психология, махсус фанларни ўқитиш методикаси каби фанларнинг ўқув материаллари ўз аксини топади(6). Педагогик ўйинли машғулотлар мутахассисни бўлгуси касбий фаолиятга тайёрлаш, таълим олишга қизиқишини уйғотишга ва гуруҳини жиپслаштиришга имкон беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, педагогик ўйинли машғулотлар қатнашчилардан ролларни ўйнашда аввал ўрганилган билимларни яхши ўзлаштирган бўлишини ҳамда умумий меъёр қоидаларини бажаришини талаб қилади. Ҳақиқий педагогик ўйинли машғулотлар ўзида ўқув ва ўйин элементларини мужассамлаштириши керак. Педагогик ўйинли машғулотларни асосий йўналишлари бўйича шартли равишда қуйидаги уч қисмга бўлиш мумкин: аниқ педагогик малакаларга ўргатиш; талабаларни ўйин жараёнида ўзаро ҳаракатда бўлишга ўргатиш; талабаларга педагогик психология, ўқитиш услубиёти фанларидан маълум даражада билим бериш ҳамда уларда педагогик тафаккурни ривожлантириш.

Педагогик ўйинли машғулотларнинг моҳияти ва тамойиллари- педагогика фанини ўқитиш тажрибасида педагогик ўйинли машғулотларни

кенг қўллашнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуддир. **Ижобий томони:** шахсни шакллантиришда қурол сифатида фойдаланиш имкониятига эгаллиги билан тасдиқланади ва ўқув жараёнини фаоллаштириш мақсадлари билан амалга оширилади. **Салбий томони** – қуйидаги ҳолларда вужудга келади, яъни ўйинли дарсларни ишлаб чиқишнинг психолого-педагогик илмий-услубий асосларига таянилмайди, фақатгина ўйинли дарсларнинг ташқи шаклигина олинади.

Педагогик ўйинли машғулотларнинг моҳиятини педагогика ва психология фанларининг ўқув тарбиявий жараёнисиз тушуниб бўлмайди. Педагогик ўйинли машғулотлар “огир артиллерия” бўлиб, уни ўқув жараёнини бошқа усуллар билан амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳоллардагина қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Комплекс педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш уларни моделлаштириш билан бирлаштиришни тақозо этади. Яъни ўйин қатнашчилари учун ўзаро боғланган педагогик ҳолатларнинг моделини ташкил этиш керак. Ҳозирги кунда педагогик ўйинли машғулотларни ўтказиш бўйича концепсия йўқ. Шунинг учун педагогик ўйинли машғулотларни психолого-педагогик олимларнинг кўрсатмаларига таянган ҳолда олиб борилмоқда.

Педагогик ўйинли машғулотларнинг моҳияти қуйдагилардан иборат: касбий фаолият ижтимоий ва предметли мазмунни тикловчи шакл ҳисобланади. У аниқ меҳнат турига тааллуқли бўлади ва ўзаро алоқалар тизимини моделлаштиради. Шу билан бирга педагогик ўйинли машғулотлар ўқув жараёнининг аниқ шароити ва динамикасини тикловчи тақдидли моделлар асоси бўлиб, унинг қатнашчилари учун ўйинли фаолият ҳисобланади. Шунингдек, педагогик ўйинли машғулотлар икки омилни - ўқув тарбиявий ҳамда ундаги таълим олувчиларнинг фаолият жараёнини намоён этади.



10-расм. Педагогик ўйинли машғулот схемаси.

Таълим беришда ҳамда тарбиявий ишларда самарадорликка эришишда педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидаги психолого-педагогик тамойилларга асосланилади: ўқув жараёнининг аниқ шароити ва динамикасини тақлидли моделлаштириш тамойили; тақлидли модел мазмуни ва ўйинли моделни амалга ошириш жараёнининг муаммоли тамойили; биргаликдаги фаолият тамойили; диалогли мулоқатда бўлиш тамойили; икки режали тамойил (11– расмда

кўрсатилган). Бу тамойиллар ўйинли ўқув жараёнини ва уни ташкил этувчи қисмлар ҳамда ички боғланишлар бўйича билимларни ташкил этади.



11-расм. Педагогик ўйинли машғулотларнинг психолого-педагогик тамойили.

Ҳар бир тамойил бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради, улар бирга олингандагина педагогик ўйинли машғулотлар концепциясини ташкил этади. Ўқув жараёнининг аниқ шароитини ва динамикасининг тақлидди моделлаштириш тамойилини амалга ошириш учун ўқитувчи ўқув жараёнининг тақлидди моделини ва касбий фаолиятнинг ўйинли моделини ишлаб чиқиши керак.

Тақлидди модел - ҳақиқий воқеликнинг бирон-бир қисмини намоён этади. **Ўйинли модел** эса, тақлидди модел билан ўйин қатнашчиларининг ишлаш усулларини ёритади. Тақлидди ва ўйинли моделларни таълим

жараёнига тадбик этиш учун педагог ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқади.

| Методик жиҳатдан таъминлаш | Ўйинли модел | | | Техник жиҳатдан таъмин- лаш |
|----------------------------------|-------------------------|--|---|--------------------------------------|
| | Ўйин мақсад- лари | Иштирокчи- ларнинг роли ва вазифалари | Ўйин сценарий- си | |
| | Педагогик мақсадлар | Ўйин учун предмет | Ўйин қат- нашчилари нинг ўзаро ҳаракат- лари учун жадвал | Баҳолаш tizими |

12- расм. Педагогик ўйинли машғулот структураси

Бу ҳолатлар бир-бирига қарама-қарши, ноаниқ, етишмаган маълумотларни топишга олиб келади. Педагогик ўйинли машғулотлар жараёнида талаба маълумотларни таҳлил қилиши, муаммони аниқлаши, уни масалали ҳолга келтириши ҳамда уни ечиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши, қарор қабул қилиши ва унга бошқаларни ишонтириши, амалий ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Биргаликдаги фаолият тартиби деганда тақлидли модел жараёнида икки ва ундан ортиқ кишиларнинг қатнашиши тушунилади.

Диалогик мулоқатда бўлиш тартиби деганда ўқув муаммолари ва масалаларни ечиш, келишилган қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш, касбий таълим беришда билим фаоллигини ошириш тушунилади. Ўйин қатнашчиси ўзининг фикрини ҳар бир ўйин бўйича билдириши керак.

Икки режали тамойил – ўйинли ўқув фаолиятида мақсадга эришиш, таълим бериш орқали мутахассис шахсини шакллантиришни амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилади.

Демак, педагогик ўйинли машғулотлар мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Дидактик мақсадлар:

- педагогик ўйинли машғулотлар орқали билимлар тизимини мустаҳкамлаш;
- педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш ва уларни услубий ёритиш бўйича малакаларини шакллантириш;
- педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш борасида тажриба алмашиш;
- гуруҳ бўлиб қарорлар қабул қилиш малакасини такомиллаштириш;
- ҳар хил масалаларни ташкил қилиш.

Тарбиявий мақсадлари:

- ижодий фикрлашга ўргатиш;
- педагогик ўйинли машғулотларни амалда қўллаш бўйича кўрсатмалар бериш;
- одамлар билан ўзаро алоқада бўлиш жараёнида ўзини тутати билиш кўникмаларини шакллантириш.

Педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътиборга олинади:

- педагогик ўйинли машғулотларнинг педагогик фаолиятни шакллантиришни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқувчи томонидан ўйинларни яратиш усуллари намоён этиш.

Педагогик ўйинли машғулотлар ҳозирги кундаги ўқув-тарбиявий жараёнга қуйидаги янги сифатларни олиб киради:

- ўқув жараёни намоён этувчи тақлидли моделнинг, яъни ўқув материали мазмунини;
- ўргатувчи ўйинли моделда бўлгуси касбий фаолият шакли ва вазибалари, бўлимларини;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини ҳақиқий ўқув жараёнига яқинлаштиришни;
- таълим ва тарбия бериш жараёнининг бирлигини;
- фаолиятнинг ўқитувчи томонидан ташкил этилиши ва бошқарилиши ҳамда талабалар томонидан амалга оширилишини;
- маълумотлардан кенг миқёсда фойдаланишни.

Педагогик ўйинли машғулотлар қуйидаги педагогик вазибаларни амалга ошириши керак:

- бўлажак мутахассисларга касбий фаолият тўғрисида бир бутун тушунча бериш;
- касбий предмет ҳамда ижтимоий тажриба ҳақидаги яқка тартибда биргаллашиб қарор қабул қилишни ўзлаштириш;
- касб бўйича назарий ва амалий фикрлашни ривожлантириш;
- касбий мойилликни шакллантириш ва унинг ҳосил бўлишига шароит яратиш ва бошқалар.

Педагогик ўйинли машғулотлар анъанавий усуллардан қуйидаги сифатлари билан фарқ қилади, яъни ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаллашдаги бир муаммони ечишга киришиши натижасида касбий фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатларининг асосий қонунияти ҳосил бўлади. Лекин бу касбий фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатлари дидактик асосланган, услубий томондан таъминланган ва ҳужжатлар билан исботланган бўлиши керак. Буни амалга ошириш учун шундай дидактик шароит яратиш керакки, педагогик ўйинли машғулотларда қатнашувчи шу давргача эгаллаган жами билимларни намоён эта билсин.

жараёнига тадбиқ этиш учун педагог ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқади.

| Методик жиҳатдан таъминлаш | Ўйинли модел | | | Техник жиҳатдан таъминлаш |
|----------------------------|---------------------|-------------------------------------|---|---------------------------|
| | Ўйин мақсадлари | Иштирокчиларнинг роли ва вазифалари | Ўйин сценарийси | |
| | Педагогик мақсадлар | Ўйин учун предмет | Ўйин қатнашчиларининг ўзаро ҳаракатлари учун жалвал | Баҳолаш тизими |

12- расм. Педагогик ўйинли машғулот структураси

Бу ҳолатлар бир-бирига карама-қарши, ноаниқ, етишмаган маълумотларни топишга олиб келади. Педагогик ўйинли машғулотлар жараёнида талаба маълумотларни таҳлил қилиши, муаммони аниқлаши, уни масалали ҳолга келтириши ҳамда уни ечиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши, қарор қабул қилиши ва унга бошқаларни ишонтириши, амалий ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Биргаликдаги фаолият тартиби деганда тақлидли модел жараёнида икки ва ундан ортиқ кишиларнинг қатнашиши тушунилади.

Диалогик мулоқатда бўлиш тартиби деганда ўқув муаммолари ва масалаларни ечиш, келишилган қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш, касбий таълим беришда билим фаоллигини ошириш тушунилади. Ўйин қатнашчиси ўзининг фикрини ҳар бир ўйин бўйича билдириши керак.

Икки режали тамойил – ўйинли ўқув фаолиятида мақсадга эришиш, таълим бериш орқали мутахассис шахсини шакллантиришни амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилади.

Демак, педагогик ўйинли машғулотлар мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Дидактик мақсадлар:

- педагогик ўйинли машғулотлар орқали билимлар тизимини мустаҳкамлаш;
- педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш ва уларни услубий ёритиш бўйича малакаларини шакллантириш;
- педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш борасида тажриба алмашиш;
- гуруҳ бўлиб қарорлар қабул қилиш малакасини такомиллаштириш;
- ҳар хил масалаларни ташкил қилиш.

Тарбиявий мақсадлари:

- ижодий фикрлашга ўргатиш;
- педагогик ўйинли машғулотларни амалда қўллаш бўйича кўрсатмалар бериш;
- одамлар билан ўзаро алоқада бўлиш жараёнида ўзини тута билиш кўникмаларини шакллантириш.

Педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқишда қуйдагиларни эътиборга олинади:

- педагогик ўйинли машғулотларнинг педагогик фаолиятни шакллантиришни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқувчи томонидан ўйинларни яратиш усуллари намоёниш этиш.

Педагогик ўйинли машғулотлар ҳозирги кундаги ўқув-тарбиявий жараёнга қуйдаги янги сифатларни олиб киради:

- ўқув жараёни намоён этувчи таклидли моделнинг, яъни ўқув материали мазмунини;
- ўргатувчи ўйинли моделда бўлгуси касбий фаолият шакли ва вазифалари, бўлимларини;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини ҳақиқий ўқув жараёнига яқинлаштиришни;
- таълим ва тарбия бериш жараёнининг бирлигини;
- фаолиятнинг ўқитувчи томонидан ташкил этилиши ва бошқарилиши ҳамда талабалар томонидан амалга оширилишини;
- маълумотлардан кенг миқёсда фойдаланишни.

Педагогик ўйинли машғулотлар қуйдаги педагогик вазифаларни амалга ошириши керак:

- бўлажак мутахассисларга касбий фаолият тўғрисида бир бутун тушунча бериш;
- касбий предмет ҳамда ижтимоий тажриба ҳақидаги яқка тартибда биргаликда қарор қабул қилишни ўзлаштириш;
- касб бўйича назарий ва амалий фикрлашни ривожлантириш;
- касбий мойилликни шакллантириш ва унинг ҳосил бўлишига шароит яратиш ва бошқалар.

Педагогик ўйинли машғулотлар анъанавий усуллардан қуйдаги сифатлари билан фарқ қилади, яъни ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги бир муаммони ечишга киришиши натижасида касбий фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатларининг асосий қонуниятлари ҳосил бўлади. Лекин бу касбий фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатлари дидактик асосланган, услубий томондан таъминланган ва ҳужжатлар билан исботланган бўлиши керак. Буни амалга ошириш учун шундай дидактик шароит яратиш керакки, педагогик ўйинли машғулотларда қатнашувчи шу давргача эгаллаган жами билимларни намоён эта билсин.

Булар қуйидагилардан иборат:

- касбий фаолиятни бир бутун ҳолда кўра билиш, унинг объектини ташкил этувчи қисмларини таҳлил қилиш;
- педагогика фанининг ҳаракати, мақсади, воситаси ва ҳолатларини қайта ташкил бўлишида қўйилган натижаларни ажрата олишни билиш;
- вазифани бажариш, изоҳлаш ва аниқ шароитда мақсадга эришишни таъминловчи ҳаракат тизимини ажрата билиш;
- масаларни ечишдаги ҳаракатларни амалга ошириш;
- олган натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, педагогик ўйинли машғулотлар модели талабаларнинг ўқув жараёнида фаол қатнашишни таъминлаши ва касбий фаолиятни эгаллашга қаратилиши керак.

Педагогик ўйинли машғулотларни тadbияқ қилишда дидактик тамойилларни қўллаш хусусиятлари.

Дидактик тамойиллар таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий характери, мунтазамлиги ва изчиллиги; кўргазмалилиги; мазмуннинг таълим олувчиларга мослиги; ўқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш ва ҳар бир талабага алоҳида–алоҳида ёндошишдан иборат.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш тамойили – талабаларни ўқитиш ишларини фаоллаштирадиган, онгини ўстирадиган, уларни мустақил билим олишга йўналтирилган усулларга ўргатади ҳамда педагогик, техник атамалардан тўғри фойдаланишга отлантиради.

Таълимнинг тарбиявий характери – талабаларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши учун шароит яратади. Таълимни амалга оширишда ўқитувчи талабаларда ўз мутахассислигига меҳр қўйиш, ўз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлаш олиш кўникмаларини тарбиялаш лозим. Ҳар бир маъруза, машғулот талабаларнинг билим ва малакаларини ошириш билан бирга дунёқарашини ҳам шакллантиради.

Кўргазмалилик тамойили – ўрганилаётган ҳодиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида ўзлаштиришни кўзда тутди. Таълимнинг кўргазмалилик тамойили ўқув материални аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди. Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан тўғри фойдаланиш талабаларнинг педагогика, психология, ўқитиш услубиёти ва техникага оид фанларни пухта ўзлаштириб олишга, уларда малака ҳосил бўлишига ёрдам беради. Агар кўргазмали қурол бирор фикрни билдириш учун ёрдамчи восита бўлса, нутқ асосий қурол ҳисобланади. Кўргазмали қурол кузатишни ривожлантириш учун қўлланилса, нутқ қисқа бўлиб, кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган.

Онглилик ва фаоллик тамойили – талабаларга илмий билимларни онгли ва ижодий ўзлаштиришга имкон берадиган ўқитиш жараёнини ташкил этишни кўзда тутди. Талабалар бунга машғулот вақтидаги жуда

фаолликлари билан эришишлари мумкин. Бу тамойил педагогик ўйинли машғулотларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда касбий малака ва билимларни онгли ўзлаштиришда ҳамда унда рол ўйновчиларнинг бундай жозибали ҳаракатлари талабаларда қизиқиш уйғотади. Ўз навбатида таълим олувчиларнинг фаоллигини ошишига имкон беради.

Ҳар бир талабага алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиш тамойили – талабаларни ҳар томонлама ўрганишини, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодий қобилияти намоён бўлишига шароит яратишни талаб қилади. Ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш учун ўқитувчи дарс давомида уларнинг тавсифномаси билан танишиши ва ҳар бири алоҳида-алоҳида суҳбатлашиши керак. Педагогик ўйинли машғулотлар учун уни ташкил қилиш усулларидан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бунда дарсни ўтиш жойи ва тартиби, талабалар фаолияти, ҳамда дарс давомида ўқитувчи билан талабалар орасидаги алоқанинг моҳияти кўзда тутилади.

Педагогик ўйинли машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Кейинги 10–15 йил ичида таълим беришда ўйин усулларидан фойдаланиш бўйича маълум тажрибалар тўпланди. Педагогик ўйинли машғулотлар нимани гапириш, қандай иштирок этиш, қандай ютиб чиқиш каби масалаларни тўғри ҳал қилишни тақозо этади. Ундай саволларни ҳал этишга уринишлар ўйин қатнашчиларининг фикрлаш қобилиятини яна ҳам ўстиради. Ўйинларнинг дарсдаги ўрни ва уларга ажратилган вақт қуйидаги омилларга боғлиқ: талабаларнинг тайёргарлиги, ўқув материали мазмуни, машғулотларнинг аниқ мақсади ва бошқалар.

Педагогик ўйинли машғулотларни ўтказиш усули қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчилар олдига ўйин вазифалари қўйилади.

2. Ўйин қатнашчилари, экспертлар учун у ёки бу педагогик вазиятлар намоён бўлади.

3. Педагогик вазиятлар тўлиқ таҳлил қилинади ва улар ечимининг ҳар хил вариантлари муҳокама қилинади. Бунда ўқитувчи муҳокамага йўл-йўриқ кўрсатиб туради:

а) гуруҳ, гуруҳ сардори сўзга чиқадилар ва ўз таклифларини баён этадилар;

б) жамоа, гуруҳ экспертлари сўзга чиқадилар;

в) ўйин қатнашчилари сўзга чиқадилар улар суҳбат, дарс, сўзга чиқиш ва ҳоказолардаги хатоларни таҳлил қиладилар.

4. Якунловчи сўзни ўқитувчи гапиради. У педагогик вазиятни таҳлил қилиш натижасини айтади, энг тўғри ечимини ифодалайди, ўйин натижаларини баҳолайди ва ғолибни айтиб ўтади.

Педагогик ўйинли машғулотларни ўқув кунининг охирида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, чунки юқори даражада фаолият кўрсатиш ўйин қатнашчиларини толиқтиради. Ҳар қандай педагогик ўйинли машғулотларнинг кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогикага, психологияга, ўқитиш услубиётига оид фанларга алоқаси бўлган суҳбат, дарс ва машғулотлар мазмуни педагогик тажриба ва адабиётлардан олиниб ишлаб чиқилади.
2. Ўқитувчи томонидан лойиҳалаштирилган педагогик вазиятлар асосида педагогик ўйинли машғулот қатнашчилари учун йўл – йўриқлар ишлаб чиқилади.
3. Дарсга 1–2 кун қолганда педагогик ўйинли машғулотлар репетиция қилиб кўрилади.
4. Мавзунини муҳокама қилиш учун саволлар тузилади.
5. У ёки бу педагогик вазиятларнинг энг яхши ечим вариантлари танлаб олинади.

Педагогик ўйинли машғулотларни ташкил этувчи, биринчидан ўйиннинг сир-асрорини тўлиқ тушунтириши ҳамда унинг кетма-кетлигини айтиб бериши; иккинчидан, ўйин иштирокчилари орасида ролларни тақсимлаши; учинчидан, у ёки бу ролни бажариш бўйича ўйин қатнашчиларининг ҳар бирига йўл-йўриқ кўрсатиши лозим.

Педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқувчи ўқитувчиларга маслаҳатлар:

1. Педагогик ўйинли машғулотларни қўллаш, унинг мақсади ва ўқув жараёнидаги ўрнини аниқ асослашни талаб этади. Мутахассислар тайёрлашда таълим беришнинг бошқа шакл ва усулларини керакли натижани бермаганда педагогик ўйинли машғулотларни қўллаш мумкин ва зарур. Натижада келгусидаги касбий фаолиятни бажариш учун бир бутун тажрибани эгаллаш; таълим олувчиларни назарий дарслардан эгаллаган кўникма ва малакаларни бир тизимга келтириш; жамитдаги илғор тажрибадан фойдаланиш ҳамда қарор қабул қилиш, ўзаро муносабатлар бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш; билиш касбий асосланиш, ижодий, касбий тафаккурини шакллантириш лозим.

2. Ўқув жараёнига битта ўйинни ёки бирон бир янгиликни жорий этиш, фойдаланиладиган ўқитиш усули ва унга кирувчи мазмун, шакл, воситаларни, ўқитувчи ҳамда талабалар фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ўқитувчи бу масалага тайёр бўлиши ва тизимли ёндошиши зарур. Шу билан бирга ҳар бир янгилик бошқа ўқитувчиларнинг иш фаолиятига ва қизиқишларига ҳар хил таъсир этиши мумкин, натижада янгилик қўллаб қувватланади ёки қаршиликка учрайди.

3. Ўйин қатнашчилари фаол иштирок этишлари керак. Ўқув вазиятлари бўйича талабаларда етарлича тушунчалар бўлмаса, уларнинг ўйинда қатнашишларига хожат қолмайди. Шунинг учун бу машғулотларга ўқитувчи ҳам, талабалар ҳам яхши тайёргарлик кўриши шарт. Шундагина педагогик ўйиндан кўзланган мақсадга эришилади. Педагогик ўйинли машғулотларга унганча бўлган машғулотлардан замин тайёрланади.

Педагогик ўйинли машғулотларга қадар талабаларда мунозара олиб бориш ҳамда исботлаш матиқини, инкор этиш маланиятини, бошқаларнинг

фикрини тушуниш, кўникмаларини шакллантириш зарур. Буларни тўгаракларда, оддий амалий машғулотларда амалга ошириш мумкин.

4. Педагогик ўйинли машғулотларни оддий машғулотга айлантириш керак эмас. Кўпинча ўйинли дарсларда икки режали тамойил амалга ошмайди. Ўқув жараёнида вақат тақлидли моделни қўллаш унинг учун етарли эмас. Бунда албатта ўйинли моделни ҳам амалга ошириш шарт, шундагина бир йўла мақсадга эришилади.

5. Яхши шароитда тайёрланган ўйинда ўқитувчи асосан ўқитишнинг бошланишига қадар ва унинг охирида, ўйинни муҳокама қилишда фаол иштирок этади. Бу ҳаракатларда ўз-ўзини йўналтириш ҳамда таълим олиш билан белгиланади. Ўқитувчи ўйин жараёнига қанчалик кам аралашса, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш даражаси, ўйиннинг ўқитиш сифати шунча юқори бўлади. Лекин бундай юқори натижага эришиш учун ўқитувчи кўп ишлаши ҳамда педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш бўйича назарий билим ҳамда малакага эга бўлиши лозим. Ўйин жараёнида ўқитувчи уч ҳолатни эгаллаши мумкин: ўйин марказида, унинг раҳбари, режиссёри бўлиши; ҳамма (иплар) унга келиб туталиши керак; ўйин иштирокчиларидан биронтасини вазифасини бажариши; ўйин ўтказиладиган хонани уни тарк этиб чиқиб кетиши мумкин. Талабалар ўз фаолиятларини ўзлари бошқаришга ҳар доим интилишлари керак, лекин бунга эришиш учун у услубий ва дидактик асосланган бўлиши шарт.

6. Талабалар иложи борича кўпроқ адабиётлардан фойдаланиши керак. Шунингдек, улар ўйин қоидаларига қатъий риоя қилиши, белгиланган вақтда қарор қабул қилишлари ва муҳокамага кеч қолмасликлари зарур.

7. Педагогик ўйинли машғулотларни икки ва тўрт соат давомида охириги машғулотларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида амалий машғулотларни бир шакли бўлган **“муаммолар вазиятлар”** ни ташкил этиш ва уни ўтказиш методикасини келтирамиз. Амалий машғулотларни бундай тури таълим-тарбияга оид масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш, талабалар касбий тайёргарлик сифатини оширишда кўп жиҳатдан ёрдам беради, уларга таълим-тарбияга оид фанларнинг асосларини янада чуқурроқ, мустақкамроқ ва онглироқ ўзлаштириб олишларига имкон яратади ҳамда тафаккурини диққат билан кузатиши ва уни чуқур таҳлил қилишга ўргатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим-тарбияга оид муаммоларни ечиш ва топшириқларни бажаришга жалб этиш, талабаларни мустақил равишда иш олиб боришларини муҳим шакли ҳисобланади. Бунда таълим тизимига тааллуқли бўлган муайян таълим тарбиявий вазият баён этилади ҳамда тўғри жавобини топиш, талабалар (ўқитувчи, тарбиячи, ходимлар ва ота-оналар) фаолиятини тўғри баҳолаш, бу фаолият мотивларини аниқлаш, шунингдек, талабаларда ижобий сифатларни тарбиялаш мақсадида уларга таъсир кўрсатиш, таълим-тарбиявий, ишларни тўғри ташкил этиш ва уни такомиллаштириб боришнинг шакл, усулларини, воситалари ва йўналишларини кўрсатиб бериш талаб қилинади.

Муаммоли вазиятларни ечиш.

Машгулот режаси:

1. Муаммоли вазиятларни вазифаси.
2. Муаммоли вазиятлар турлари.
3. Муаммоли машгулотларни тарбиявий аҳамияти.
4. Муаммоли вазиятлар тузиш.

Машгулотнинг мақсади: Талабаларга ҳар хил муаммоли вазиятларга дуч келиб қолган вақтларида ҳеч қандай қийинчиликсиз бу вазиятлардан чиқиш йўлларини ўргатиш, уларнинг ўз фикрларини тўғри ҳал қилишга, ўз устида ишлашга ўргатиш.

Машгулотнинг бориши:

Талабаларга муаммоли вазиятлар берилиб, уларнинг тайёргарлик кўришлари ҳамда саволларга тўғри, аниқ жавоблар танлаши ва фикрларини мужассамлаштириш учун 10–15 дақиқа вақт берилади. Талабалар бу муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини излайдилар ҳамда ўзлари дарс давомида муаммоли вазиятлар тузадилар ва вазифаларни бажариш сифатига қараб балли тизимда баҳоланади. Шунингдек, амалий машгулотлар ўтиш жараёнида талабаларда турли педагогик фактларни таҳлил қилиш малакаларининг шаклланишида педагогик жиҳатдан асосланган масалаларни ечиш катта рол ўйнайди. Педагогик масалаларни ечиш, унга шарт-шароитларни яратишни, талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади ҳамда ҳар хил фактлар ва вазифаларни таҳлил қилишни тақозо этади.

Талабаларга тақдим этаётган ҳар бир масаланинг муқаддимасида ҳозирги замон педагогикасида қарор топган назарий билимлар, қондалар баён этилади. Шундан кейин ҳаёт ва амалиётдан олган айрим кўринишлар тавсифи ёки таълим – тарбия масалалари юзасидан матбуотда билдирилган фикр-мулоҳазалар келтирилади. Тавсиф охирида саволлар берилади. Бу саволлар талабалар у ёки бу назарий қондаларнинг моҳиятини қай даражада тушунишларини аниқлаб олиш билан педагогикадан ўқилган маърузаларда ёритилган қондаларни қанчалик ўзлаштирилганлиги билан, шунингдек аниқ асос ва вазиятларни ҳозирги замон педагогик-психологик нуқтан назардан таҳлил қила олиш кўникмасини қанчалик эгаллаб олинганлиги билан боғлиқдир.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Фаол ўқитиш усуллари қандай турлари бор?
2. Тақлидли ўқитиш қандай дарс шаклларни ўз ичига олади?
3. Тақлидсиз ўқитиш усули қандай дарс шакллари ўз ичига олади?
4. Амалий машгулотнинг “Мунозара” шакли қандай ташкил этилади ва ўтказиш методикасини тушунтириб беринг?
5. Семинар машгулотлари қандай ўтказилади?
6. Семинар машгулотларининг қандай турларини биласиз?

7. Педагогик амалиётларни қандай ташкил этиш шаклларини биласиз?
8. Педагогик “ўйинли машғулот” ларни қандай ташкил этилади?
9. Педагогик ўйинли машғулотларнинг ўтказиш методикасини тушунтириб беринг.
10. Педагогик ўйинли машғулотларнинг моҳияти ва тамойиллари.
11. Педагогик ўйинли машғулотлар қандай мақсадларни ўз ичига олади?
12. Педагогик ўйинли машғулотларни ишлаб чиқувчи ўқитувчиларга қандай маслаҳатлар берасиз?
13. Муаммоли дарс деганда нимани тушунасиз?
14. Муаммоли амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини тушунтириб беринг?

Мавзуга оид таянч иборалар:

Фаол ўқитиш методлари, тақлидли ва тақлидсиз ўқитиш, эвристик суҳбат, тренажёрли ҳаракат, мунозара, ўйинли дарс, тамойил, муаммоли дарс, семинар, гуруҳ, психолог, тақризчи, эксперт, гностик аспект, шахслараро аспект, инструментал аспект, ўйинли модел, роллар, ўйинни моделлаштириш

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Безрукова В.С. Педагогика профессионально–технического образования (педагогический процесс в профтехучилище) – С.:1990.
2. Абрамова И.Г. Деловые игры в системе повышения квалификации. Ростов, 1986.
3. Ефимов В.М., Камаров В.Ф. Введения в управленческие иммитационные игры. М., 1982.
4. Мирсаидов К.Д., Исмоилова З.К., Чориев Р.К. Психология-педагогикадан амалий машғулотлар ўтиш учун тавсиялар. Тошкент, 1996.
5. Игровая моделирование методологии и практика. Новосибирск., 1987.
6. Комплексная деловая игра. М., Высшая школа. 1991.
7. Вербицкий А.А. Активная обучения высшей школе контекстный подход. М., Высшая школа. 1991.
8. Махмутов М.И. Мактабда проблемали таълимни ташкил этиш. Тошкент, Ўқитувчи, 1981.
9. Исмоилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш. Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 2000, 62-101 - бетлар.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Талабалар мустақил ишнинг шакл ва усуллари ҳамда уни расмийлаштириш.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг касбий фаолияти мураккаб ва кўп қирралидир. Педагог ўсиб келаётган ёш авлодга таълим бериш билан бирга тарбия бериш вазифасини ҳам бажаради, ўқувчиларнинг ўқув ҳамда ўқишдан ташқари ижтимоий-фойдали ишларини уюштиради, талабаларнинг ота-оналари ва бошқа аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий, педагогик билимларини тарғиб қилишда иштирок этади.

Ўқитувчи доимо турли педагогик вазиятларга дуч келади. Бундай вақтларда ундан ўша вазиятларнинг ижтимоий-психологик моҳиятини чуқур тушуниш, мустақил равишда бир қарорга келиш маҳорати талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчи ўқув предметидан чуқур билимга эга бўлмоғи, тарбиялаш қонуниятларини ҳамда шу жараёнларни шарт-шароитларини ҳам билмоғи керак. Талабалар бўлгуси педагоглар ўқувчиларга таълим-тарбия беришга оид педагогик вазифаларни ҳал қилишда ҳозирги замон педагогикаси соҳасидаги билимларини қўллай олиш маҳоратига эга бўлишлари керак. Педагогика курсини мустақил ўрганишнинг шакллари хилма-хил бўлиши мумкин: адабиётларни аннотация қилиш, улардан конспект олиш, реферат ёки доклад ёзиш, курс ёки диплом ишларини бажариш, педагогик масалаларни ечиш ва ҳ.к.

Талабаларнинг мустақил ишларига оид барча шакллар уларни методологик ва назарий қондаларни чуқур, ижодий тарзда ўрганишларига қаратилади.

Адабиётларни таҳлил қилиш – муаллиф томонидан қараб чиқиляётган у ёки бу илмий ишдаги асосий масалаларни кўриб чиқишдан иборатдир. Бунда ўқитувчининг фаолиятига ёки ўрганилаётган муаммога бевосита алоқаси бўлган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Адабиётлардан конспект тузиш – “Конспект” деган терминнинг ўзи биронта мақола, китоб, нутқ ва шу сингари бошқа ишларнинг қисқача мазмунини баён қилиш деган маънони англатади. Конспект тузиш бирор материални (масалан маърузани) яхшироқ эсда сақлаб қолиш учунгина зарурдир, деган фикр мавжуд, бироқ бу ўринда ўша ўзлаштираётган материални чуқурроқ ёки унинг янгича (яъни бошқачароқ нуқтаи назардан) ўрганиш мақсадида конспект тузиш янада муҳимроқ тадбирлардан ҳисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, раво, тўлиқ ва аниқ бўлмоғи керак.

Киши ҳар бир маҳоратга ўргангани сингари, конспект тузишга ҳам ўрганиши керак. Шундай қилинганда вақти келиб, киши ўзи ўқиган китобнинг асосий мазмунини тез ва аниқ ёзиб қўйиш қобилиятини эгаллаб олади. Бу ишни энди бошлаётган кишиларнинг конспектлари, одатда, катта ҳажмли бўлади. Чунки талаба ҳар доим ҳам бутун бир китобдан асосий

муаммоларни ажратиб ола билмайди. Конспект тузаётганда ўрганилаётган манбани камида икки марта ўқиб чиқиши фойдали бўлади. Биринчи мартаба ўқилганида ўша иш тўғрисида умумий тасаввур ҳосил бўлади, иккинчи мартабасида унинг асосий мазмуни яққол кўзга ташланади ва уни конспект қилиб олинади. Конспект тузиш вақтида тушунарли бўлмаган ибораларнинг маъносини дарҳол аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида биз китоб ёки мақолага библиографик тавсифлар тайёрлашда зарур бўлган маълумотларни – ёзиш тартиби тўғрисидаги, тиниш белгилари ҳақидаги ҳамда ҳарфларнинг катта-кичиклиги (бош ҳарф ёки кичик ҳарф) тўғрисидаги маълумотларни келтираемиз.

1. **Мақоланинг тавсифи** – Муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар. Асосий сарлавҳа. – Нашр этилган тўғрисидаги маълумотлар // мақола қаерда чоп этилган. – Йили. – Номери. Бетлари.

Масалан:

а) журналдаги мақола – Исмоилова З.К. Бўлажак инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш // Халқ таълими. 1997.6-сон. 94 – 95 - бетлар.

б) тўпламдаги мақола: Исмоилова З.К. Педагогика фанини ўқитиш орқали бўлажак инженер-педагогларнинг касбий малакаларини шакллантириш // “Ўзбекистон миллий маънавиятининг жаҳон маънавиятида тутган ўрни ва миллий кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий – назарий конференцияси тезислари тўплами. Тошкент: ТИҚХММИ, 1999. 78-79 - бетлар.

2. **Китобнинг тавсифи.** Муаллифлар тўғрисида маълумотлар. Асосий сарлавҳа./ Редакторлар тўғрисида маълумотлар. – Китобнинг нечанчи нашри эканлиги тўғрисидаги маълумотлар.-Нашр этилган жой: Нашриёт, нашр этилган йили.-Бетларининг сони.

Китоб кўпчилик авторлар томонидан ёзилган ҳолларда (масалан, илмий ишлар тўплами, ўқув қўлланмаси ва бошқалар), дастлаб китобнинг номи ёзилади, кейин эса эгри чизиқ чизиб редакторнинг номи кўрсатилади.

Масалан:

а) китобни 1-2 автор ёзган. Гурсунов И., Нишоналисов У. Педагогика курси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997. 3- 125 -бетлар.

б) китобни бир нечта авторлар ёзган: Педагогика / А.К.Мунавваров таҳрири остида. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996. бетлар.

3. **Қўл томли нашрнинг тавсифи.** Асосий сарлавҳа / Редакторлар тўғрисида маълумот. - Китобнинг нечанчи нашри эканлиги тўғрисида маълумотлар. – Нашр этилган жойи: нашриёт, нашр этилган йили.-Том.

Масалан: а) барча томлар ҳали чиқиб улгурилмаган: Ўзбек педагогикаси антологияси / 1-жилд. Қомуслар бош таҳририяти. 1996;

Реферат ёки доклад тайёрлаш - Реферат ишлари ҳам худди илмий докладлар сингари уч хил бўлади. 1) илмий ишга ёзилган танқидий тақриз, 2) мавзу бўйича адабиётларнинг таҳлилий обзори, 3) баҳснинг танқидий таҳлили. Кўрсатиб ўтилган ишлар танланган муаммо бўйича адабиётларнинг

таҳлилини қамраб олади. Шу асосда муаммони ечишга қўйилган вазифалар белгиланади.

Педагогик муаммолни масалаларни ечиш – Ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари – талабаларнинг таълимий ишларини фаоллаштириш, мустақиллигини ривожлантириш, ўқитишнинг самарали шакл ва методларидан фойдаланишдир. Бу шакллардан бири ўқув материални баён этишнинг муаммолни қилиб тупишдир. Бунда талаба онгида муаммолни вазият ёки муаммолни масалалар, илмий изланишни эслатувчи вазифа шаклланади. Талабаларнинг ўзлари саволга жавоб топишга, муаммони ҳал қилишга интилади. Одатда, у тўғри жавобни ўқитувчи ёрдамида топади. Аммо ўзи кидириб топишга интилиши ва ечим вариантларини топиши унда билиш фаоллигини, мустақил фикрлашни вужудга келтиради, унинг билиш фаолиятига ижодий тус беради.

Муаммолни вазиятлар ва муаммолни масалалар қуйдаги ҳолларда вужудга келиши мумкин:

- муайян маълумотлар бўйича ечимларни топиш учун мустақил изланишда (масалан, исботлаш усулларини, ечимнинг вариантини топишга интилиш, хулоса чиқариш, қондани таърифлаш);

- мавҳум мазмуннинг муайян тасаввурлар билан боғланиши асосида (масалан, берилган чизма ёки режага қараб буюмни кўз олдига келтиришда);

- билимларни талабаларнинг шахсий тажрибаси ва амалий ишлари билан боғлашда (масалан, тажрибалар, экспериментлар ўтказишда);

- топқирлик юзасидан топшириқлар, вазифалардан муаммолни вазиятни ўз ичига олган бошқа воситалардан фойдаланишда.

Мана шуларнинг ҳаммаси билиш ва қизиқиш фаоллигини келтириб чиқаради. Талабалар ўзларида ечимини топиш учун зарур билимлар борлигини тушунадилар ва муаммо жавобнинг тўғри вариантини топишдан иборат булади. Талабаларда турли педагогик фактларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришда ҳам тўғри, педагогик жиҳатдан асосланган амалий ишларни бажаришда педагогика курси юзасидан педагогик масалаларни ечилиши катта роль ўйнайди¹. Педагогик масалалар шарт-шароитларни ҳамда талабаларнинг индивидуал хусусиятларини албатта ҳисобга олиш кераклигини талаб қиладиган ҳар хил далиллар ва вазиятларни таҳлил қилишни тақозо этади. Талабаларга ҳал қилиш учун тақдим этилаётган ҳар бир муаммолни масаланинг муқаддимасида ҳозирги замон педагогикасида қарор топган назарий қоидалар баён этилади. Шундан кейин касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрти ҳаёти ва амалиётдан олинган айрим эпизодлар тавсифи ёки таълим-тарбия масалалари юзасидан вақтли матбуотда билдирилган фикр-мулоҳазалар келтирилади. Тавсиф охирида 1-2

¹ Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Профессор А.И.Шчербаков таҳрири остида. Тошкент: "Ўқитувчи", 1991

та саволлар берилади. Биринчи ва иккинчи саволлар талабалар ёки бу назарий қондаларнинг моҳиятини қай даражада тушунишларини аниқлаб олиш билан бирга педагогикадан ўқилган маърузаларда ёритилган қондаларни қанчалик ўзлаштирилганлиги билан, шунингдек, аниқ асос ва вазиятларни ҳозирги замон педагогикаси жиҳатдан таҳлил қила олиш кўникмасини қанчалик эгаллаб олганлиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга тафаккури қай даражада ривожланганлиги, ўсиб келаётган ёш авлодни таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш масалалари бўйича педагогиканинг у ёки бу қондаларини тўғрилигини исбот қила олиш маҳорати билан боғлиқдир.

Талабалар томонидан педагогик масалаларнинг мустақил равишда ечилиши уларни педагогика курсидан олган назарий билимларини амалда қўллаш олишга ўргатишни мақсад қилиб қўяди. Педагогика ўқитиш тажрибаси шуни кўрсатадики, педагогик масалаларни ечиш ушбу фанга фан сифатида талабалар қизиқишини оширади, олинган назарий билимларини мустаҳкамлайди, шунингдек бўлгуси педагоглар-талабаларда ижодий қобилиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, педагогик жиҳатдан тўғри фикрлаш қобилиятини шакллантиришга ҳамда ўқувчи шахсига тўғри, ахлоқий жиҳатдан асосланган тарзда таъсир кўрсатишни амалга ошириш маҳоратини эгаллашга ёрдам беради. Муаммоли масалалар ва вазиятлар қуйдагича тузилиб берилади: Масалан:

1 - муаммоли масала:

Маълумки, педагогика институти юксак даражада билимли ўқитувчиларни, ўз фани бўйича ҳар қандай назарий масалани мустақил ижодий ҳал қилишга қодир кишиларни тайёрлаши керак. Шу мақсадда 1-курсада рус тили ва адабиёти факультетининг талабалари “адабиётшуносликка кириш” деб аталган дастлабки курсни тинглайдилар. Курснинг вазифаси, - деб ёзади Н.К.Асеев, - талабаларда адабиётнинг предмети, мақсади, турланиши, унинг жамиятдаги туган ўрни тўғрисида, ривожланиш қонуниятлари ҳақида асосий тасаввур ҳосил қилишдан иборат. Бундай билимлар шунинг учун керакки, талабалар тарихий-адабий курс билимларини чуқурроқ идрок этадилар, бадий асарларни таҳлил қилиш малакасини ўрганадилар, у ёки бу ҳодисаларга тўғри баҳо бериш маҳоратини эгаллаб оладилар¹. Бу курс талабаларда адабиётнинг назарий масалаларига қизиқиш уйғотиши, уларда адабиётшуносликка оид ижодий тафаккур қилишда мустақилликни ривожлантириши керак. Шу билан бирга, авторнинг таъкидлашича, бу курс олий институт остонасига биринчи мартаба қадам қўйган талабалар учун жуда мураккаб ва қийин курс ҳисобланади.

¹ Асеев Н.К. Развитие литературоведческого мышления студентов //Совершенствование подготовки учителей. Казань,1980. с.135-136.

Саволлар:

1. Фикрингизча талабалар учун бу курс қийинлигининг сабаблари нимада?

2. Адабиётшуносликка хос ижодий тафаккурнинг моҳияти нимадан иборат эканини тушунтириб беринг?

3. Талабаларда адабиётшуносликка хос мустақил ижодий тафаккурни ривожлантирмоқ учун назарий тайёргарлик ҳамда адабиёт назарияси ва масалаларига ғоят катта қизиқиш зарур эканлигини исботлаб беринг?

2 - муаммоли масала

Агар ота-оналар ўз фарзандларига бирон нарса ваъда қилгудек бўлсалар, албатта, ўз ваъдаларини бажаришлари шарт эканлиги тўғрисида ҳамма ёқда ёзишади. Менинг онам эса бошқача йўл тутди. У менга китоб сотиб олиш учун 400 сўм берди. Мен ундан: “Менга дафтар олиш учун яна озгина пул бермайсизми?”- деб сўрадим. Онам рози бўлдилар, лекин эртасига менга бундай деб мурожат қилдилар : “ Тамара менга 400 сўмни қайтариб бер. Сен ҳозир дафтар сотиб олишинг шарт эмас”. Мен пулни қайтариб бердим, аммо шунақа ҳафа бўлдимки, ҳатто хўнграб йиғлаб юбордим. Буни кўриб онамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди ва менга қараб: “ Мен сенда виждон бор деб ўйлаган эдим! Сен виждонсиз экансан”, - деди-да пулни стол устига ташлаб чиқиб кетди. Лекин мен бу пулга қўлимни ҳам теккизмадим. Дугонам мени огоҳлантириб қўйди: “Онанг бу пулни қайтариб олади”, -деди. Лекин, онам бундай қила олмаслигини билар ва бунга қаттиқ ишонар эдим. Лекин маълум бўлишича онам ҳар нарсага қодир экан, мен адашган эканман. Модомики, сен берган ваъдангни устидан чиқа олмас экансан, яхшиси ваъда бермай кўяқол. Айтинг-чи, бизнинг қайси биримиз ҳақмиз ?¹

Саволлар:

1. Маскур вазиятда Тамара билан унинг онаси ўртасидаги муносабатларга қандай баҳо берасиз?

2. Сиз вазиятда берилган охириги саволга қандай жавоб қайтарган бўлардингиз?

Курс ишлари ёзиш. Ўқитувчининг касбий тайёргарлик тизимида педагогикадан курс ишлари ёзиш муҳим ўрин тутди. Методик ишланмаларда педагогика курсидан бажариладиган бундай ишларнинг намуна тарзидаги мавзулари келтирилган. Бу талабаларнинг мустақил тадқиқот ишларидир, шунинг учун ҳам бу ўринда биз ҳар бир мавзуга доир режа бермаймиз ва ҳар гал адабиётлар рўйхатини кўрсатиб ўтирмаймиз. Бу ишларни талабаларни ўзлари бажаришлари лозим.

Талабалар курс ишларини 5-6 семестрларда, касб-хунар коллежларида амалиёт ўтказаетган даврида бажарадилар. Мавзуни танлаб олгач, курс ишининг назарий қисмини етарлича пухта ишлаб чиқиш имкониятига эга бўладилар, амалиёт вақтида эса ўқувчилар билан ишлайдилар, кузатадилар

¹ Монашеская Г.Л. Дети и деньги. М. Знание 1977

суҳбат ўтказадилар, тарбиявий тадбирлар ўтказадилар ва ҳ.к. Бу даврда етарлича маълумот олиш имкониятига эга бўладилар. Курс ишини бажариш учун куйидаги босқичлар бажарилади: 1) мавзу танлаш; 2) адабиётлар танлаш ва уларни ўрганиш; 3) режа тузиш ва тезислар ёзиш; 4) мазмунни баён этиш; 5) хулосаларни таърифлаш.

Педагогика фанидан курсда олиб бориладиган талабалар таълаши мумкин бўлган мавзулардан келтирамиз:

1. Педагогиканинг методологик асослари.
2. Ёшларнинг маънавий интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари.
3. Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари.
4. Дарс турлари ва уларнинг таркиби.
5. Оилада ахлоқий ва маданий малакаларни шакллантириш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятлар ва миллий анъаналардан фойдаланиш.
7. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ, одоб ва оила ҳақидаги фикрлари.
8. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида онгли интизомни шакллантириш.
9. Амир Темурнинг педагогик ғоялари.
10. Мутахассис мураббийнинг педагогик маҳорати ва одоби.
11. “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” да таълим-тарбия муаммолари.
12. Ўқувчиларнинг техник тайёргарлигини оширишда техник ижодий тўғарақларнинг аҳамияти.
13. Бўлажак мутахассисларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.
14. Баркамол инсонни тарбиялашда миллий қадрият ва меросимиздан фойдаланиш шакл ва йўллари.
15. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришнинг шарт-шароитларидир.
16. Имом ал Бухорийнинг педагогик фаолияти.
17. Ўқитувчининг шахсий наъмунасининг ўқувчи тарбиясидаги аҳамияти.
18. Ўқитишнинг амалий методлари.
19. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш
20. Тарбиянинг инсон кўпроқ талаб қўйиш ва кўпроқ ҳурмат қилиш тамойиллари.
21. Одобийликнинг олий ва оддий белгилари (саломлашиш, сўрашиш, гапирш, муомала қилиш, кийиниш каби маданиятлари).
22. Мутахассиснинг ўз-ўзини тарбиялаш, бошқарувнинг назарий асослари.
23. Миллий педагогика.
24. Оилада инсонпарварлик тарбияси.
25. Тарбиявий ишларни режалаштириш ва ўтказиш.
26. Ўзбекистонда Қадрлар тайёрлаш тизимида узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг аҳволи ва муаммолари ва ҳ.к.

Яна бир қанча мавзулар берилади. Баъзан талабанинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатиши эҳтимолидан ҳоли эмас. Педагогика курси юзасидан олиб борилаётган ишлар давомида талабада у ёки бу муаммога катта қизиқиш пайдо бўлиши мумкин. Талаба мазкур муаммони чуқурроқ ўрганиш ва шу соҳадаги мавзуларда курс ишларини бажариши мумкин. Шу вақтда уларга мавзунини ёритишига ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.

Кўрсатиб ўтилган ҳар бир босқичларда талабалар бажараётган ишлари баллар асосида баҳолашиб борилади. Баҳолар (баллар) талабанинг синов дафтарига қўйилади. Ўқитувчи ишни баҳолаётганида қуйидаги кўрсаткичларга эътибор бериши лозим:

- мавзунини мазмунини тўла очиб берилишига;
- фикр-мулоҳазаларнинг оригиналлиги (назарий билим асосида белгиланади);
- асосли материалнинг янги эканлигига;
- таҳлилнинг чуқурлиги;
- назарий ва асосли материалларнинг янгилигига.

Талабаларнинг ўқув фаолиятлари муваффақиятли бўлиши учун улар бажариладиган мустақил ишларининг вақт жиҳатдан тўғри режалаштирилиши, ҳамда ўқув режасига мос ҳолда ишлаб чиқилиши, ўқув меҳнатини оз вақт сарфлаб, самарадорликка эришадиган қилиб уюштири олиш маҳоратини эгаллаш катта аҳамиятга эгадир.

ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТУРЛАРИ, МАҚСАДИ, МАЗМУНИ

Ҳозирги кунда педагогика фанини ўрганишга бўлган қизиқиш олий техника ўқув юрларида анча ўсди. Олий педагогик маълумот бериш тизимида педагогикани ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу табиий бир ҳолдир, чунки педагогикани билиш ўқитувчига педагогик фаолиятнинг моҳиятини, қонуниятларини ва ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг усулларини чуқурроқ тушунишда ёрдам беради. Амалий машғулотлар деганда машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория машғулотлари, семинар, педагогик ўйинли машғулотлар, мунозаралар асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади.

Амалий машғулотларни ўтишда биз умумий педагогикадан ўтказиладиган семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория амалий машғулотлари, педагогик ўйинли машғулотлар, мунозаралар ҳозирги замон педагогика фанининг назарий асослари онгли ўзлаштирилишига ҳамда талабаларда педагогик билимларга ва ана шу билимларни амалда қўллашга нисбатан барқарор қизиқиш таркиб топиши учун ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Амалий машғулотларда ҳар бир мавзу бўйича методик кўрсатмалар берилади: семинар, амалий (педагогик ўйинли, мунозарали) ёки лаборатория машғулотларининг режалари ҳамда тарбиявий, таълимий, ривожланганлик

мақсадлари, уларга адабиётлар, мустақил ишлашлари учун вазифалар (аннотациялар тузиш, тақриз ёзиш, адабиётларни конспектлаштириш, рефератлаштириш, педагогик масалаларни ечиш, кузатишлар ва ҳ.к.) лар берилади.✓

Методик кўрсатмаларда методология масалалари ва педагогика фанининг назариясига катта эътибор берилган. Бу талабаларга педагогик фактлар ҳамда назарий қоидаларни ўрганишда уларга тўғри баҳо беришга ёрдамлашади. Амалий машғулотлар, одатда, ўқув гуруҳлари билан ўтказилади.

Педагогик ўйинли, мунозарали, муаммоли масалаларни ечиш амалий машғулотларда ҳар бир мавзу бўйича педагогик масалалар, мавзулар, ўрганиладиган адабиётлар, манбалар тавсия этилади. Талабалар бу машғулотлар устида ишлар эканлар, тавсия этилган адабиётлардан ташқари педагогика фанининг айрим муаммоларини ёритиб берувчи қўшимча манбалардан фойдаланишлари мумкин. Реферат ёки конспектлаштириш устида ишлашда талаба адабиётлар ва манбалар тўплашда, кузатиш ва машқлар ўтказишда, машғулотнинг режасини тузиш ва уни расмийлаштиришда катта ташаббус ҳамда мустақиллик намоён қилиши лозим. Бу нарса фақат талабаларнинг китоб устида мустақил ишлай олиши учун эмас, балки фикрининг ривожланиши, педагогик синчковлиги, нутқининг тараккиёти учун зарурдир. Биз талабаларга амалий машғулотларни бажаришдан олдин қуйидаги ишларни бажаришни тавсия этамиз:

- мавзу юзасидан зарурий адабиётларни тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш;
- яхшилаб ўйлаш ва ишнинг муфассал режасини тузиш;
- авторлар томонидан илгари сурилган у ёки бу қоидалар манбаларининг тўғрилигини ва ишончлилигини ўйлаб кўриш;
- адабиётларда кўриб чиқилган асосларни таққослаб, улардан умумий ва хусусийларини ажратиш, ўрганилган материалларни амалий машғулотларни режаларига мос равишда умумлаштириш;
- машғулотга тегишли кўрсатмали қуролларни тайёрлаш, шахсий кузатишлар, тажриба ва ҳаётий моҳирлик билан фойдаланиш;

Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш учун кўпинча репродуктив методдан фойдаланилади (талабаларни материални қайта айтиб бериши, намуна бўйича машқлар бажариши, кўрсатма бўйича лаборатория ишларини амалга ошириши). Бу методлар ўқув материалини айтиб бериш ва эсда сақлашга, ижодий тафаккурининг ривожланишига, мустақил билиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган бўлади. Лекин ўқитиш методлари турғун, доимий эмас, улар кейинги пайтларда ривожланиб фаол ўқитиш методлари шаклида намоён бўлмоқда ¹.

¹ Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Шербаков А.Н. таҳрири остида. Тошкент. "Ўқитувчи", 1991.



13 - расм. Ўқитишни амалий методларининг таснифи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Амалий машғулот № 1.

Мавзу: Педагогика фанидан талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш.

Фан: Педагогика.

Машғулот мақсади: Талабалар ўрганилаётган материални равшан англабгина қолмай, уни аниқ такрорлаб ҳам бера оладиган, билимларни келгуси ўқув ишларида ва амалда қўллай оладиган йўсинда ташкил этиш.

Тарбиявий ва таълимий мақсади: Дарс жараёнида ўқув материали билан илгари ўзлаштирилган материалларни ўзаро чамбарчас, талабалар яққол тушунадиган йўсинда боғлаш, уларнинг фандан олган билим, малака ва кўникмаларини бойитиш, кенгайтириш ва янада шакллантириш.

Ривожлантириш мақсади: Олган билим, кўникма ва малакаларини мустақамлаш ҳамда такомиллаштиришни тўғри йўлга қўйиш, талабаларда меҳнат маданиятини, дарсга масъулиятли муносабатларни таркиб топтириш, фикрлашни, техник фикрлашни такомиллаштириш.

Машғулот тури - лаборатория .

Ажратилган вақт - 4 соат.

Ўтказиладиган жой - амалий хона.

Кўриладиган масалалар:

1. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш усуллари.
2. Талабаларнинг билимини, ақлий камолатларини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Назорат турларини фан бўйича аниқлаш.
4. Муваффақиятли ўзлаштириш тестлари ва унинг турлари.
5. Битта фан бўйича тест тузиб, фanning паспортини баллар бўйича ишлаб чиқиш.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда линейка, қалам ва ҳ.к. ўқув қуроллари бўлиши керак.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Дарс жараёнида аввало талабарга рейтинг, тест тузиш, унинг турлари ҳақида қисқача тушунтириш лозим.

Талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президентимиз И.А.Каримов нинг Фармонида кўра 1993 йил 5 февралда “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда Республика олий ўқув юртларига талабаларнинг жорий ўзлаштиришларини назорат қилишда ҳам тест усулларини қўллаш топширилган.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қатор тадбирларни амалга оширди ва дастурий

хужжатларни қабул қилди. Вазирлар Хайъатининг 1993 йил 26 март ¼ - сонли қарорига биноан 1992/1993 ўқув йилида айрим олий ўқув юртларида тажриба тариқасида талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолашга ўтилди ва уни амалга оширишда тест усулидан кенг фойдаланиш назарда тутилди. Ушбу қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларида талабалар ўзлаштиришининг кўп босқичли назорати тўғрисида”ги Муваққат Низом тасдиқланиб, 1993/94 ўқув йилидан бошлаб рейтинг тизими барча олий ўқув юртларида жорий қилинди. Шундай қилиб, талабалар билимини синашни янги усули рейтинг тизими Республикамиз олий ўқув юртларида кенг қўлланила бошланди.

Рейтинг деганда баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади. Рейтинг ёрдамида ижтимоий-психолог объектларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб (эксперт баҳолаш) дастлабки классификациялаш амалга оширилади.

Шкалалаш – аниқ дараёнларни рақамлар системаси ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турли услублари, сифат, тавсифлари қай бир миқдорий ўзгарувчиларига турлича айлантериш услубларидан биридир.

Тест деганда - аниқ вазифани такомиллашганлиги даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларда белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини қизиқтирувчи, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;
- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;
- барча талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб, бир хил шароитлар яратилади¹.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фаннинг талаба ўзлаштиришининг сифат кўрсаткичлари баллар билан баҳоланади.

Ҳар бир семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабаларнинг семестр давомидаги, ўқув йили давомидаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси эса талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича талабанинг ўзлаштиришини қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий баҳолаш;
- оралиқ баҳолаш;

¹ К. Ж. Мирсаидов. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. 41 бет.

- якуний баҳолаш.

Жорий баҳолаш (ЖБ) – бу ўрганилаётган мавзуларни талабалар томонидан қандай ўзлаштираётганини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича аниқлаб бориш кўзда тутилади.

Оралиқ баҳолаш (ОБ) – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлим ёки қисм бўйича талабанинг билимини аниқлаш демакдир. Оралиқ баҳолаш дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний баҳолаш (ЯБ) - бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар гўлиқ ўқитиб бўлингач, ўтилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади. Талабанинг фан бўйича семестрда рейтинг баҳоси жорий, оралик ва якуний назоратларда тўплаган баллари бўйича аниқланади. Максимал балнинг 70 фоиз миқдори жорий ва оралиқ баҳолаш жараёнида 30 фоиз миқдори якуний назоратда тўпланиши тавсия қилинади.

Семестр давомида мазкур фан бўйича тўпланган балларга нисбатан талаба билими қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 фоиз “аъло”;

71 – 85 фоиз “яхши”;

55 – 70 фоиз “ўрта”.

55 ва ундан кам фоиз “қониқарсиз”.

Аниқлаш тестлари – талабаларга саволлар берилади. Улар “Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб беришлари керак.

Фарқлаш тестлари - бу тестда кўпдан танлаб олинган топшириқлардан бир неча жавоблардан битта танлаш таклиф этилади.

Ўқшатиш тестлари (солиштириш) - бунда ўрганилаётган объектнинг умумийлигини ёки тафовутларини топиш керак бўлади, солиштирилаётган хусусия ва параметрлар албатта топшириқда берилади.

Педагогика фани бўйича баҳолаш турлари бўйича 5-6 семестр бўйича балларни тақсимланиши қуйидаги жадвалда берилган.

1 - жадвал

| Т / р | Фаннинг номи | Ажратилган соат | | | Умумий балл | ОБ (балл) | | ЖБ (балл) | | | | ЯБ (балл) |
|-------|--------------|-----------------|--------|-----------------|-------------|-----------|----|-----------|----|----|---|-----------|
| | | Маъруза | Амалий | Мустақил таълим | | 1 | 2 | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| 1 | Педагогика | 34 | 34 | 19 | 87 | 12 | 12 | 12 | 12 | 13 | - | 26 |

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПАСПОРТИ:

ҚХМ факультети, 3 курс, 1652000 “Агроинженерия йўналиши”.

Таълим соҳаси – Касбий педагогик тайёргарлик.



14- расм. Тестларнинг таснифи.

2-жадвал.

| Назорат турлари | Ажратилган балл | Балларни фоиз хи собида тақсимланиши | | |
|-----------------|-----------------|--------------------------------------|-------------|------------|
| | | 55 - 70 % | 71 - 85 % | 86 - 100 % |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| ОБ - 1 | 12 | 6,6 - 8,4 | 8,5 - 10,2 | 10,3 - 12 |
| ОБ - 2 | 12 | 6,6 - 8,4 | 8,5 - 10,2 | 10,3 - 12 |
| ЖБ - 1 | 12 | 6,6 - 8,4 | 8,5 - 10,2 | 10,3 - 12 |
| ЖБ - 2 | 12 | 6,6 - 8,4 | 8,5 - 10,2 | 10,3 - 12 |
| ЖБ - 3 | 13 | 7,1 - 9,1 | 9,2 - 11 | 11,1 - 13 |
| ЯБ 1 | 26 | 14,3 - 18,2 | 18,4 - 22,1 | 22,3 - 26 |
| ЖАМИ | 87 | 47,8 - 60,9 | 61,7 - 73,9 | 74,8 - 87 |

Шу берилган методик кўрсатмалар ёрдамида талабалар хоҳлаган биттадан фанга ва мавзулар бўйича тест тузиб, баҳолаш турлари бўйича балларни тақсимлайдилар. Ўқитувчи дарс охирида талабалар томонидан бажарилган топшириқларни бажарилиш даражасига қараб баҳолайди.

Уйга топшириқ:

1. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширишнинг методлари, шакллари ҳамда воситалари.

2. Тестларнинг таснифини таҳлил қилинг.

Мустақил таълим.

1 – **вазифа:** Талабаларнинг маънавий–интеллектуал сифатларини замонавий усулларда аниқлашнинг самарадорлиги.

2 – **вазифа:** Ҳозирги таълим тизимида талабаларни билим, кўникма ва малакаларини рейтинг тизимида баҳолашнинг аҳамияти.

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Билим, малака, кўникма, рейтинг, тест, назорат.

Амалий машғулот № 2.

Фан: -Педагогика.

Мавзу - “Баркамол авлодни тарбиялашда миллий қадриятлар ва меросимиздан фойдаланишнинг шакл ва методлари”(Мунозара).

Мунозара мақсади: Талабаларда ўзбек миллий урф-одатлари ва анъаналарига бўлган ҳурмат ва муносабатларни уйғотиш ва уларни ҳурмат қилиш малакаларини шакллантириш ва келажакда баркамол, ҳар томонлама шаклланган инсонни тарбиялаш.

Таълимий мақсади – миллий қадриятларга бўлган эътиборни мустаҳкамлаш, улардаги яхши хусусиятларни ўзлаштириш.

Тарбиявий мақсади – талабаларда ватанпарварликни, онгли интизом ва яхши хулқни, ўз яшаб турган вилоят (туман, ноҳияси) даги анъаналарга ижобий муносабатни тарбиялаш.

Ривожлантириш мақсади - дарс жараёнида талабаларнинг фикрлаш доирасини, нутқ маданиятини, ўзини бошқариш қобилиятларини шакллантириш.

Дарснинг тури - амалий.

Дарснинг ўтиш жойи - фанлар бўйича пазарий хона.

Ажратилган вақт - 6 соат.

Дарсни жиҳозлаш - деворий газета. Мавзуга оид шиорлар, керакли адабиётлар, кинофильмлар, магнитофон, хоналарни эстетик жиҳатдан таъминлаш учун керакли материаллар.

Машғулотнинг асосий масалалари:

1. Миллий анъаналар деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай ўзбек урф-одатларини биласиз?
3. Ўзингизнинг яшаб турган ноҳия ёки туманингиз, худудингиздаги урф-одатлар ҳақида гапириб беринг.
4. Анъана нима?

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

1. Мунозарада ҳамма талаба ҳамда таклиф қилинган мутахассислар иштирок этади.
2. Ҳамма иштирокчи мунозара тайёрлашда маълум бир вазият ва топшириқни бажаради. Бажариладиган ишлар ҳамкорликда (гуруҳда) биргаликда тузилади.
3. Мавзуга алоқадор адабиётлар ўқиб, мазмунини хулосалаб беради.

4. Кинофильм, телекўрсатув, ҳаётий мисол ва ҳодисалардан мисол ва унинг хулосасини айтади.
5. Шу мавзу бўйича яна қўшимча саволларни ўртага ташлаб ечиш маъқул.
6. Иккита ёки бир қанча иштирокчилар ўз фикрини баён қилганда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, ўз фикрининг тўғри (ёки ўртоғининг нотўғри) фикрини исбот қилиб беради ва ҳ.к). Ҳамма иштирокчилар ўз фикрини айтиши шарт. Мақсад ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар қилиш.

Ўқитувчи адабиётлар рўйхатини беради. Охирида ўқитувчи хулосалайди. Мунозарани ҳар бир гуруҳда ва иккита гуруҳни бирлаштирган ҳолда ўтказиш мумкин.

Мунозарага марказдан аъзо, кафедра ўқитувчиларидан, кутубхона аъзоларидан ҳамда хоҳловчиларни таклиф қилинади. Мунозара ўтказиш учун:

1. Аудитория керакли асбоб (материаллар) билан безатилади.
2. Мавзуга оид шиорлар, ёзувчилар фикрлари ёзиб олинади.
3. Битта альбом олиб, ўтказилган мунозара натижалари билан тўлдирилади.
4. Талабалар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этадилар ва тортишадилар.
5. Мунозарали машғулотни охирида ҳисобот тайёрланади.

ДИСПУТ (МУНОЗАРА) ҲИСОБОТИ.

Гуруҳ: _____

Мунозара бошланиш вақти: _____

Мунозара тугаган вақти: _____

Мунозарада қатнашганлар: **3 – жадвал** кўринишида тўлдирилади.

3 – жадвал.

| Қатнашувчилар (лавозими) | И.Ш.О. | Ўзлаштириш даражаси натижалари (мунозарадан аввал) | Мунозара тугагандан кейинги натижалар |
|-----------------------------|-------------|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 2 – гуруҳ талабаси | Раҳматов Ш. | 2,5 – 3,5 балл | 5 балл |
| | | | |
| | | | |

МУНОЗАРА НАТИЖАЛАРИ:

| | |
|--|--|
| Мос келган материаллар тўғрисидаги фикрлар | |
| Қандай фикрлар қабул қилинди? | |
| Қабул қилинган масалаларни муҳокама қилиш | |

Хулоса: Қатнашувчиларнинг фикрлари инобатга олинсин.

Кафедра мудири : _____

Кафедра мудири муовини: _____

Ўқитувчи: _____

Мунозаранинг қисқача мазмуни:

Миллий анъаналар ҳар бир миллатнинг, ноҳиянинг, элатнинг ўзига яраша нишонлайдиган миллий анъаналари бор. Ўзбек ҳалқи ўз анъаналарини байрам тусида нишонлаб келмоқда. Мустақиллика эришганлигимиз бу анъаналаримиз ва шу билан бир қаторда урф-одатларимиз, миллий кадриятларимизга эришганлигимиздир. Миллий анъаналаримизга: “Наврўз байрами”, “Рамозон ҳайити”, “Қурбон ҳайити”, “Мучал байрами”, “Хотира куни”, “Меҳржон ҳосил байрами” ва бошқалар қиради.

Мунозара - бу бирон бир счиладиган саволни муҳокама (тўғри) қилишдир.

Мунозара – бу бажариладиган ишнинг бир шакли бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади.

Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни муҳокама қиладилар. Мунозара олиб борилаётганда шундай шароит ярагилиши керакки, талабалар бемалол ўз фикрларини тўғри, ишонган ҳолда очиқ ойдин, уларни камчиликлари учун айбга қўймасликларини кўрсатмаган ҳолда фикрларини баён қилиш керак.

Шундай қилиб, мунозара – эркин фикр алмашиш, эркин тортишиш, эркин сўзлашиш ҳамда ҳар бир қатнашувчи талабанинг уюшқоқлигини ташкил этади.

Анъана – арабча сўз бўлиб, узоқ замондан бери авлоддан-авлодга ўтиб давом этиб келаётган урф-одатлар, ахлоқ мезонлари қарашлар ва шу кабилардир.

Анъана – ижтимоий ва маданий меросдир.

Мунозарага тақлиф этилган адабиётлар: Скаткин М.Н. Изланиш. Тошкент, 1990. 2- 160 -бетлар. Бортных В.Я. Методика воспитательной работы в учебной группе. М., 1990. 2-190 стр. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. Тошкент. 1994. 3-109 -бетлар. “Педагогикадан амалий машғулотлар” Тошкент, 1988. 3-98 -бетлар. Мақсудов Т. Оила этикаси ва психологияси. Тошкент, 1991. 3-161 -бетлар. “Ўзбек халқ мақоллари”. Тошкент, 1991. 3-65 -бетлар.

Мунозара натижалари - Талабаларга таълим-тарбиявий аҳамияти катта, яъни “Мунозара” тарбиявий методларининг биридир. Талаба бунда юқори-беш балл системаси билан баҳоланади: Боймуродова Н., Нурембетов Н., Шамшетова К. Улар ўз фикрларини эркин ҳал қилишни, эркин гапиришни ўрганишди.

Уйга топшириқ:

1. Ўз яшаб турган жойингиздаги урф-одатлар ва анъаналарни ўтказиш, миллий кадриятларга бўлган ҳурмат, эътибор ҳақида реферат ёзиб келинг.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Мунозара. Урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар. Миллий кадриятлар.

Мунозара ҳисоботи.

Хулоса:.

Қатнашувчилар имзоси:

Амалий машғулот № 3

“ҚАҲРАМОНЛИКНИ СИЗ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?”

мавзуси бўйича ўтказиладиган мунозара.

Мунозарадан кўзланган мақсад:

Талабаларда қаҳрамонларга, тинч ҳаёт кечиришимизга ўз ҳиссасини қўшган инсонларга бўлган ҳурмат-эътиборни ошириш, уларга нисбатан ҳурмат-эътиборли бўлишга ўргатиш.

Мунозарага оид материаллар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994.
2. Жасоратнинг олтин баҳори. Тошкент оқшоми. 1995 йил, 3 май.

Мунозаранинг асосий масалалари.

1. Қаҳрамонлик тўғрисидаги тушунчангизни гапириб беринг.
2. Нима учун биз “Қаҳрамонлик” мавзуси бўйича мунозара ўтказамиз?
3. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, яъни уруш майдонидаги қаҳрамонлик нимадан иборат?
 - а) Бошқа урушлардаги (масалан Афғонистондаги уруш).
 - б) Тинчлик пайтида – меҳнатда, табиий офатда, кундалик ҳаётда.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

Мунозаранинг қисқача мазмуни:

Ғалаба – бу ўн икки, ўн тўрт ёшида дастгоҳ бошини тутган ўспириннинг орзуларидир, дегим келади.

Ғалаба – бу далаларда офтобда куйиб ер чопган, қўй хайлаган, пахта терган аёлларимизнинг сабр-тоқати, дегим келади.

Ғалаба бу йигит ёшида очилмай сўнган миллионлаб ватандошларимизнинг мардлиги дегим келади.

Ғалаба – бу неча йилдан бери эшикка тикилиб, ўғлини кутиб яшаётган онаизор, дегим келади.

Ғалаба – бу дунёни эзгуликка, дўстликка чорлаб турган Тошкент бонги, дегим келади.

Ҳа, шахидлар мангу уйғоқ, улар ҳамиша бизни юртни севишга чорлаб туради. Тошкент нон шаҳри дейиларди, уруш йилларида Тошкент меҳр-мурувват, эзгулик шаҳри деган ном олди. Ўзбекистонда 230 саноат корхонаси қурол-яроғ ишлаб чиқарди ўша уруш даврларида.

Ота Ўзбекистон, фироқ субҳи кеч,

Симобдек титратди юракларингни.

Эллик йил нимадир, бу аччиқ соғинч,

Абад симиллатар юракларингни.

Ҳа, не-не суронларни бошидан кечирди она юртимиз. 1942 йил Ўзбекистон 211-полкда 70-рота харбий таълим олаётганларни жангга кузатилди. 1943 йил 45.000 жангчилар тайёрлаб берди. 5 йил урушда 390.000 аскар мардлик намуналарини кўрсатди. Шарифжон Эргашев, Алексей Куликов, шоир Султон Жўра Белорусияда, Хасан Саид, Бурхон Турсунлар, Белградда Комил Шодмонов, Исмоил Айтматов ва бошқалар жанг қилдилар.

Бу кураш ҳаётнинг қонуни учун

Бу чорак асрнинг яқуни учун.

Бу элнинг гўдаги, чоли, гўзали,

Навой мисраси, Бобур газали,

Дуторнинг бемалол унлари учун,

Абадий саодат айёми учун.

200 минг бола ўзбек хонадонларида тарбияланди. Темирчи Шомахмуд, Бахрихон ая уйи мамлакатга айланди. 14 нафар турли миллат болалари шу ерда, Каттақўргонда Шамшид Саматов 13 нафар болаларни, бухоролик Муаазам ва Шароф Жўраевлар 8 нафар болаларни тарбияга олди.

Ҳа биз хануз-ханузгача уруш қурбонларини сонини 20 миллион деб келдик. Аммо, шу рақам тўғримики? – деган савол туғилади ўз-ўзидан. Кечқурун айниқса, баҳор пайтлари момоқалди роқ гулдураса, тушига тўплар овози кирадиган, тушларида Россия ёки Украинанинг қайсидир ўрмонларида қолган бир оёғини кўрадиган собиқ жангчи ёрини, фарзандларини бағрига боса олмаган жангчилар ҳам уруш қурбонларидир. Умрбод бошлари ёвуз болишда қолган гулдек келинчаклар, орзу-умид қурбонлари. Ҳа, бу буюк ғалаба ўзбек халқига ҳам, рус халқига ҳам, украин халқига ҳам боринки, 68 собиқ иттифоқ сарҳадларидаги бирор бир халққа арзонга тушмади.

Албатта бу буюк ғалабани қўлга киритишда буюк ўзбек халқининг фарзандлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Буларнинг барчасини номини тилга олишга қалам ҳам, вақт ҳам етмайди. Қаҳрамон қирувчи самолёт бошқариб, фашистларга қирон етказган Абдусаттор ака Эшонқулов, моҳир рассом, қаҳрамон Самид ака Абдуллаев, домла Носир ака Қодиров ва ҳаказолар. 1991 йил Мустақиллигимиз шарофати билан вилоят ва туманларда она-Ватанимизни ҳимоя қилиб, шахид кетганлар хотирасига “Хотира” миллионлари қурилди. Бир қанча кўчаларимиз, туманларимиз уларни номлари билан аталиб келмоқда.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Ватан, миллат, қаҳрамонлик, миллатни, ватанни асраш, кўриқлаш, ғалаба, миллатчилик, хотира.

Мунозара натижалари

Мунозара ҳисоботи.

Хулоса:.

Қатнашувчилар имзоси:

“ЎРТОҚ, ДЎСТ, МУҲАББАТ ВА ОИЛА”

мавзуси бўйича ўтказиладиган мунозара

Машғулотдан кўзланган мақсад:

Дўстликни ўртоқликдан ажрата олиш ва ҳақиқий муҳаббат туйғусини тушуниш натижасида мустаҳкам оила тузиш мумкинлиги, ҳаёт ўзи орзу қилгандек бўлиши аҳамиятини тушунтириш ва онгида шу мақсад сари интилишни шакллантириш.

Мунозаранинг асосий масалалари:

1. Ўртоқлик ва дўстлик – инсониятга хос бўлган ижтимоий бойликдир.

а) Сиз кимларни ўртоқ дейсиз?

б) Дўстлик, ўртоқлик тўғрисидаги тушунчангиз? Дўстингиз борми? Дўстликнинг асоси нимадан иборат – моддий ёки маънавий бойликми?

2. Муҳаббат деганда нимани тушунасиз? Ошиқ-маъшуқаларнинг маданияти нимадан иборат бўлиши керак?

- Биринчи кўришдан ошиқ бўлиш мумкинми? Муҳаббат учун маълум вақт керакми?

3 . Оила – ижтимоий жамиятнинг мустақил негизидир деганда нимани тушунасиз?

- Оилада ҳалол жуфтларнинг ўзаро муносабати қандай бўлиши керак?

- Оила бошлиги ким: эркакми ёки аёлми?

- Оила қуришда сиз қандай эр ёки хотинни орзу қиласиз?

Керакли материаллар:

1. Оила этикаси ва психологияси/ Т. Мақсулов таҳрири остида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991.

2. Саид Аҳмад “Уфқ” роман, трилогия.

3. Абдулла Қодирий. “Ўтган кунлар”

4. А.К.Мунавваров. “Оила педагогикаси”.Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Оила педагогикаси, дўст, ўртоқ, севги, муҳаббат, оилада йигит ва қиз тарбияси.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

Мунозаранинг қисқача мазмуни.

Мунозара натижалари

Мунозара ҳисоботи.

Мунозара натижалари:

Хулоса:.

“ПЕДАГОГЛИК ВА АКТЁРЛИК ФАОЛИЯТИ”

мавзуси бўйича ўтказиладиган мунозара.

Машғулот мақсади: Бўлажак педагогларни ўз касблари тўғрисидаги фикрларини билиш, бу касбга бўлган қизиқишларини, интилиш, эришиш йўллариини тушунтириш ва ривожлантиришдир.

Машғулотнинг асосий масалалари:

1. Педагоглик ва актёрлик фаолияти.
2. Педагоглик ва актёрлик таланти.
3. Педагоглик туғма қобилиятми ёки эгалланган касбми?
4. Педагог қандай бўлиши керак?
5. Аудитория эътиборини қозониш деганда нимани тушунаси?
 1. Педагоглик санъати нима?

Керакли материаллар:

1. Баранов С.П. ва бошқалар. Тошкент, 1990.
2. Аминашвили Ш.А. ва бошқалар. “Педагогик изланиш”. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
3. Дорохов А. “Ўзингни қандай тутишинг керак” Тошкент: “Ўқитувчи”, 1974.
4. Макаренко А.С. Соч. 7 -том. Т.Б.изд.А.П.Н.1958. 86-221-223 стр.
5. Мирқосимов М. “Мустақил таълим олиш педагогик маҳоратнинг муҳим қисми”/ Совет мактаби. 1981 йил, 7-сон.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Актёрлик ва режиссёрлик. Қобилият, туғма талант. Касб. Касб танлаш.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

Мунозаранинг қисқача мазмуни.

Мунозара натижалари

Мунозара ҳисоботи.

Хулоса:.

Қатъи увчилар имзоси:

“ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ”

мавзуси бўйича ўтказиладиган мунозара

Машғулотдан кўзланган мақсад:

Тарбия жараёнида талабаларни ўз-ўзини тарбиялаш – ўз устида онгли, режали иш олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилиш, ўз устида, ўз истиқболи устида ўйлай олишга ва уни амалий ҳаётда ўз-ўзини тарбиялаш истагини тугдириш.

Машғулотнинг асосий масалалари:

1. Ўз-ўзини тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай киши ўз-ўзини тарбиялай олади?
3. Сизнинг фикрингизча бўлгуси педагог нима учун ўз-ўзини тарбиялаши керак?
4. Ўз-ўзини тарбиялашни амалга оширишда қандай воситалардан фойдаланасиз?
5. Ўз-ўзини тарбиялашнинг қайси усулларида фойдаланасиз?

Керакли материаллар

1. Алякринский Б.С. “Беседы о самовоспитания”. 2-е изд.М.: “Знание”, 1977.
2. Амосов Н. “Раздумья о здоровь” М.: “Молодая гвардия”, 1978.
3. Ковальев А.Г., Бодалаев А.А. “Психология ва педагогика самовоспитания” Изд.ЛГУ, 1958.
4. Мунавваров А.К. “Оила педагогикаси” Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994.
5. Углов Д. “Человек среди людей” М.: “Молодая гвардия”, 1977.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

Мунозаранинг қисқача мазмуни.

Талабалар билан амалий ишларда тарбия методларидан фойдаланиш кўнималари ва малакаларини ўрганиш ва ҳосил қилиш қулай бўлиши учун уларни бир неча гуруҳларга бўлдик. Ижтимоий онгли шакллантириш методлари, жамоатчилик ҳулқ-атворини шакллантириш методлари, рағбатлантириш методлари, жазолаш методлари, ишонтириш методлари ва ўз-ўзини тарбиялаш методлари.

Ўз-ўзини тарбиялаш – онгли, режали иш олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилишдир. Талаба ўз-ўзини тарбиялашга тайёрланган бўлса, у ўз истиқболини ўйлай олади. Талабаларда ўз-ўзини тарбиялаш жараёни институт ва оиладаги бутун тарбиявий ишнинг таъсири остида рўй беради. Чунки, талаба тарбия жараёнининг объектигина эмас, балки субъекти ҳамдир. Шу сабабли ўз-ўзини тарбиялаш ўз устида актив иш олиб бораётган бир пайтда (ўз камчиликларини англаш ва уларни ўз шахсидаги афзалликлар ва камчиликлар билан қиёслаш, ахлоқидаги, характеридаги нуқсонларни тузатиш истаги) шахс камолатидаги зарур босқичдир.

Ўз-ўзини тарбиялаш талабанинг ўз олдига қўйилган муайян вазифани ҳал қила олишини. Уни бажаришга ички иштиёқ бўлишни, бажариш заруригини англашни, бажариш натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари:

1. Шахсий мажбурият.
2. Ўз иши ҳақида ҳисобот.
3. Ўз ҳаракатларини таҳлил қилиш
4. Ўз-ўзини назорат қилиш.
5. Ўзига –ўзи баҳо бериш.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Ўз-ўзини тарбиялаш. Тарбия методлари. Назорат қилиш. Тарбия турлари (ақлий, жисмоний, экологик, ахлоқий ва ҳ.к).

Мунозара натижалари

Мунозара ҳисоботи

Мунозара натижалари:

Хулоса:

Қатнашувчилар имзоси:

“КАСБИМ - ФАХРИМ МЕНИНГ”

мавзуси бўйича ўтказладиган мунозара.

Машгулотдан кўзланган мақсад:

Талабаларда касбларини тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қилиш, ўз касбларини келажаги порлоқ, истиқболи борлигини тушунтириш, фақат буларни ҳаммасининг моҳиятида меҳнат, интилиш, ирода, қизиқиш ётишини етказа олишдан ва касбга йўналтиришдан иборат.

Машгулотнинг асосий масалалари:

1. Танланган касбингиз тўғрисидаги фикрингизни гапириб беринг.
2. Касб танлаш нима учун керак деб ўйлайсиз?
3. Ҳозирги кунда ўз касбига бефарқ қараётганларга нима дея оласиз?
4. Ёшларга касб танлашда тўғри йўл тутишларига нима маслаҳат берасиз?

Мунозарага оид материаллар:

1. Каримов И.А. “Истиқбол йўли”. “Муаммолар ва режалар” Тошкент, 1992.
2. Каримов И.А. “Шу азиз Ватан барчамизники” Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994.
3. Тожиев ва бошқалар. “Ўқитувчи ихтисосига кириш” Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992 .
4. Мирқосимов М. “Педагогик кадрларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш”/ “Совет макгаби”, 1991, 5-сон.
5. Тураева А. “Бола азиз, одоби ундан азиз” Тошкент: “Ўқитувчи”, 1986.
6. Азаров Ю.П. ва бошқалар. “Тарбиявий иш методикаси”. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991.
7. Климов Е.А. “Как выбрать профессию” М., 1984.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Касб, маҳорат, касбга йўналтириш, касб танлаш, ихтисос, мутахассис.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш методикаси.

Мунозаранинг қисқача мазмуни.

Мунозара натижалари.

Мунозара ҳисоботи.

Мунозара натижалари:

Хулоса:

Қатнашувчилар имзоси:

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 1

Фан: Педагогика.

Мавзу: “Ўзбекистонда фан ва маорифни дунё стандартига кўтаришда мутахассислар тайёрлашнинг дидактикаси”.

Машғулот мақсади: Таълим бериш жараёнида шахсни ривожлантиришнинг асосий вазифаларини ёш авлодга инсоният тажрибасидан олинган билимлари, асосий масалалари, таълим тушунчалари, моҳияти, таълим принциплари(тамойиллари), таълим методларини ўргатади.

Таълимий мақсади - талабаларда ўқитиш назарияси, ўқитиш жараёни, таълим қондалари ва тамойиллари, Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунлари бўйича малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий мақсади - талабаларда таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмай, балки бу жараёнда талаба таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига ишонч ҳосил қилиш.

Ривожлантириш мақсади – талабаларни педагогик мулоқат устаси бўлишини, педагогик билим ва малакаларни эгаллаши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолашга тайёрлаш.

Ажратилган вақт – 4 соат.

Ўтказиладиган жой – фанлар бўйича назарий хона.

Машғулотнинг жиҳози:

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунларидан фойдаланиш.
2. Илмий, оммабоп, газета журналлардан фойдаланиш
3. Мавзуга оид адабиётлар.
4. Кўرғазмали чизмалар.

Машғулотнинг асосий масалалари:

1. Дидактика ҳақида тушунча ва унинг асосий тамойиллари.
2. Таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
3. Таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятининг асосий хусусиятлари.
4. Ҳозирги замон дидактикасининг асосий муаммолари.

Машғулотни ўтказиш учун методик қўрсатма.

Бу дарс талабалар учун анча мураккаб бўлиб, уларнинг кўпчилиги таълим назарияси билан илк бор танишадилар. Лекин дарсда фойдаланиладиган кўрғазмали чизмалар, илмий оммабоп газета ва журналлар, мавзуга оид адабиётлар уларга дарс материалини онгли равишда

ўзлаштиришга ёрдам беради. Дарс бошида ўқитувчи талабаларга бир неча саволлар бериб, уларнинг шу дарсга доир бошланғич билимларини аниқлайди.

Ўқитувчи дидактиканинг асосий қонун ва қоидаларини, таълим мазмунини, таълим жараёнини билмасдан туриб ўз касблари ҳақида ўйламасликларини уқтиради. Ҳар бир масала тушунтирилгандан сўнг уни чизмалардан сўнг қўшимча газета ва адабиётлар орқали мустаҳкамланади. Ана шунда талабаларнинг фикрлаш қобилияти янада ривожланади ва тафаккури шаклланади.

Ўқитувчи дидактиканинг асосий маъноси, мазмуни ва моҳиятини тушунтиришдан аввал Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунини тушунтиришга қаратади.

Талабалар бу мавзу бўйича билимга эга бўлганларидан кейин ўзлари устида ишлашга киришадилар. Тушунмаган масалаларни савол бериб ўқитувчидан аниқлаштириб оладилар. Дарс жараёнида уларда бу мавзудаги масалаларни ёритишда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар. Буларни ҳаммаси ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади ва олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиладилар.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. (“Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблари). Тошкент, 2000.
2. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000.

Уйга топшириқ:

1. Педагогларга методологик асос бўлиб хизмат қилувчи дидактиканинг умумий тамойилларини айтиб беринг.

Мустақил таълим.

1 – вазифа: Ўқитувчи фаолиятида таълим принципларининг аҳамияти.

2 – вазифа: Талабалардан бирининг индивидуал хусусиятларини ўрганиб, унга ўқитиш жараёнида унга мос келадиган индивидуал муносабатни тақлиф қилинг.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Дидактика, таълим жараёни, моҳияти, таълим мазмуни.

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ № 2

Фан: Педагогика.

Мавзу: Карлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия.

Машғулот мақсади: Ёш авлодни, талабаларни миллий тикланиш мафқураси, юсак фуқаровийлик, ўз халқига хизмат қилуш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ривож этиш руҳида тарбиялаш.

Машғудот режаси:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади, вазифалари.
2. Кадрлар тайёрлаш тизимининг таркибий тузилиши.
3. Узлуксиз таълим – кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси.
4. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
5. Кадрлар тайёрлаш тизимида таълим-тарбияга қўйилган талаблар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, 1995.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999.
6. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 1992.
7. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 1992.
9. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг Концепцияси.
10. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент, 1996.
11. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари/ “Таълим-тарбия” журнали. 1977йил, 6-сон.
12. Файбуллаев Н.Р. Таълим – тарбиянинг амалий йўналиши. Тошкент, 1986.
13. Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент 1992.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аниқлаш ёзиш ва конспект қилиш.

1. Тошмуродова Қ. Таълим-тарбияни режалаштириш хусусиятлари. Тошкент, 1993.
2. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, 1997.
4. Каримов И.А. “Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман”. Тошкент, 2000.

Рефератлар учун мавзулар.

1. Кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг тузилиши.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999.


5. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг Коституцияси. Т.1992.

Методик кўрсатма.

Президентимиз И.А.Каримов 1999 йил 14 апрел - Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузасида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга оширилишида жавобгар шахслар зиммасига юклатилган қуйдаги вазифаларни кўрсатиб ўтади:

“... - янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.


- Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фукорони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ...



15 – расм. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг мақсади.

Умуман, ислоҳат йилларида биргина ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим.

Халқаро тажрибаларни, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳволи ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида унинг принцип жиҳатдан янги модели ишлаб чиқилди.



16 – расм. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.

Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълимга оид хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг яратувчисидир.

Узлуксиз таълим – кадрлар тайёрлашнинг пойдевори.

Фан – юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва уларнинг истеъмолчиси.

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболини белгилашни, уларнинг тайёргарлик даражаси сифатини баҳолашни, шунингдек кадрлар тайёрлаш тизимини қисман молиявий ва моддий-техникавий таъминлашни амалга оширувчи асосий буюртмачи.


Давлат ва жамият – кадрларнинг тайёргарлиги сифатини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширувчи, кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг бош кафиллари.

Узлуксиз таълим - кадрлар тайёрлаш тизимининг асосидир.

Олий касб-ҳунар таълими бакалаврият ва магистратурага бўлинади.

Бакалаврият – таянч олий таълим бўлиб, мутахассислик йўналиши бўйича умумий таълим негизида камида тўрт йил давом этади.

Магистратура – аник мутахассислик бўйича тўлиқ олий таълим бўлиб, одатда бакалаврият негизида камида икки йил давом этади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларда аспирантура, адъюнктура докторантура, мустикал тадқиқот ва бошқалар.



17–расм. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими ва турлари.

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 3.

Мавзу: Илгор педагогик технологиялар – дарс жараёнида.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Семинар машғулот мақсади: Дастурлашган таълимни амалга ошириш, “педагогик технология” нинг йўналтирилганлиги унинг турли услублар асосида турли таълим тизимларини қуришдаги кенг имкониятларини белгилаб бериш, таълим-тарбия жараёнининг тарбиявий омиллариға ҳам “технологик” жараёнини тадбиқ этиш орқали таълим-тарбия ўртасидаги фарқни қисқартириш.

Машғулот режаси:

1. Педагогик технология ҳақида тушунча.
2. Педагогик технологиянинг моҳияти, турлари ва тузилиши.
3. Янги педагогик технологиялар ва маҳорат.
4. Ўқув жараёнларини педагогик технологиялар асосида ташкиллаштириш.
5. Педагогик технологиянинг турлари, тузулиши ва дидактик паспорти.

Адабиётлар:

1. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. Ташкент: “Фан”, 2000.
2. Толипов Ў. Билимларни кўникма ва малакаларга айланиш технологияси/ “Маърифат” газетаси. 2000 йил 12 январ.
3. Толипов Ў. Педагогик технология тараққиёти ва таълим назарияси муаммолари. “Маърифат” газетаси. 1999 йил 31 март.
4. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Ташкент. “Ўзбекистон миллий энсклопедияси” давлат миллий нашриёти, 2000.
5. Коменский Я.А. Избр. Пед.соч. М., 1955. с.238.
6. Ромишевский А.Д. Проситирование систем обучение. М., 1970 с. 21.
7. Аристанов М.Ж., Пилкасистий П.И., Хайдаров Ж.С. Проблемы модельного обучения: вопросы теории и технологии. Алма-ата. “Мектеп”. 1980 с. 208
8. Бута П., Карпов Б. Технология обучения в высшей школе // Вестник высшей школы. 1991. № 11. с.15-17.
9. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Ташкент: ИПВССШ. 1999 с.84

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аннотация ёзиш ва конспект қилиш.

1. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. Ташкент. “Фан”, 2000.
2. Ромишевский А.Д. Проситирование систем обучение. М., 1970. с. 21
3. Коменский Я.А. Избр. Пед.соч. М.,1955. с.238.
4. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Знание, 1989.

5. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. Ташкент: “Фан”, 1992. с.260
6. Нишаналиев У. Инструментарий обучения, воспитание и развитие // Учитель Узбекистана, 7.10.1998, № 38(14613).
7. Сайидахмедов Н. Педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳаза// Маърифат, 24.06.98. № 46 (7043).
8. Зеер Э.Ф. Личностно-ориентированное профессиональное образование. Учебное пособие. Екатеринбург. изд-во УГППУ, 1998. с.51.
9. Ишматов К. Педагогик технологиянинг назарий асослари.//Таълим муаммолари. 1-2 сонлар, 1999.

Резерватлар учун мавзулар

1. Педагогик технология таълим жараёнида.
2. Илғор педагогик технология ва маҳорат.
3. Педагогик технологиянинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Адабиётлар:

1. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. Ташкент: “Фан”, 2000.
2. Толипов Ў. Билимларни кўникма ва малакаларга айланиш технологияси// Маърифат газетаси. 2000 йил 12 январ.
3. Толипов Ў. Педагогик технология тараққиёти ва таълим назарияси муаммолари. “Маърифат” газетаси. 1999 йил, 31 март.
4. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Ташкент. “Ўзбекистон миллий энсклопедияси” давлат миллий нашриёти, 2000.
5. Коменский Я.А. Избр. Пед.соч. М., 1955. с. 238.
6. Ромишевский А.Д. Проситирование систем обучения. М., 1970. с.21.
7. Коменский Я.А. Буюк дидактика.Т., “Ўқитувчи”. 1975.
8. Илғор педагогик технологиялар. 8-9 апрель. Илмий семинар тезислари тўплами. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти. Тошкент, 1999.
9. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: “Знание”, 1989.

Методик кўрсатма

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим соҳасига илғор педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этади. Шунинг учун аввало **“педтехнология”** деган кўп қиррали тушунчанинг тузулиш моҳиятини очиб бериш муҳим масала ҳисобланади. Баъзи ўқитувчилар дарс жараёнида бир-икки янгилик киритишади-да, буни илғор педагогик технологияга ўтиш деб ҳисоблайдилар. Агар педтехнология мураккаб тузилиши, бир қатор бўлимлардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, бу фикр нотўғридир.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у қўйилган мақсадларга эришишни таъминлагандагина таълим жараёнини қуради ва вужудга келтиради.


Таълимни мақсадларига нишонлайдиган изчил асос бутун таълим жараёнидан ўтиб кетадиган оператив тескари алоқадир.

Шунга биноан технологик ёндошишда қуйидагилар ажратилади:

- мақсадлар қўйиш;
- қўйилган мақсадларни максимал даражада аниқлаш, юритишни;
- таълимни тўла ўқитиш мақсадларига қаратиш;
- таълим мақсадлари ва ўқитиш мақсадларини кафил бўлинган натижаларга эришишга нишонлаш;
- жорий натижаларни баҳолаш;
- қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган ўқитишни коррекциялаш (тўғирлаш);
- натижаларни баҳолаш.

Ўқув жараёнини аниқ қўйилган мақсадларга изчан нишонлаш технологик қурилмани англаш учун калитдир. Шу сабабли педагогик технологияга марказ бўлган мақсад қўйиш ва таълимни мақсадларга нишонлаш бизнинг таълим жараёнини муаммоларидан биридир.

Педагогик технология деганда таълим-тарбия жараёнига янгича ёндошиш тушунилади.



18-расм. Таълим жараёнини қуриш.

Педагогик технология - таълим ва тарбия жараёнида янги ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқдир.

Жаҳон педагогик тафаккурида бундай ёндошув янги бўлмади, XVII асрадаёқ “Буюк дидактиканинг” муаллифи Ян Амос Коменский таълим-тарбия жараёнини шундай шаклга солмоқчи бўлган-ки, “унда ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатидан шундай жойлаштирилиши керак эдики”, “бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби, беҳато юриши керак” эди.

Юқорида айтиб ўтганларимизнинг таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларнинг ўқув билиш фаолиятини янада фаоллаштириш учун “Педагогика” фанидан амалий машғулотлар ўтганда турли хил ташкилий шакллар, методлар ва воситалардан фойдаланиш қуйидаги ижобий натижаларни беради:

1. Таълим–тарбияга оид муаммоларни ечиш ва топшириқларни бажаришга талабаларни жалб этиш, уларнинг мустақил равишда иш олиб боришларининг муҳим шакли ҳисобланади. Бу эса уларнинг педагогика фани бўйича тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради.


2. Ҳозирги замон педагогика, психология фанлари нуқтаи назаридан таълим–тарбия ишларини таҳлил қилиш, талабаларда касбий педагогик малакаларини шакллантиришга сабаб бўлади.

| Т/р | ПАРАМЕТРЛАР НОМИ | Параметрларни жорий этиш (қўллаш) |
|-----|------------------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Технология тури | |
| 2 | Асосий мақсади | |
| 3 | Технологиянинг вазифалари | |
| 4 | Таълим усуллари | |
| 5 | Тарбия усуллари | |
| 6 | Билимни назорат қилиш тизими | |
| 7 | Ривожланиш диагностика тизими | |
| 8 | Қайтарма алоқа тизими | |
| 9 | Дидактик таъминлаш тизими | |
| 10 | Битирувчиларнинг аттестация тизими | |
| 11 | Талабанинг ўқув фаолияти тизими | |


19-расм. Педагогик технологиянинг паспорти.

3. Амалий машғулотлар жараёнида айниқса мунозарали, педагогик ўйинли, муаммоли машғулотларни оқилона, самарали қўллаш ва унда талабаларнинг фаол иштироки уларда касбий–педагогик малакаларини мустаҳкам шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.


4. Касбий–педагогик малакаларини шакллантиришдаги илмий–услубий тизимни аниқланиши, бу малакаларнинг янада мустаҳкам шаклланишига ёрдам беради. Биз мана шу тизимни қуйидагича ишлаб чиқдик:



20-расм. Педагогик технология турлари.



21-расм. Педагогик технологиянинг тузилиши.



22 - Расм. Педагогик технологиянинг мазмуний-блок схемаси.

Ўқитиш методикаси кўп ҳолларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб боришга оид тавсиялар йиғиндисидан иборат бўлса, педагогик технология бундан фарқли ўлароқ: биринчидан якуний натижани кафолатлайди, иккинчидан эса, бўлажак ўқув жараёнини ҳам лойиҳалайди (8). У. Нишаналиев ва Б.Л.Фарберман таъкидлаганларидек, “Педагогик технология ўқув мақсадларининг аниқ белгиланиши, якуний натижани кафолатлаши, ўқув жараёнининг такрорланувчанлигини таъминлаши ва тезкор қайтувчан алоқанинг мавжудлиги билан тавсифланади” (7,10).

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этиш схемаси 22- расмда берилган.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Технология, педагогик технология, касбий малакалар, эмпирик, когнитив (билиш), интеграл (бирлашган), инверсияли (фиқрлаш тизими), адаптацияли (мослашув).

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №. 4

Мавзу: УП – XIV асрларда яшаб ижод қилган ўзбек халқ мутафаккирларининг педагогик ғоялари

Ажратилган вақт - 4 соат.

Семинар машғулот мақсади: VII-XIV асрларда яшаган буюк ва суюқ инсонларнинг бизга қолдирган меросини илмий-назарий жиҳатдан озми-кўпми ўрганиш, қадрлаш, хурмат қилиш ва таъвиқ этиш, ҳар бир талабани шу нарсага эътиборини қаратиш.

Машғулот режаси:

1. Муслмон мактабларида таълим-тарбиянинг мазмуни.
2. VII-XIV асрларда яшаб ижод қилган алломаларнинг:
 - а) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий;
 - б) Аҳмад Фаргоний;
 - в) Абу Наср Фаробий;
 - г) Абу Райҳон Беруний;
 - д) Абу Али ибн Сино;
 - е) Маҳмуд Қошғарий;
 - ж) Юсуф Хос Хожиб;
 - з) Умар Ҳайём;
 - и) Аҳмад Югнакий;
 - к) Шайх Нажмиддин Кубро;
 - л) Имом ат - Термизий;
 - м) Имом ал-Бухорийнинг мактаб, тарбия ва педагогик фикр тараққиётига қўшган ҳиссалари.

Адабиётлар:

1. Хайруллаев М.М. Фаробий. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1991.
2. Ал –Бухорий. Ҳадис. “Комуслар бош таҳририяти”. 1-жилд. Тошкент, 1991.
3. Ал – Фароби. О разуме и науке. Алма-ата. Ан Казахстана, 1995.
4. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
5. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.
6. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1987.
7. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма)/ проф. А.Зуннунов таҳрири остида. Тошкент, 1997.
8. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон миллий қомуси” давлат миллий нашриёти, 2000.
9. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. 488 -бет.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари.

Адабиётлардан аянатация ёзиш ва конспект қилиш.

1. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент: “Бош қомуслар таҳририяти”. 1-жилд. 1996.
4. Файбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.

Рефератлар учун мавзулар

1. Энг қадимги даврлардан XII асргача таълим–тарбия ишлари ва педагогик фикрлар.
2. Исломи дини ғояларининг таълим–тарбияга таъсири. Мусулмон мактабларида таълим – тарбиянинг мазмуни.
3. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар одоб–ахлоқ тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари.
4. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да таълим–тарбия масалалари.
5. Илохий асар улуғ Қуръони Каримда – инсон моҳияти ва қомил инсон тарбияси.

Адабиётлар:

1. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”. 1996.
2. Авлоний А.. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент: “Бош қомуслар таҳририяти”. 1-жилд. 1996.
4. Файбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
5. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм–маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
6. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.

Машғулотнинг қисқача мазмуни:

Ҳар бир шахс, халқ ва миллатнинг ўзига хос орзу–умидлари ва маънавий қадриятлари бўлади. Улар орасида таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёж алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки ҳар бир соғлом инсонда тинмай билим олиб туриш эҳтиёжи мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов биринчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида Хур Ҳукуматда демократик тузумни барпо эта бориш билан бирга, амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг асосий иштирокчилари бўлган жамиятимиз азозларининг маънавиятини бутунлай янги қарор топтириш лозимлигини айтиб ўтган эди.

Келажак буюк давлатни қураётганлар тафаккури, ахлоқи янги иқтисодий муносабатларни таркиб топтиришга ва моддий неъматлар яратишга астойдил йўналтирилган бўлиши лозим.

Миллий педагогика деганда давлат конструкцияси, таълим тўғрисидаги қонун ҳамда истиқбол ривожланиш дастурлари, жамиятнинг тарихий

тараққиёт қонуниятлари ва жаҳондаги илғор педагогик технологиялар асосида тузилган таълим-тарбия назарияси, усул ва услублар мажмуи тушунилади.

Инсоният ўзининг тарихий тараққиёти даврида таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини кондириш учун маърифий жараёнда объектив қонуниятларни аниқлайди ва шу асосда таълим-тарбия услубларини яратади. Бизга маълумки, уруғчилик жамоасида одамларнинг меҳнат фаолияти соҳаларига ажрала бориб, болаларда касб-ҳунарга интилиш фаоллашиб борди. Отаналар болаларига ўз касбини ўргатиш билан бирга, уларни амалда қўллаш олишни ўргата, айни чоғда одоб ва ахлоқдан ҳам таълим тарбия бера бошлаганлар.

Таълим-тарбия ривожланиб борган сари маърифий жараённинг қонуниятлари аниқланиб, шу асосда билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш усуллари ҳам яратила бошлади. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда “Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин”¹ - дейилган. “Авесто” нинг яна муҳим томони шундаки, унда ер, сув, ҳаво муқаддас деб эълон қилиниб, атроф-муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузганлар қамчи билан жазоланганлар. Унда ахлоқийликнинг асоси - саховатлилик, деб кўрсатилган.

Марказий Осиёга Ислом дини кириб келиши билан бу анъанавий сифатлар мустаҳкамланиб бойитилди. Ислом ақидалари, унинг ахлоқий, ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи “Қуръони Карим” дир. Бу муқаддас китоб кишиларнинг тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. IX-XV асрларда Шарқ жонланиш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган.

Маърифий рисолаларда асосан ахлоқнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган. Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Навоийларнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Қутадғу билиг”, “Ахлоқи Носирий”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Бўстон”, “Гулистон” каби таълим-тарбияга оид асарлари инсон шахсини, маънавиятини шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф маърифий асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарларда инсоннинг маънавий камолга етишини юксак ҳулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошириш мумкин, деган ғоя илгари сурилган. Бу халқ мутафаккирларининг Шарқ жонланиш даври маърифатчилигида касб-ҳунарни эгаллаш илм ўрганиш

¹ Маховельский А.О. Авесто. Баку: “Азербайжан”, 1960. с. 18.

билан баб-баравар олиб борилиши талаб этилади. Ҳар бир йигит, у қайси табақа фарзанди бўлмасин, касб-хунар ўрганиши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ҳар бир хунарманд ўз касбига эътиқод ва ҳурмат билан қараш, вазифасини садоқат билан адо этиши зарур.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Халқ педагогикаси, миллий педагогика, Авесто, Куръони Карим, зардуштийлик, Ислом дини, маърифатпарварлик, шарқона тавлим-тарбия.

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 5.

Мавзу: XIV – XX асрларда яшаб ижод қилган Ўрта Осиё алломаларининг педагогик фикрларини шаклланиши.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Семинар машғулот мақсади: Қадим замонлардан, то ҳозирги кунгача бўлган турли тарихий даврларда тарбия, мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида, XIV-XX асрларда яшаган буюк ва суюқ инсонларнинг бизга қолдирган меросини илмий-назарий жиҳатдан озми-кўпми ўрганиш, қадрлаш, ҳурмат қилиш ва ташвиқ этиш, ҳар бир талабани шу нарсага эътиборини қаратиш.

Машғулот режаси

1. XIV-XX асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.
 - Соҳибқирон Амир Темур; Муҳаммад Тарагай – Улуғбек;
 - Абдуроззоқ Самарқандий; Заҳириддин Муҳаммад Бобур;
 - Аҳмад Дониш; Жаҳон Отин Увайсий; Феруз; Нодира;
 - Муҳаммад Содиқ Қошғарий; Абай Қўнанбоев; Бердақ;
 - Абдулла Авлоний; Алишер Навоий; Аваз Ўтар;
 - Анбар Отин; Муҳаммад Шариф Гулханий; Мунис Хоразмий;
 - Саидахмад Сиддиқий; Абдурауф Фитрат; Абдурахмон Жомий;
 - Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий; Маҳмудхўжа Бехбудийларнинг педагогик фикрлари.

Адабиётлар:

1. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси. Тошкент: “Бош қомуслар таҳририяти”. 1-жилд. 1996.
4. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматкулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
5. Абдурашулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
6. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.

7. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Тошкент: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1991.
8. Алишер Навоий. “ Махбуб ул-қулуб” Тошкент: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1986.
9. Абдурашулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
10. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.
11. Қажумов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1987.
12. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма)/проф. А.Зуннунов таҳрири остида. Тошкент, 1997.
13. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон миллий қомуси” давлат миллий нашриёти, 2000.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аниқтаъия ёзиш ва конспект қилиш.

1. Қажумов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино. Тошкент, 1987.
2. Абдулла Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. Тошкент: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1991.
3. Алишер Навоий “ Махбуб ул-қулуб” Тошкент: Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1986.
4. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма)/проф. А.Зуннунов таҳрири остида. Тошкент, 1997.
5. Абдурашулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
6. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967.

Рефератлар учун мавзулар

1. Туркистонда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнги халқ маорифи ва педагогик фикрлар.
2. Халқ педагогикаси предмети, мақсади ва вазифалари.
3. Жаҳон педагогика фани ривожланишида мактаб, маориф ҳамда педагогик фикрлар.
4. XX асрнинг 70 – 80 - йилларида Ўзбекистонда халқ таълими равнақи.

Адабиётлар:

1. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Хасанов Р. Педагогика тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
2. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон миллий қомуси” давлат миллий нашриёти, 2000.
3. Абдурашулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1972.
4. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Хамидов Х. Педагогика тарихи. Тошкент “Ўқитувчи”, 1997.
5. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1970.
6. Педагогика курс лекции. М., 1984.

7. Педагогика / Т.А.Ильина таҳрири остида. Қўлланма. М., 1984.
8. Баранов С.П. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.

Машғулотнинг қисқача мазмуни:

Бу даврда ижод этган Фазлий Намангоний, Мушриф, Мушфиқий, Фаргоний таҳаллуси билан ижод қилган Турди, Маҳмур, Гулханий, Моҳларойим (Нодира), Шермуҳаммад Мунис ва Огаҳий, Сайид Муҳаммад Охунд, Яҳё, Давлат Мамед Озодий (Маҳтумқулининг отаси) Киромий, Мулла Шермуҳаммад, Ахмал, Муҳаммад Аминхожа Косоний, Мавлона Нодирлар ўз замонасининг забардаст сиймолари эдилар. Масалан, Мушфиқий Бухоро амири Абдуллахон саройида “Малик уш-шуаро” унвонига эга бўлган бўлса, Фазлий Намангоний Кўқон шоирларига бошчилик қилган. Бу даврда кўплаб меъморчилик обидалари қурилади. Худоёрхоннинг Кўқонда қурдирган сарой арки, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги турли обидалар шулар жумласидандир.

Бухорода 1753-1754 йилларда қуриб битказилган Шайх Жалол мадрасаси, 1796-1797 йилларда бино қилинган Домла Турсунжон мадрасаси, Самарқандаги Регистон майдонининг узил-кесил шаклланиши, шунингдек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг бино қилиниши, “Девонбеги” мадрасаси; Хивада – Арабмуҳаммад мадрасаси (1616); Муҳаммад Ризобек номидаги мадрасанинг бунёдга келиши Марказий Осиё халқларининг ривожланганлиги, ўқимишли, билимдон, илм-маърифат фидойилари эканлигидан далолат беради.

Бу даврда мактаб ва мадрасаларда грамматика, ҳандаса, мантиқ, қироат, тавсир, шариат, ислом тарихи ва ақидаларига оид илмий-назарий билимлар, иш юритиш, ҳуқуқшуносликка, савдо-сотик ишларига оид, мерос ва бойлик, тақсимот ва шу каби бошқа ўнлаб илмий билимлар, дунёвий ҳамда диний билимлар ўргатилад эди. Барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида “Қуръон”, “Тавсир”, “Одоб ас-солиҳин”, “Маслак ул - мутаккин”, “Кимён саодат”, “Ҳадис” кабилар ўқитилар эди. Шу билан бирга таълим-тарбия жараёнида хотин-қизларга, аёллар тарбиясига катта эътибор берилди. Ўқимишли, мабрифатли, зиёли аёллар томонидан кўплаб мактаблар ташкил этилди ва у отинлар мактаби деб ном олди. Халқ оғзаки ижоди орқали ёшларга қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ҳақиқатгуйлик, садоқат, каби инсоний, ахлоқий фазилатлар тарғиб қилинди. Бу даврда Жаҳон Отин Увайсий, Муҳаммад Содиқ Қошғарий (1740-1843), Мунаввар Қори Абдурашидхон ўгли (1878-1931), қардош халқлар маърифатпарварларидан: Рашид Эфендиев (1869-1942), Фатали Охундов (1812-1878), Аҳмад Дониш (1827-1897), Абай Қўнанбоев (1845- 1904), Исҳоқхон Ибрат (1862-1937), Саидахмад Сиддиқий (1864-1927), Абдуқодир Шуқурий (1876-1943), Абдулла Авлоний (1878-1934), Абдурауф Фитрат (1886-1931), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) каби мутафаккирларимиз таълим-тарбия, мактаб. фан ва маданиятни ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Мактаб, мадраса, масжид, маърифатпарвар, меъморчилик, одоб-ахлоқ, мутафаккир, фан, маданият, маънавият.

АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ № 1.

Фан: Педагогика.

Мавзу: “Мутахассиснинг интизоми ва маданий ҳатти-ҳаракатларига оид талаба шахсини педагогик хусусиятларини текшириш”.

Машғулот мақсади: Ёш авлодга диний, дунёвий ва фазовий билимлар бериш билан биргаликда уларда миллий мафкурамизга мос бўлган ижтимоий хислатларни, хусусиятларни шакллантириш ва келгусида бу хусусиятлар, хислатлар миллий фазилатларимизда чуқур ўрнашиб қолишда ёрдам бериш.

Таълимий мақсади: Талаба ёшларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш ва тузатиш, ташкилий шакллари яхшилаш.

Тарбиявий мақсади: Талабаларнинг интизоми, маданий ҳатти-ҳаракатларини тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожлантириш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсади ва вазифаларини ишлаб чиқиш.

Ривожлантириш мақсади: Талабаларнинг билимини, ақлий камолатларини назорат қилиш ва баҳолаш, назорат ва баҳолаш жараёни талаба шахсини бойитишга, улар шахсини ривожланишига ва тарбиясига таъсир кўрсатишини тушунтириш.

Ажратилган вақт – 4 соат.

Дарс тури – лаборатория.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, жадваллар чизилган плакат ва чизмалар, машғулот бажариш учун керакли бўлган ўқув қуролилари.

Асосий масалалар:

1. Берилган топшириқларни ўқиб, аниқ жавоб бериш.
2. 3 та шахснинг гоёвий-сиёсий ; касбий-ихтисослик; ахлоқий-этик сифатлари билан номланган жадвални тўлдириб, балларини қўйиш.
3. Берилган талабаларнинг ўз мутахассисликларига ва амалиётларига муносабатини аниқлаш учун берилган саволларга тўлиқ , аниқ жавоб ёзиш.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Ҳозир педагогика фанидан талаба шахсини ўрганишнинг қатор усуллари ишлаб чиқилган. Қуйида ана шуларни айримларига тўхталамиз.

Педагогика фанида кенг қўлланиладиган усуллардан биттаси қуйидагичадир.

- 1.Савол-жавоб усули; 2.Оғзаки баён этиш усули; 3.Сухбат ўтказиш усули; 4.Мустақил кузатишлар; 5.Машқ усуллари; 6.Ўқув мунозаралари; 7.Ўйинлар ўтказиш усули; 8.Мустақил ишлаш усули.

Бу машғулотда ўқитувчи талабалардан талаба шахсининг беш гуруҳдан иборат қуйидаги фазилат, сифат, хислатларига ўз аҳамияти бўйича тегишли тарғиб рақамлари қўйиб бажаришини сўрайди.

Шахснинг ғоявий–сиёсий сифатлари.

Касбий–ихтисослик фазилатлари.

Ахлоқий–этник ҳислатлари.

Тарбиявий педагогик сифатлари.

Ташқилий ишчанлик фазилатлари.

Бунда талабалардан ҳар бир гуруҳга (1-3 -жадвалларга) киритилган сифатларни муҳим эмас деб ҳисобласалар уни ўчириб ташлашларини ва ўрнига ёқтирган фазилат ёки сифатларни ёзишларини талаб қилинади. Шунда ҳар бир гуруҳдаги фазилатларнинг аҳамиятига қараб, беш балли шкала билан баҳоланади.

“5” - талаба шахси учун мутлақо зарур.

“4” - талаба шахсиде бўлиши шарт.

“3” - мазкур сифатнинг бўлиши мазқул.

“2” - бу сифат зарур эмас.

“1” - бунга эътибор бермаса ҳам бўлади.

5 – жадвал.

ШАХСНИНГ ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ СИФАТЛАРИ

| Т/р | Ғоявий-сиёсий сифатлар номлари | Балл |
|-----|---------------------------------------|------|
| 1 | Принципиаллик | |
| 2 | Сиёсий саводхонлик | |
| 3 | Ғоявий эътиқод | |
| 4 | Жамоат ишларида фаол қатнашиш | |
| 5 | Ўз ижтимоий бурчини англаш | |
| 6 | Тарбия муаммосини муҳимлигини тушуниш | |
| 7 | Ижтимоий-сиёсий фикрлаш кўникмаси | |
| 8 | Ташкилотчилик қобилияти | |

6 – жадвал.

КАСБИЙ – ИХТИСОСЛИК СИФАТЛАРИ

| Т/р | Касбий-ихтисослик сифатлари номлари | Балл |
|-----|-------------------------------------|------|
| 1 | Илмий иш билан шугулланиш | |
| 2 | Касбий етуклик | |
| 3 | Ўқишдаги ижодий фаоллик | |
| 4 | Мустақиллик | |
| 5 | Билимдонлик | |
| 6 | Ақлнинг танқидийлиги | |
| 7 | Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш | |
| 8 | Ўз фикрини ифода қилиш | |
| 9 | Илмий тадқиқот ўтказиш кўникмаси | |
| 10 | Сўз мантиқ лугат бойлиги | |

АХЛОҚИЙ – ЭНТИК ХИСЛАТЛАРИ

| Т/р | Ахлоқий – этник хислатлар номлари | Балл |
|-----|--|------|
| 1 | Ўзига талабчанлик | |
| 2 | Ўзгаларни ҳурматлаш | |
| 3 | Камтарлик | |
| 4 | Ўзига ишонч | |
| 5 | Иболилик | |
| 6 | Ҳалоллик | |
| 7 | Адолатпарварлик | |
| 8 | Самимийлик | |
| 9 | Беғаразлик | |
| 10 | Ички маданиятлилик | |
| 11 | Ҳамдардлилик | |
| 12 | Виждонлилик | |
| 13 | Жамоатчилик меҳнатини ортиқча баҳоламаслик | |
| 14 | Юмор ҳисси | |
| 15 | Дилкашлик | |
| 16 | Ўзини камол топтиришга интилиш | |
| 17 | Гуманитар билимларга чанқоқлик | |
| 18 | Замонавийлик | |
| 19 | Ўзини тутиш | |
| 20 | Ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўймаслик | |
| 21 | Ахлоқ қоидаларига риоя қилиш | |
| 22 | Ўзини назорат қилиш | |

Навбатдаги қилинадиган масала талабаларнинг ўз мутахассисликларига ва қатнашиши мажбурий бўлган педагогик амалиётга муносабатини аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун улар фамилиясини, исмини, отасининг исмини, факультетини ва курсини аниқ кўрсатишлари лозим. Сўнгра берилган саволларга жавоб ёзадилар.

Фамилияси, исми, отасининг исми.

Факультети.

Курси.

САВОЛЛАР:

1. МАЗКУР МУТАХАССИСЛИКНИ ТАНЛАШИНГИЗГА НИМА САБАБ БЎЛДИ?

(Тегишли жавобнинг тартиб рақамини айлана ичига олинг)

1. Ҳар қандай фан билан шуғулланиш имконияти;
2. Мутахассислик бўйича ўз қобилиятимга ишончим;
3. Ўқитувчимнинг тавсияси;

4. Оиламиз анъанаси;
5. Ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий нуфузи;
6. Шу мутахассислик бўйича илмий тадқиқот ишлари;
7. Шундан бошқа иложим йўқ;
8. Яна нималар сабаб бўлганини ўзингиз ёзинг.

II. АГАР ИНСТИТУТГА ҚАЙТАДАН КИРИШ МУМКИН БЎЛСА СИЗ ЯНА ШУ МУТАХАССИСЛИКНИ ТАНЛАР ЭДИНГИЗМИ?

1. ҲА;
2. ЙЎҚ;
3. БИЛМАДИМ.

III. МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАКУЛЬТЕТДАГИ УМУМИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ СИЗНИ ҚОНИҚТИРАДИМИ?

1. ҲА;
2. ЙЎҚ;
3. БИЛМАДИМ.

IV. ЎҚИТУЧИЛИК КАСБИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛИ СИЗГА ЁҚАДИМИ?

1. ҲА;
2. ЙЎҚ;
3. БИЛМАДИМ.

V. АГАР ИНСТИТУТГА ҚАЙТАДАН КИРИШ МУМКИН БЎЛСА, ЯНА ШУ ФАКУЛЬТЕТНИ ТАНЛАЙСИЗМИ?

1. ҲА;
2. ЙЎҚ;
3. БИЛМАДИМ.

VI. ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ НИМАСИ БИЛАН ЎЗИГА ТОРТАДИ:

1. Фанда ўз фикрини айтиш имконияти.
 2. Ижод қилиш.
 3. Диссертация ёқлаш имконияти.
 4. Моддий таъминланиш.
 5. Жамоада меҳнат қилиш имконияти.
 6. Ўзини-ўзи камол топтириш.
 7. Олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлаш истаги.
- ЎЗИГА ТОРТМАЙДИ:

1. Фанда бирор нарса яратиш қийинлиги.
2. Умумий фаолиятсиз илмий фаолият бўлмаслиги.
3. Диссертация ёқлаш зарурлиги.
4. Узоқ муддат моддий таъминланмаслик.
5. Илм билан ўралашиб қолиш.
6. Жамоада меҳнат қилиш зарурлиги.
7. Олий ўқув юртида ишлаш мажбурийлиги.

VII. СИЗНИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ НИМАСИ БИЛАН:

ЎЗИГА ТОРТАДИ:

1. Педагогик фаолиятнинг ижтимоий нуфузи.
2. Ўқувчилар билан ишлаш.
3. Севимли фан билан шуғулланиш имконияти.
4. Ижод қилиш имконияти.
5. Яхши иш ҳақи.
6. Қисқа иш куни.
7. Ўзини-ўзи такомиллаштириш имконияти.
8. Ишнинг ўз қобилиятимга мослиги.
9. Ишнинг характеримга мослиги.

10. Педагогик фаолият яна нима билан ўзига тортади?

ЎЗИГА ТОРТМАЙДИ:

1. Педагогик фаолиятнинг аҳамияти етарлича баҳоланмаслиги.
2. Ўқувчилар билан ишлаш зарурлиги.
3. Ёқалдиган фан бўйича баркамолликка имкон йўқлиги.
4. Ижодга имкон йўқлиги.
5. Маошнинг ёмонлиги.
6. Иш кунининг узунлиги.
7. Ишнинг ўз қобилиятимга мос кemasлиги.
8. Ишнинг характеримга мос кemasлиги.
9. Педагогик фаолиятнинг яна нимаси ўзига тортмайди?

VIII. СИЗ ОЛДИНДА ТУРГАН ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДАСИЗ?

1. Уни ўртача қизиқиш билан кутаяпман.
2. Менимча амалиёт фойдали бўлади.
3. Мен ундан чўчимайман.
4. У мен ўзим ёқтирган фандан чалғитади.
5. Педагогик амалиётдан ҳеч қандай натижа кутаётганим йўқ.

IX. АГАР ДАРС БЕРИШ ЗАРУРИЯТИ ТУҒИЛСА СИЗ УНГА ТАЙЁРМИСИЗ?

1. ҲА; 2. ЙЎҚ; 3. БИЛМАДИМ.

X. СИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ФАН БЎЙИЧА ТАЙЁРМАН ДЭБ ҲИСОБЛАЙСИЗМИ?

1. Мутахассислик фан бўйича:

1. ҲА; 2. ЙЎҚ; 3. БИЛМАДИМ.

2. Ўқитиш методикаси бўйича-чи?

1. ҲА; 2. ЙЎҚ; 3. БИЛМАДИМ.

3. Психология бўйича-чи?

1. ҲА; 2. ЙЎҚ; 3. БИЛМАДИМ.

4. Педагогика бўйича-чи?

1. ҲА; 2. ЙЎҚ; 3. БИЛМАДИМ.

XI. МУТАХАССИСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

Ижобий:

1. Илмийлик, муаммолилик, билимнинг чуқурлиги.
2. Ҳозирги замон масалалари билан алоқаси борлиги.
3. Илмий тадқиқот усуллари мавжудлиги.
4. Маърузалар жонли, қизиқарли ўтиши.
5. Таълимда кўргазмалilik ва техник воситалар қўлланиши.

Салбий:

1. Илмийлик, муаммолилик чуқурлик етишмайди.
2. Ҳозирги замон масалаларига алоқаси йўқлиги.
3. Илмий тадқиқот усуллари мавжудсизлиги.
4. Маърузаларнинг зерикарилиги ва сустлиги.

5. Таълимда кўрсатмалилик ва техник воситаларни қўлламаслиги.
XII. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИХАТЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

Ижобий:

1. Ахборотларнинг янгилиги.
2. Баён қилишнинг жозибалилиги.
3. Баён қилишнинг ҳиссиётга бойлиги.
4. Ҳозирги замон муаммоларидан фойдаланиш.
5. Таълимда кўрсатмалилик ва техник воситаларни қўлланиши.
6. Муаммоли баён қилиш.
7. Масалалар ечиш тафаккурини ўстириши.

Салбий:

1. Ахборотда янгиликлар камлиги.
2. Баён қилишнинг қовушмаслиги.
3. Баён қилишнинг сустлиги, қуруклиги.
4. Замонавий билимлар камлиги.
5. Масала ечилмаса тафаккур ривожланмайди.
6. Баён қилишда кўрсатмалилик ва техник воситалардан фойдаланмаслик.
7. Юзаки баён қилиш фикрлашга мажбур этмайди.

XIII. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИ ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИХАТЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

Ижобий:

1. Маърузалардан таълим тарбия тўғрисида билим оламан.
2. Худди шу фан қизиқтиради.
3. Маърузалардан бир талай янгиликларни эшитаман.
4. Маъруза жонли, кизиқарли, жўшқин ўқилади.
5. Маърузалар ҳаёт ва турли муаммолар билан боғлиқ.
6. Семинар ва лаборатория машғулотлари мени кизиқтиради.
7. Яна нималар дейишингиз мумкин.

Салбий:

1. Маърузалардан ҳеч қандай билим олмайман.
2. Бу фан ҳеч қизиқтирмайди.
3. Унда янгиликлар кам.
4. Маъруза қуруқ.
5. Ҳаёт билан алоқаси жуда кам.
6. Семинар ўтказиш мени қониқтирмайди.
7. Яна нималар дейишингиз мумкин.

XIV. МАШҒУЛОТДАН ТАШҚАРИ ВАҚТЛАРДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ҚАЙСИ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАСИЗ?

1. Муסיқа ансамблида қатнашаман.
2. Театр жамоасида иштирок қиламан.
3. Бадиий сўз устаси студиясида шуғулланаман.
4. Рақс тўғарагида.

5. Спорт сексиясида.
 6. Талабалар илмий жамиятида.
 7. Фаолиятнинг бошқа қандай турларида қатнашасиз?
- XVI. МАКТАБДА ҚАНДАЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРГАНСИЗ?**
1. Синф бошлиғи.
 2. Таҳрир хайъати.
 3. Етакчи.
 4. Ўзлаштирмайдиган ўқувчиларга ёрдамчи.
 5. Спорт секциясининг бошлиғи.
 6. Ўқув кенгашининг аъзоси.
 7. Яна қандай ишларни бажаргансиз?

- XП. ИНСТИТУТДА ҚАНДАЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРЯПСИЗ?**
1. Ёшлар уюшмаси кенгашининг аъзоси.
 2. Гуруҳ бошлиғи.
 3. Таҳрир ҳайъати аъзоси.
 4. Жамоатчи тренер.
 5. Тўғарак қатнашчиси.
 6. Яна қандай жамоат ишларини бажаряпсиз?

Юқоридаги топшириқларни бажаришнинг сифати, маъноси ва тўлиқлигини (экспериментчи) баҳолайди. Барча саволларга тўлиқ маъноли жавоб берган талабаларга юқори балл берилади.

Талаба шахсининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини текшириш учун берилган жадвалларни баллари қуйдагича аниқланади.

- 1 - жадвал: 30–40 балгача - аъло; 20–30 балгача – яхши; 1–20 балгача – ўрта.
- 2 – жадвал: 35–50 балгача – аъло; 15–30 балгача – яхши; 1–15 балгача – ўрта.
- 3 жадвал: 70–110 балгача – аъло; 40 – 70 балгача - яхши; 22 - 40 балгача - ўрта.

Педагогика ва психология фанида шахснинг характери, хусусиятларини, фазилатларини бошқаларга муносабатини ўрганган ҳолда амалиётга тадбиқ этиш олий ўқув юртиларидаги таълим-тарбияни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТ № 2.

Фан: Педагогика.

Мавзу: Юксак маданиятlilik ва ахлоқий сифатларни тарбиялаш ва ўз касбига бўлган қизиқиш даражасини аниқлашнинг мезон ва даражалари.

Машғулот мақсади: талабаларни психологик, педагогик соҳаларда эгаллаган малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Таълимий мақсади: Машғулот жараёнида талабаларда таълим-тарбия билан бирга уларни шу касбларига ва унга қизиқиш даражасини ақлий жиҳатдан, мотив эҳтироси жиҳатдан, иродавий жиҳатдан, билими жиҳатдан уддабуронлик каби сифатларини шакллантириш.

Ривожлантириш ва тарбиявий мақсадлари: Талабаларни ҳаётда учрайдиган ижрочилик ва халоллик, интизомlilik, қийинчиликларни

ўзлаштирган билимлари, малакалари, маҳоратларини ишлатиб ва келгусида иш, ҳаёт фаолиятларида қўллашга ундаш.

Машғулот тури: лаборатория - амалий.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Ўтказиладиган жой - амалий хона.

Кўриладиган мисалалар: 1. Касбга йўналтиришни амалга ошириш йўллари ва шакллари. 2. Тавсия этилган материал асосида муайян талабанинг касбига қизиқишлигини аниқлаш. 3. Қўшимча адабиётлардан, газета ва журналлардан фойдаланган ҳолда педагогик қондаларни аниқлаш. 4. Берилган тўртта касбий, ахлоқий хислатларига қараб талабаларнинг касбига бўлган қизиқишларини жадвалдаги психо-педагогик хусусиятлар ёрдамида тўлдириш ва натижаларини аниқланг.

Дарсни жиҳозлаш. Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда мавзуга оид методик тавсиялар, тўлдириш учун жадвал.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма. Бу амалий лаборатория машғулотида талабалар тавсия этилган материаллар асосида муайян талаба (хоҳлаган ўртоғи, гуруҳдоши, курсдоши) нинг ўзи танлаган касбига қизиқишини аниқлаш лозим. Бунда улар берилган материаллардаги жадвалларда кўрсатилган, берилган маълумоларга кўра тўлдирилади.

Талабаларни касбга йўналтиришини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида амалий ва назарий ҳамда амалий таълимнинг энг қулай усуллари ва услубларини танлаш, яқка тартибда олиб бориладиган ишларни йўлга қўйиш аввало улар бўйсунадиган билим касбкорлик фаолиятининг асосий сифатлари ва жараёнларини касбий қизиқишининг тўртта жиҳати бўйича тегишли баллар билан ҳисобга олиш лозим.

8 – жадвал.

Ақлий жиҳатдан қуйдагилар назарда тутилиши лозим:

| Т/р | Ўқувчиларнинг исми, фамилияси | Ақлий жиҳатнинг мазмуни | | | | | Ўртача балл | Ақлий жиҳат- дан шакллан- ганлик кўрсаткичи |
|-----|-------------------------------------|-------------------------|----------------|-------------------------|--------------|--------------------------|----------------|--|
| | | Диқ- қат | Эслаб қолиш | Куза- тувчан- лик | Тушу -ниш | Ўқувчи қоби- лияти | | |
| | | | | | | | | |

1. Диққат шаклланишининг мезон ва даражаси:

а) талаба дарс давомида берилган вазифани, топшириқларни бажаришда алақсимаёди, батафсил ўрганишга интилади, бажарилаётган топшириқ бўйича саволлар беради – 3 балл;

б) дарсда талаба камдан-кам алақсийди, ўртоқлари билан кам гаплашади. Ўрганилаётган материал бўйича саволлар бермайди, адабиётлардан аҳён-аҳёнда фойдаланади- 2 балл;

в) талаба дарс вақтида кўп алақсиди, истамайгина бажаради, ўрганилаётган материал бўйича саволлар бермайди. Ўртоқлари билан кўп гаплашади ва уларни ҳам алақситади - 1 балл;

г) талаба дарсда ҳеч қандай вазифани бажармайди, лоқайд ва ўз ҳаёли билан банд - 0 балл;

2. Берилган вазифаларни бажариш усулларини эслаб қолиш ва фикрлаш даражалари.

а) талаба бир ўқиб чиқишдаёқ вазифанинг мақсадларини бажаришини, бажариш тартибини эслаб қолади. Анча вақт ўтгандан кейин ҳам уларни қайта бажариш имкониятиги эга - 3 балл;

б) талаба бажариладиган вазифани мазмунини тушуниб эслаб қолади. Орадан анча вақт ўтгач уни қайтадан бажаришга бир мунча қийналади - 2 балл;

в) талаба керакли маълумотларни қийналиб, бир неча марта такрорлагандан кейин эслаб қолади - 1 балл;

г) талаба керакли маълумотларни бир неча марта такрорлагандан кейин эслаб қолади. Орадан бироз ўтгандан кейин уларни қайта эслаб олмайди - 0 балл.

3. Муаммо, муаммоли вазиятлар иш моҳиятини тушунишнинг мезон ва даражалари:

а) талаба муаммоли саволларга тез ва йўналтирувчи маълумотларсиз тўғри жавоб беради. Мавзуга оид масалаларни бировнинг ёрдамисиз тўғри ҳал қилади. Таълим-тарбия усулларини онгли равишда қўллайди - 3 балл;

б) талаба муаммоли масалаларни муҳокама қилишда фаол қатнашади, лекин ҳар доим ҳам тўғри фикрни айта олмайди. Тарбия усулларини ўзлаштиришда ўқитувчиларнинг тузатиши ва ёрдамига эҳтиёжман бўлади - 2 балл;

в) талаба муаммоли масалаларни муҳокама қилишда қатнашади. Муаммоларни счиш масалаларига оид кўп савол беради. Кўпинча вазифаларни мустақил ҳолда бажара олмайди - 1 балл;

г) талаба муаммоли масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилишда қатнашмайди. Топшириқларни бажара олмайди - 0 балл.

1. Амалий, лаборатория машғулот иштироки даврида кузатувчанликнинг мезон ва даражаси:

а) талаба ўқитувчи топширган вазифани тез ва хатосиз бажаради. Яхши ўзлаштиради - 3 балл;

б) талаба вазифани бажаришда қайтадан тушунтиришга эҳтиёжман бўлади - 2 балл;

в) талаба вазифани бажаришда бир неча марта тушунтирилгандан кейингина ўзлаштиради - 1 балл;

г) талаба асосий вазифани мустақил ҳолда ўзлаштира олмайди, бажаришда хатога йўл қўяди - 0 балл.

2. Ўқув қобилиятлари ривожланишининг мезон ва даражалари:

а) талаба касбий билим ва кўникмаларни тез ва фаол ўзлаштиради. Изланиш фаолияти билан мустақил шуғуллана олади ва ижодий йусинда вазифаларни ҳал қила олади - 3 балл;

б) талаба касбий билимларни тез ва фаол ўзлаштиради, ишлаш фаолияти билан мустақил шуғуллана олади - 2 балл;

в) талаба материалларни ўзлаштиради, лекин уни амалда қўллай олмайди - 1 балл;

г) талаба дарслик, қўлланма бўйича тегишли материалларни мустақил ҳолда ўзлаштира олмайди - 0 балл.

Эслатма:

Ақлий жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйидаги ҳарфлар билан ифодаланади.

Ю – юқори (12-15 баллгача):

Ў – ўртача (6- 11 баллгача):

П – паст (6 – баллгача).

9 - жадвал.

П. Мотив – эҳтироси жиҳатидан қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

| Т/р | Ўқувчиларнинг исми, фамилияси | Мотив-эҳтиросли жиҳатлари | | | | Ўртача балл | Ақлий жиҳат- дан шакллан- ганлик кўрсаткичи |
|-----|-------------------------------------|---------------------------|---|--|---|----------------|--|
| | | Ишга бери- лиши | Вазифани сифатли бажариш- га инти- лиши | Билим ва малакала- рини тако- миллашти- ришга интилиш | Ўқув вази- фаси- дан қа- ноат- ланиш | | |
| | | | | | | | |

1. Ишни бажариш мезони ва даражаси:

а) талаба бутун дарс мобайнида вазифани бажариш билан банд бўлади. Ишидан алақситадиган нарсага эътибор бермайди. Унга ишда танаффус қилиш кераклигини айтишга тўғри келади - 3 балл;

б) талаба баъзи ҳоллардагина ўртоқлари билан гаплашади, бошқа машғулотга ўтади, лекин унинг ҳайёли ишда бўлади- 2 балл;

в) талаба унча ишга қизиқмайди, тез-тез алақсийди, ўртоқлари билан гапга тушиб кетади - 1 балл;

г) талаба ўзи яхши ишламайди ва бошқаларни ҳам ишдан қолдиради - 0 балл.

2. Вазифаларни сифатли бажаришга интилишнинг мезон ва даражаси:

а) талаба ўз ҳақидаги фикрларни ва ўз гуруҳининг шарафини оқлашга ҳаракат қилади. Ўзини-ўзи назорат қилишга тиришади. Яхши бажариши учун маънавий рағбатлантиришни юксак қадрлайди - 3 балл;

б) талаба ўз ишини юқори сифатли бажаришга интилади, лекин унда жамoa учун маъсулият ҳисси етарли ривожланган – 2 балл;

в) талаба турли сабабларга кўра ишнинг сифати учун масъулиятни старли даражада сезмайди - 1 балл;

г) талаба бажармайдиган вазифанинг сифатига бсфарқ қарамайди – 0 балл.

3. Ўзининг билим ва малакаларини такомиллаштиришга интилиш мезон ва даражаси.

а) талаба доимо кўшимча адабиётларни ўқийди, дарсни мустақил равишда ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Вазифани тез ва сифатли бажаришини ўзлаштириб олгунча хотиржам бўлмайди – 3 балл;

б) талаба зарур билим ва кўникмаларни тезроқ ўзлаштиришга тиришади, лекин ўқув дастурларининг доирасидан чиқмайди ва ортиқча фаоллик кўрсатмайди – 2 балл;

в) талаба вақти–вақтида қандайдир вазиятлар сабабли янги билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади - 1 балл;

г) талаба яна шу йўналишда ташаббуссиз ва лоқайд - 0 балл.

4. Ўқув вазифасидан қановатланишнинг мезон ва даражаси:

а) талаба учун дарсда бажариладиган ишда муваффақиятга эришиш жуда муҳимдир. Унда ўқитувчи мақтови ва яхши баҳоси чуқур мамнунликни вужудга келтиради - 3 балл;

б) талаба ўқитувчининг мақтовига сазовор бўлиши ва яхши баҳо олиш учун интилади, лекин бунда дарс жараёни ва унинг натижалари ҳамма вақт қониқиш манбаи бўлавермайди - 2 балл;

в) талаба учун дарс жараёни ва унинг натижалари қизиқтирмайди, ўқитувчининг танбеҳини эшитмаслик учун ўқийди - 1 балл;

г) талаба дарсда бажариладиган ишга салбий муносабатда бўлади, ҳамма ишни мажбуран бажаради. Уни дарс натижалари қизиқтирмайди - 0 балл.

Эслатма:

Мотив–эҳтиросли жиҳатнинг шаклланганлик кўрсаткичи қуйидаги ҳарфлар билан ифодаланadi:

Ю – юкори (9 дан 12 баллгача).

Ў – ўрта (5 дан 8 баллгача).

П – паст (4 баллгача).

10 – жадвал.

III. Иродавий жиҳатдан қуйидагилар назарда тутилиши лозим.

| Т/р | Ўқувчиларнинг исми, фамилияси | Иродавий жиҳатлари | | | | Ўртача балл | Ақлий жиҳатдан шаклланганлик кўрсаткичи |
|-----|-------------------------------|--------------------|---------------------|---------------|--|-------------|---|
| | | Интизом | Ижрочилик, ҳалоллик | Ишга берилиши | Ишдаги қийинчиликларни енгишга тайёргарлик | | |
| | | | | | | | |

1. Интизомликнинг аниқлаш мезон ва даражаси:

а) талаба машгулотга кечикмайди, ҳеч қачон дарслардан ўзича кетиб қолмайди. Гуруҳ фаолларининг интизом ва тартибини яхшилаш борасидаги ишларида қатнашади - 3 балл;

б) талабанинг ўзи интизомли аммо, у гуруҳда интизомнинг бузилиш ҳолларига бефарқ қарамайди - 2 балл;

в) талаба баъзан машгулотга кечикади ва буни жиддий камчилик деб ҳисоблайди – 1 балл;

г) талаба кўпинча узрли сабабсиз машгулотга келмайди, танбеҳ ва суҳбатлар унга таъсир қилмайди - 0 балл.

2. Ижрочилик ва ҳаллолик мезон ва даражаси:

а) талаба ўқитувчининг барча топшириқларини ҳамда вазифаларини ўз вақтида бажаради. Дарс вақтида унинг ишини назорат қилишнинг хожати йўқ - 3 балл;

б) талаба уй вазифасини баъзан бажармайди, айрим ҳолларда уларни огоҳлантиришга тўғри келади. Унинг ишини назорат қилиб туриш зарур - 2 балл;

в) талаба уй топшириқларини бажаришга лоқайд қарайди. Ўқитувчининг танбеҳи ва кўрсатмаларига парво қилмайди, дарс мобайнида унинг ишини назорат қилиб туриш лозим - 1 балл;

г) талаба уй топширигини бажармайди. Дарс вақтида ўқитувчининг кўрсатмаларига қарамайди, бошқа ишлар билан шугулланади - 0 балл.

3. Ишга бериляшини аниқлаш мезон ва даражаси:

а) талаба топшириқни бажаришга шундай киришадикки, бажариб бўлгунча бошқа нарсаларга алақсимади – 3 балл;

б) талаба айрим ҳолларда ўртоқларининг таъсири билан фаолиятдан алақсийди - 2 балл;

в) талаба кўп алақсийди, бажараётган ишга жиддий муносабатда бўла олмайди - 1 балл;

г) талаба ишни мақсадга интилиб бажармайди, унга доим танбеҳ бериш ва ишини кузатиб бориш лозим - 0 балл.

4. Ишда қийинчиликларни енгишига тайёргарлик мезон ва даражаси:

а) талаба ҳар доим мураккаброқ топшириқни танлашга ҳаракат қилади. Мураккаб муаммони ҳал қилишдан ҳеч қачон бош тортмайди ва ана шундай муаммоларни чинакамига ҳал қилгунча улар устида ишлашни тўхтатмайди - 3 балл;

б) талаба мураккаб вазифаларни танламайди, лекин мажбуран танласа, муваффақиятга эришгунча ишлайди - 2 балл;

в) талаба муайян муаммоларни четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Қийинчиликларга дуч келса, ожизлик қилади ва уларни бировнинг ёрдамисиз бартараф эта олмайди - 1 балл;

г) талаба ҳатто озгина ҳаракат ҳам қилиб кўрмайди – 0 балл.

Эслатма:

Иродавий жиҳатдан шаклланганлик кўрсаткичи харфлар билан ифодаланади.

Ю - юкори (9 дан 12 баллгача).

Ў – ўрта (5 дан 8 баллгача).

П – паст (4 баллгача).

11 – жадвал.

IV. Билим-касбий жиҳатдан қуйидагилар назарда тутилиши лозим.

| Т/р | Ўқувчиларнинг исми, фамилияси | Иродавий жиҳатлари | | | | Ўртача балл | Ақлий жиҳатдан шаклланганлик кўрсаткичи |
|-----|-------------------------------|--|---------------------------|--------------------------|-------------------------|-------------|---|
| | | Назарий асослар қондаларини билишга қизиқиши | Билимни амалда қўлай олиш | Бажарилган ишнинг сифати | Ҳавфсизликка риоя қилиш | | |
| | | | | | | | |

1. Таълим объектининг назарий мақсадларини билишга қизиқишнинг мезон ва даражаси:

а) талаба дарс жараёнини яхши ўзлаштирган, муаммоли масалаларни ташкил этиш мантиқий, изчил мулоҳазаларда вазифаларни бажаришда кўринади - 3 балл;

б) талаба берилган топшириқларни яхши эслаб қолган, аммо тушунтиришга қийналади - 2 балл;

в) талаба у ёки бу усулларни қай тарзда амалиётга қўллашни била олмайди, фақат уни ифодалай олади – 1 балл;

г) талаба дарс жараёнининг моҳиятини билмайди - 0 балл.

2. Билимни амалда қўллаш кўникмасини мезон ва даражаси:

а) талаба дарс жараёнининг моҳиятини билади, мустақил вазифани ажара олади - 3 балл;

б) талаба дарс жараёнининг шунингдек, моҳиятини билади, лекин тайёргарликлардан кейингина бажара олади - 2 балл;

в) талаба дарс жараёнининг моҳиятини билади, лекин амалий кўникмаларни тайёргарликдан кейингина ўзлаштиради - 1 балл;

г) талаба ўзининг назарий билимларини амалий ишга қўлай олмайди, доимо ёрдамга эҳтиёж бўлади - 0 балл;

3. Бажарилган ишлар мезон ва даражаси:

а) талаба амалий ишда ўзини ўзи назорат қилиш малакаларига эга - 3 балл;

б) талаба ишда хатоларга йўл қўяди ва хатоларни тузатиб топширади - 2 балл;

в) талаба ишда хатоларга шошилишдан йўл қўяди - 1 балл;

г) талаба ўзини ўзи назорат қилиш малакасига эга эмас - 0 балл.

4. Меҳнат ҳавфсизлиги қондаларига риоя қилишнинг мезон ва даражаси:

а) талаба меҳнат ҳавфсизлиги йўриқномасини яхши эслайди ва шунга амал қилади - 3 балл;

б) талаба баъзан алақсийди ва меҳнат ҳавфсизлиги қондасига риоя қилмайди - 2 балл;

в) талаба кўпинча меҳнат ҳавфсизлиги қондаларини бажаришга эътибор бермайди - 1 балл;

г) талаба доим меҳнат ҳавфсизлиги қондаларини бузади - 0 балл.

Эслатма:

Ю - юқори (13-15 баллгача)

Ў – ўрта (5 дан 12 баллгача).

П- паст (4 баллгача).

Мавзуга оид таянч тушунчалар:

Билим, малака, кўникма, даража, мезон, ҳавфсизлик қондалари, касб, диққат, қобилият, ақлий тарбия, таълим усуллари, интизом, ирода, ижрочилик, ҳалоллик, касбий билим, касбий малака, таълим, тарбия.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 3.

Фан: Педагогика.

***Мавзу: Маънавий маданиятнинг шакллантириш мавзусига оид
жамоат жойларида ўзини тутиш маданияти***

Машғулот мақсади: Талабаларда жамоат жойларида ўзини тутиш, ўзини хулқи, одоби, маданияти билан бошқаларга намуна бўла олиш маданиятини эгаллаш, адолатпарварлик, ватанпарварлик, теран ақл-идроқлилиқ каби маънавий сифатларни тарбиялаш.

Тарбиявий мақсади: Тарбия беришда фақатгина панду насихатлар эмас, балки таълим жараёнида, ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамият ва давлат ўзлигини англаган, ватанпарварлик туйғуси билан, ахлоқий сифатлари билан, миллат ва халқ манфаатлари, ақлий, маданий, иқтисодий равнақи учун маъсулиятли, руҳий соғлом, умуминсоний ва миллий хулқ-атвор нормаларини ўз онги ва фаолиятида мужассам этган маънавий маданиятли шахсни тарбиялаб етиштиришни талабалар онгига сингдириш.

Таълимий мақсади. Бунга Х.Х.Ниёзийнинг шундай фикри ўринлидир: Бола тарбиясини баҳолаб, “аввало уларнинг хулқи намунали, қусурсиз бўлмоғи, улар юксак ахлоқий сифатларга эга бўлишлари зарур. Агар фарзанд ёмон, тарбиясиз бўлса, бунга фақат ота-онани ўзи сабабчи эканлигини” айтади.

Риволантириш мақсади. Машғулот жараёнида талабаларнинг ахлоқий сифатларини, жамоат жойларида ўзини тутиш маданиятини, таълим-

тарбияга оид панду насихатларга амал қилишни билиш қобилиятларини шакллантириш.

Машғулот тури- амалий.

Ажратилган вақт- 2 соат.

Ўтказиладиган жой – фанлар бўйича амалий хона.

Машғулотни жиҳози – 1. Микрофильм “Жамоат жойларида ўзини қандай тутмоқ лозим”. 2. Ўқитишни техник воситаларидан - ЛЭТИ киноаппарати. 3. Кодоскоп. 4. Кадрлар бўйича ишлаб чиқилган расмлар. 5. Мавзуга, фанга тааллуқли адабиётлар: 1. Муаллифлар п.ф.н. доц. М.С. Якорсон ва доц. М.Н. Зеленецкий. 2. К. Маҳмудов “Меҳмоннома”. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989.

Асосий масалалар:

1. Берилган топшириқлар билан танишиб чиқиш.
2. Муаммоли ва чигал вазиятларни таҳлил қилиш ва гаққослаш.
3. Расмлардан келиб чиққан ҳолда берилган саволларга аниқ, чиройли жавоблар ёзиш.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Бу амалий машғулот талабалар учун анча мураккаб бўлиб, уларнинг кўпчилиги тез, тўлиқ ва аниқ жавобларни бера олмайдилар. Чунки, улар бу нарсаларни кўриб, билиб юрган бўлсаларда лекин, фикрларини бир жойга тўплаб айгишга, қозога туширишга ва жавоб беришга қийналадилар. Машғулот бошида ўқитувчи талабаларга бир неча мавзу бўйича саволлар бериб, уларни шу дарсга доир бошланғич билимларини аниқлайди. Сўнгра 2 тадан мавзуга оид “Жамоат жойларида ўзини қандай тутиш лозим” деган микрофильм кадрларидан чиққан расмларни тарқатиб чиқадиладар.

Ўқитувчи талабаларга қарата: расмни мазмунини пайқаб, тушуниб олинг, муаммоли ва чигал вазиятларни ойдинлаштиринг, ўзбек халқ миллий урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан таққосланг, хулосалар килинг. Бу расмлар нималар ҳақида эканлиги ва сизлар уларга нисбатан нималар дея оласизлар? – дейди. Шундан сўнг талабалар олган расмлари устида ишлайдилар ва берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиладилар. Бунда уларнинг шиорлари: “Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлмоғи лозим: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам ҳамда фикри ҳам” -А.Н.Чехов. Талабалар билимлари дарс охирида балли тизимда ўқитувчи томонидан баҳоланади.

Кадрдаги расмлар қуйидагича берилади:

1. **Қуришиш, саломлашиш, сўрашиш, илтифот ва хайр-хуш тўғрисида**

(23-расм)

Одатда ким биринчи бўлиб салом беради.

Эй сипехрида сибдатмоҳи табон ассалом


Баҳрда олий насаблиқ дурри ғалтон ассалом

Саломлашиш - одобийликнинг олий белгисидир. Саломлашиш, кўришиш, сўрашиш инсонга хос бўлган ажойиб фазилаг, одамийликнинг кўрки, асрлар давомида таркиб топган ва кишиларнинг ўзаро алоқаларидаги тамойилларни ва ахлоқий қиёфаларидаги нормаларни ифодалайдиган белги ҳисобланади.

Савол: Ким биринчи бўлиб салом беради? (24-расм). Қўл олиб кўришиш тарихи ибтидоий уруғчилик даврида келиб чиққанлигини этнограф, археолог олимлар бундай талқин қилишади. Яъни ибтидоий одамлар бир-бирларига дуч келганларида: “Мен сени ўлдирмоқчи эмасман, мана қара, қўлимда тошим йўқ”, дегандай бир-бирининг қўлини ушлаб қўйишаркан. Қўл қисиб саломлашиш ўшандан бери мерос бўлиб, дунёдаги барча халқларга хос одат тусига айланиб келган.



23-расм



24-расм

Савол: Саломлашишда ким биринчи бўлиб қўл узатади: қиз бола ўғил болагами ёки ўғил бола қиз болагами (аёл киши эркакгами ёки эркак киши аёлгами)? **Вазифа:** Салом ҳам – фарз, алик ҳам – фарз. Ақл билан одоб эгизак деган маколларни таърифлаб маъносини айтиб беринг?.

Савол: Саломлашишнинг қандай турлари мавжуд?.

2. Меҳмонга борганда совға-салом олиб бориш хусусида. Совғага ҳурмат билан қараш лозим. (25-расм)

Одамлар бир-бирлариникига ташриф буюрганларида ўртада нарса олди-берди қилмасдан иложи йўқ. Бу одат фақат ўзбеклардагина эмас, кўпчилик халқларда бор. Халқимизнинг бу одатини қоралаш, танқид қилиш расм бўлиб қолган. Тўйга, меҳмонга борганда совға олиб бориш аслида ёмон одат эмас, чунки бу мезбонга ёрдам, мадад беради. Аслида совға буюб-этиборлиликни, дўстликни, қувончни, миннатдорликни, табрикни, ҳурматни ва эҳтиромни ифодалайдиган бир нарсадир. Шу туйгуларни сўз билан ҳам ифодалаш мумкин, лекин совгани ўрни бошқача.



25-расм

Савол: Совғаларни қандай турлари бор? (26-расм) “Меҳмон жабрчи бўлса, мезбон сабрчи бўлсин”, “Меҳмоннинг оз ўтирар, кўп кўрар” мақолларини таърифлаб, жавоб беринг.



26-расм

4. Меҳмонга айtilган вақтдан олдин борсанг сени нималар кутади? (27-расм)

“Чақирилган жойдан қолма, чақирмаган жойга борма”. Меҳмон чақирилгандан кейин уй- жойларни озода, сарамжон ҳолга келтириш билан бирга мезбон ҳам янги ёки тоза уст-бош кийиб олиши яхши. Меҳмонлар келадиган вақтда дарвоза очиқ туриши керак. Меҳмонларни эшик олдида самимият ва очиккўнгиллик билан кутиб олиш лозим.

Савол: Меҳмон таклиф қилинган вақтдан неча дақиқалар олдин бориши керак?

Савол: Меҳмонни қандай тоифалари бор?



27-расм

4. Меҳмонларни стол атрофига қандай жойлаштириш лозим? (28-расм)

Бу жуда нозик ва маъсулиятли иш бўлиб, кишидан гоҳда сергаклик ва ҳурмат жоизликни талаб қилади¹. Дастурхон атрофига меҳмонларни тутган мавкейга қараб ўтқазилади. Шу нарсани жой-жойида ташкил этган мезбон асосий, энг ҳурматли меҳмоннинг чап томонидан ёки столнинг қарама-қарши томонидан бир-бирига қараб ўтирадиган қилиб жой олади.



28-расм

Савол: Расмда ўтирганларни жойлари тўғри танланганми? (29-расм)

Савол: Столда ўтириш қондаларига амал қилиш деганда нимани тушунасиз? “Жойинг қапа бўлса ҳам, чойинг қуюқ бўлсин” мақолини таҳлил қилиб беринг?



29-расм

5. Ҳар бир меҳмонга алоҳида овқатланиш анжومي. (30-расм)

Овқатланиш эстетикаси, турмуш эстетикасининг бир қисмидир. Дастурхон тузаганда ҳар бир меҳмон учун унинг стули тўғрисида алоҳида ликопча, вилка, қошиқ, пичоқ, қўл салфеткаси қўйилади. Лекин, туз, мурч, сирка солинган идишлар дастурхоннинг кўринарли жойида ҳаммага битта қўйилади. Хуллас, дастурхонга ҳар бир кишига биттадан шундай қўйинки, улар қўйилган таомларни бемалол ея олсинлар.



30-расм

Савол: Вилка, қошиқ, пичоқлар қўйилган ликопчаларнинг қайси томонларида туради?

Савол: Овқатланиш маданияти деганда нимани тушунасиз?

Савол: Ўзбек миллати меҳмонларни кўпинча қай ҳолатда (дастурхонни пастга тўшаган ҳолдами, хонтахта атрофига кўрпачалар тўшаган ҳолдами) кутиб оладилар?

Фойдаланиладиган адабиётлар: 1. Кременцова О. Умей себя вести. Ташкент: “Ёш гвардия”, 1972. 2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. 3. Усмонов М. Одобнома. 1-қисм. Тошкент, 1991. 4. Усмонов М. Яхши фазилат инсонга зийнат. 2-қисм. Тошкент, 1992. 5. Маҳмудов К.

¹ Маҳмудов К. Меҳмоннома. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989. 162-168 -бет.

Махмудов К. Меҳмоннома. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1989. 6. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.

Мустақил таълим.

1-Вазифа. Бир гуруҳ талабалар “шуҳратпарастлик” ва “манманлик” сўзларининг мазмуни бир хил ёки бошқача-бошқача эканлиги тўғрисида баҳслашиб қолишди. Нима учун талабалар бу масалани тушуниб олишлари қийин? Ўқитувчи талабаларга бу икки тушунчани тушунтириш, маъносини англаб, аниқлаб олиш учун, кейин эса ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш учун қандай йўллардан фойдаланиши мумкин?

2-Вазифа. “Унинг виждони тоза!”, “Бу виждонсиз киши!”, “ Бу ишни қилишга менинг виждоним қўймайди!”, деган гапларни сиз қандай тушунасиз? Виждоннинг киши ахлоқий тарбиясига қандайдир алоқаси борми? Бу қандай алоқа?

Мавзу бўйича таянч иборалар: Одоб, ахлоқ, маънавият, маданият, муомала, эстетик тарбия, микрофильм, тарбиянинг таркибий қисмлари, шахснинг ахлоқий сифатлари.

АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ № 3.

Фан: Педагогика.

Мавзу: *Билим юртларида (касб-ҳунар коллежларида) тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш.*

Машғулотнинг мақсади: Билим юртларида ташкил этиладиган тарбиявий ишлар жамоа ёшларни меҳнатга, турмушга фаол иштирок этишга тайёрлашга даъват этади. Шу билан бирга ҳаётни бутун тўлалигини, жамоа аъзоси эканлигини, унинг барча таъсирлари бойлигини ўзида ҳис этиш туйғусини шакллантиради.

Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларни маънавий-маърифий, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ шакланган кишилар қилиб тарбиялаш ва ҳаётидаги тарбиявий фаолиятини тўлдириш, шу билан бирга уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашиш.

Таълимий мақсади: Ўқувчиларни дарсдан бўш вақтлардаги ўқув тарбия жараёнини тўлдириш ва кенгайтириш; мустақил билим олишларини, ижодий қобилиятларини, ташаббускорликларини оширишга имконият яратиш.

Ривожлантириш мақсади: Талабаларда ўзларига ишонч, педагогик фикрни уйғотиш, мустақил иш режалари тузишга ундаш каби малакаларни шакллантириш.

: **Дарс тури** – лаборатория.

Ажратилган вақт – 6 соат.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ўтказиладиган ишлар бўйича мавзулар рўйхаги; ўқитувчининг, гуруҳ раҳбарларининг ўзи тузиб чиққан тарбиявий иш режаси; маънавий-маърифий ишлар бўйича тузилган иш режаси.

Асосий масалалар:

1. Билим юр்தларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш.
2. Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни таҳлил қилиш.
3. Тарбиявий ишларни ташкилотчисининг асосий вазифаларини аниқлаш.
4. Битта тарбиявий тадбирнинг ўтказиш методикасини таҳлил қилиш.

Машғулот ўтказиш учун методик кўрсатма:

Бу амалий лаборатория машғулотида талабалар 2 курс педагогик амалиёт даврида лицей ва касб-ҳунар коллежларида танишиб келган тарбиявий тадбирлар ва тарбиявий ишларни ўтказиш ва таҳлил қилиш билим ва малакаларини ишга солган ҳолда ўзлари тарбиявий иш режасини тузадилар ва тарбиявий тадбирларни ўтказишни битта танланган мавзу бўйича таҳлил қиладилар. Машғулот охирида ўқитувчи томонидан бажарилган ишлари бўйича текширилиб балли системада баҳоланадилар.

Академик лицей, лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ташкилий шакллари, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Бу муаммони ижобий ҳал этиш учун тарбиявий ишлар тизимида қуйидагилар бўлиши лозим:

- улғаетган инсон шахсини тарбиялашда олий-ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқуқни эътиборда тутиш зарур;
- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;
- педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш.

Билим юр்தларида дарс жараёнида ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда жумладан, турли кўринишлардаги тўғарақларда фан ўқитувчилари ўз фашига қизиққан ўқувчилар билан машғулот ўтказиб, ўқувчиларнинг қизиқишларини ўстиради. Дарсдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўғарақлар бир неча хилда бўлади:

- а) фан тўғарақлари;
- б) моҳир қўллар тўғарақлари;
- в) дурадгорлик тўғарақлари;
- г) спорт тўғарақлари;
- д) бадий ҳаваскорлик тўғарақлари ва ҳоказо.

Бу тўғарақлар ўқувчиларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Булар ўқувчиларнинг дунёқарашларини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларини амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Тарбиявий ишларда қуйидаги иш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. ***Оғзаки иш усуллари.*** Турли ахборотлар, мажлислар, эрталабки йиғинлар, маърузалар, китобхонлар конференциялари, мунозаралар, учрашувлар, оғзаки газеталар, радиожурналлар.

2. **Амалий иш олиб бориш усуллари.** Турли жойларга саёхатлар, спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фаолияти, ёш табиатшунослар тўғарақлари, шанбаликлар.

3. **Кўргазмалар иш усуллари.** Билим юрти музейлари, янги китоблар кўргазмалари,

Дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни таҳлил қилиш намунаси:

Тадбир тури: Сухбат, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, КВН, саёхат, анжуман ва бошқалар.

1. Тадбир мақсади: қандай меъёردа тарбия масаласини амалга оширишга имкон беради ва қандай тарбиявий масалаларни ечиш кўзда тутилмоқда, ўқув ишлари билан боғлиқлиги, тадбирларнинг педагогик асослари ва у нима учун ўтказилапти?

2. Тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари: ўқитувчи ва ўқувчилар ташаббуси, режа тузилиши, хонани жиҳозлаш, ўқувчиларнинг тадбирларга қатнашишига тайёргарлиги.

3. Тадбирнинг ўтказилиши:

- вақтида бошланиши, қатнашувчилар сони, ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиниши, тадбир тугаши ва унинг давомийлиги;
- тадбирнинг мазмуни ва бориши, уни касб-хунар коллежи иши билан бирлиги, ўқувчиларни асосий касб йўналишида тарбиялаш;
- тадбирнинг охирида ишга яқун ясаш ва хулоса қилиш ҳамда кейинги ишлар дастурини белгилаш.

4. Хулосалар.

- режани бажарилиши;
- ўқувчиларнинг тадбир вақтида ўзларини тугиши, фаоллиги, тадбирга қизиқиши;
- дарсдан ташқари ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

Дарс жараёнида эса тарбиявий ишларни биз кўпинча ўтилган дарсларнинг таҳлили натижаларида кўришимиз мумкин. Дарсни таҳлил қилиш учун эса аввало фанлар бўйича дарсга кириш тавсия этилади. Дарсларга кириш ва таҳлил қилиш - бу таълим-тарбиявий ишларни назорат қилишнинг асоси ҳисобланади. Касб-хунар коллежаларининг дарсларига киришлари уларга ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳақиқий аҳволи, педагог ходимларнинг муваффақият ва кмчиликлари билан танишиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида билим юртларида таълим-тарбиявий ишларни яхшилашга олиб келади ва ёрдам беради. Куйида биз талабаларга назарий ва амалий дарслар таҳлилининг намунасини келтирамыз. Талабалар бундан фойдаланган ҳолда ўзлари танлаган фанларига назарий ва амалий дарс таҳлилини ишлаб чиқадилар.

Уйга топшириқ.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ётоқхонадаги тарбиявий ишларини, турмушини ва бўш вақтни ташкил этиш хусусиятларини ёзиб, тушуниб келинг.

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Индивидуал ёндошиш, гуруҳ ўқувчиларининг хусусиятлари, гуруҳ раҳбарининг иш режаси, таълим методлари, дарс.



31 - расм. Назарий ўқитиш дарси умумий таҳлилининг схемаси.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Азларов С.П. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
4. Воспитательная работа в профессионально-технических учебных заведениях. М., 1981.
5. Иванов В.Д., Фокин В.А. Работа ученических общественных организаций в учебной группе. М., 1985.
6. Макиенко Н.И. Хунар-техника билим юртларида педагогик процесс. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979.

Мустақил таълим

1-вазифа. Касб-ҳунар коллежи, оила ва жамоатчиликнинг тарбиявий таъсирини мувофиқлаштириш вазифалари.

2-вазифа. Гуруҳ раҳбарининг гуруҳ билан олиб борадиган яқка тартибдаги тарбиявий иш шакллари нималардан иборат?

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ №.6.

Мавзу: Таълим беришнинг қонуниятлари ва тамойиллари (принциплари)

Ажратилган вақт - 6 соат.

Семинар машғулот мақсади: Ўқитиш принцип (тамойил) лари бу ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар билиш фаолиятининг хусусиятини белгилайдиган асосий қоидадир. Талабаларни тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қоидаларни, қонуниятларни аниқлаш. Ёш авлодни нимага ўқитиш ва қандай ўқитиш каби саволларига жавоб беришдан иборат. Шу билан бирга талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилишини, тегишли билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишни, асосий қонун ва йўл-йўриқларни ўрганишни, ўқитишни муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишни ўргатади.

Машғулот режаси:

1. Таълим қонуниятлари ва қоидалари.
2. Таълим мазмунининг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили.
3. Таълимда онглик, фаоллик ва мустақиллик тамойили.
4. Таълимнинг кўрсатмалилик тамойили.
5. Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили.
6. Касбларга йўналтириш тамойили.
7. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш тамойили.
8. Таълимда илмий бўлиш тамойили.
9. Таълим-тарбиянинг бирлиги тамойили.
10. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш тамойили.
11. Таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустақкам ўзлаштириш тамойили.
12. Таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили.
13. Фанлараро комплекс алоқалар тамойили.
14. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тамойили.
15. Таълим мазмунини танлашда устувор ва ўзгарувчан (динамик) қисмларга бўлиб танлаш тамойили.
16. Мунтазамлилик ва давомийлик тамойили.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон геракқистининг пойдевори. Тошкен, 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Тошкент, 1999.
3. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, 1999.
4. “Маънавият ва маърифат” ижтимоий марказларни ишларини такомиллаштириш ҳақидаги Фармони. Тошкент, 1996.
5. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.
6. Зуннунов С. Ўзбек педагогикаси тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997.
7. Юсупов Э. Маънавият асослари. Тошкент, 1998.
8. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993.
9. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1996.
10. А.Р. Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, 1992
11. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994.
12. Иброҳимов А. Ватан туйғуси. Тошкент, 1997.
13. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
14. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1970.
15. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аннотация ёзиш ва конспект қилиш.

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Тошкент, 1999.
3. Коменский Я.А. Буюк дидактика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1970.
4. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
5. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996 .
6. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.

Рефератлар учун мавзулар:

1. Дидактика тамойиллари педагогиканинг умумсоҳавий методологик асоси сифатида.
2. Таълим мазмунини тузилиш тамойиллари.
3. Педагогларга методологик асос бўлиб хизмат қилувчи дидактиканинг умумий тамойиллари.
4. Дидактика фани ва унинг вазифалари.

Адабиётлар:

1. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
2. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
5. Лында А.С. и др. Педагогика. М.; Высшая школа, 1973.
6. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Методик кўрсатма

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, “*Дидайко*” - ўқитиш, “*Дидаскол*” - ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан. “*Дидактика*” нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади.

Бу дунёда не-не доҳолар яшаб ўтмаган ... Сабоқларга бой ўтмишимизда Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бѐруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома бобоқолонларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар.

Шарқ халқлари педагогиканинг буюк алломаси Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билиш ўрганишга ундади. Билимлар ривожиди шарқнинг буюк мутафаккири Ал-Хоразмийнинг салмоқли ҳиссалари бор, албатта. Буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзган.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёнидан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди, дидактика ривожига буюк чех педагоги Ян Амос Коменский ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг “Буюк дидактика” асари ўқитишни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди ва муаллимларнинг доимий фойдаланиладиган адабиёти бўлиб қолди.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расули, Қори Ниёзий, О.Шарофиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи функционал боғланишдир.

Дидактиканинг тадқиқот олиб боришдан мақсади ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитилаётган фан, дидактик материаллар, дидактик тамойиллар орасидаги муносабатларнинг қонуниятларини аниқлаш.

Таълим мазмуни ҳам мажму бўлиб, таълим жараёнидаги ўзгача элементлар билан билвосита боғлиқ. Таълим мазмунини тузилиши қуйидаги тамойилларга асосланади: таълим мазмунининг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили; таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойили; таълимнинг кўрсатмалилик тамойили; таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили; касбларга йўналтириш тамойили; таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш тамойили; таълимда илмий бўлиш тамойили; таълим-тарбиянинг бирлиги тамойили; таълимда назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш тамойили; таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустақкам ўзлаштириш тамойили; таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили; фанлараро комплекс алоқалар тамойили; ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тамойили; таълим мазмунини танлашда устувор ва ўзгарувчан (динамик) қисмларга бўлиб танлаш тамойили; мунтазамлилик ва давомийлик тамойили.

Таълим мазмунинг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили - Президентимиз И.А.Каримов республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 5 та тамойилини белгилаб берган.

И.А.Каримов Олий Мажлис сессиясида фан, маданият арбоблари билан учрашувларда истиқлол мафкураси масалаларига тўхталиб, таълим-тарбия масалаларида биз умуминсоний қадриятларга асосланишимиз кераклигини уқтирдилар. Бу гоявий йўналиш биздан умуминсоний ижобий хислатларни шакллантириш йўналишида, яъни сиёсий партиялар таъсири халқ педагогикаси дурдоналари асосида юз беради, демакдир.

Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойили – ўқувчи билимларини ҳаётда қўллай олиши учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлаш жараёнига айлантириш керак. Шундай шароит яратилганда ўқувчида ижодий ташаббускорлик ва мустақил тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади.

Таълимнинг кўрсатмалilik тамойили – бу ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради, талабаларнинг билим олишларини осонлаштиради. Ўқитишнинг кўрсатмалilik шуни тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилишга боғлиқ ҳиссий-амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадilar.

Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили – таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш, биринчидан, маълум бир йўналиш бўйича мутахассис тайёрланаётганида уни бир неча тур модификациясини (хилларини) тайёрлаш имкониятини берувчи унификациялашган ўқув режаларни тузишни кўзда тутса, иккинчидан умумтехник ва умумпедагогик ва махсус предметлар мазмунини табақалаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши анъаналарини хисобга олади.

Касбларга йўналтириш тамойили - ўқув режадаги барча предметлар бўйича билимларнинг ўзи старли эмас. Чунки ёш мутахассис ўқишни битириб иш бошлагунча реал технологик жараёнда кўпгина ўзгаришлар рўй бериб бўлади. Шунинг учун ҳам таълим маъноси маълум билимларни кўзда тулади. Мутахассисда тезроқ билим ва кўникмаларни шакллантириш, касбий йўналтирилганлик куникмаларини тараққий эттириш кўзда тутилади ва ҳоказолар.

Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиш тамойили - таълимда изчиллика ривож қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирласин. Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган материалнинг ўқувчиларнинг олдинги ўзлаштирган илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган материални ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларни ўзлаштиришга замин яратилиши назарда тутилади.

Таълим-тарбиянинг бирлиги тамойили - таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

- баён қилинаётган ўқув материалнинг мазмуни ҳам гоёвий, ҳам илмий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;
- ўқитилаётган мазмуннинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиши;
- баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;
- таълимда муаммоли жараёни вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишлари, фаоллик ва ташаббускорликларини таъминлашга имкон яратиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламоқ зарур.

1-вазифа. Материални онгли равишда тушунтиришни ва ўқувчиларни дарсда билиш учун юксак даражада фаоллигини оширувчи шароитларни айтиб, тушунтириб беринг.

2- Вазифа. Билим, малака, кўникмаларнинг мустаҳкамлигига эришиш шароитлари қандай?

Мавзуга оид таянч иборалар:

Дидактика, таълим-тарбия, тамойил, принцип, қонда, қонунлар, унификациялаштириш, табақалаштириш, касбга йўналтириш, онглилик, кўрсатмалilik, узвийлик, малака, билим, кўникма.

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 7.

Мавзу: Дарс ва маърузаларнинг турлари.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Семинар машғулот мақсади: Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими ҳақидаги қонуни асосларида дарс ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли эканлигини уқтириш ҳамда ўқитишни такомиллаштиришнинг ҳозирги замон шароитида ҳамон етакчи аҳамиятга эга эканлигини тушунтиришдан иборат.

Машғулот режаси:

1. Дарс ва маърузалар турлари ва шакллари.
2. Дарс – ўқитишни ташкил этиш шакли сифатида.
3. Аралаш, янги материални эгаллаш, билимларни мустаҳкамлаш, билим, малака ва кўникмаларини текшириш дарсларининг тузилиши.
4. Дарсдан ташқари вақтдаги ўқув ишларнинг моҳияти ва шакллари.
5. Маърузаларнинг турлари ва тавсифномаси.

Адабиётлар:

1. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
2. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Турсунов И.Й, Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1999.
4. Мирсаидов К.Ж. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
5. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
6. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
7. Лында А.С. и др. Педагогика. М.; Высшая школа. 1973.
8. Мухамедов А. Маданий оқартув педагогикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аниқлаш ёзиш ва конспект қилиш.

1. Мирсаидов К.Ж. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
2. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.

Рефератлар учун мавзулар:

1. Ўқитиш жараёнини такомиллаштириладиган ҳозирги шароитларда дарсга нисбатан қўйиладиган талаблар.
2. Вазифа: Сиз дарсга кирдингиз. Талабалар ғала-ғовур қилишпти, илтифотсиз, паришонхотир ҳолда ўтиришибди. Улар дарсга сира ҳам тайёр эмаслар. Сиз нималар қилган ҳолда дарсдаги ўқувчиларни диққатини ўзингизга жалб қила оласиз? Мана шундай вазиятларни ечиш учун таълимнинг қандай усулларидан, принциплари (тамоийллари) дан фойдаланасиз? Шу муаммолар тўғрисида реферат ёзинг.

Адабиётлар:

1. Шчербаков А.И. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1991.
2. Мирсаидов К.Ж. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Методик кўрсатма.

Дарс - ўз олдига қўйилган аниқ мақсади ва тугал мазмундан иборат. Шу мақсад ва мазмун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, метод ва тузилиши бўлган, қатъий дарс жадвалига мувофиқ, ўқитувчи

раҳбарлигида, синф ўқувчиларининг ҳаммаси билан ёки ҳар бири билан индивидуал равишда ўтказиладиган илмий мулоқотнинг ташкилий шаклига айтилади. Дарс – ўқув били юртларида таълимнинг ташкилий шакли ҳисобланади. Ҳар бир дарс ўқув жараёнининг бир қисми бўлиб, билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг бир бутун мантиқий яқунланган босқичидир.

Ҳар бир дарс қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. **Мақсад ва мазмуннинг аниқлиги** - бу талаб дарснинг бутун ўқув материални ва унинг ҳар қайси қисмини тўғри танлаш билан амалга ошади.
2. **Таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлиги** - таълимнинг тарбиявий характери унинг объектив қонунияти ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитувчи ўқувчиларнинг касбий билимларини шакллантиришда ҳамма имкониятлардан фойдаланиши керак.
3. **Дарснинг ҳар қандай босқичида таълимнинг энг керакли методларини танлаш** - ўқитиш методини тўғри танлаш ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигини ва талабаларнинг энг юқори фаоллигини таъминлайди.
4. **Дарсда ўқувчиларнинг жамов ва яқка тартибдаги ишени тўғри қўшиб олиб бориш** - ўқитувчи дарс давомида бутун гуруҳ билан ишлашдан ташқари, талабаларнинг яқка тартибдаги топшириқлар бўйича мустақил ишлашини ҳам кенг жорий қилиши лозим.
5. **Дарсни самарали ташкил этиш** - бу талаб дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланишни, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсга яхши тайёрланишини, машғулотни янги техник жиҳозлар билан таъминланишини, унинг барча элементлари, структураси пухта тузилишини тақозо этади.

Дедактик мақсадлар бўйича дарснинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Янги билимларни ўрганиш дарси.
2. Умумий ёки аралаш дарс.
3. Билимларни мустаҳкамлаш дарси.
4. Ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларини синаш-текшириш дарси.
5. Муаммоли дарс.

Дарснинг мана шу асосий турлари структурасини қуйида келтираимиз:

1. **Янги билимларни ўрганиш дарси:** 1.Ташкилий қисм. 2.Янги ўқув материални баён қилиш ва мустаҳкамлаш. 3.Уйга топшириқ бериш. 4.Дарсни яқунлаш.
2. **Умумий ёки аралаш дарси:** 1.Ташкилий қисм. 2.Уйга берилган топшириқни текшириш. 3.Ўқувчилар билимини оғзаки (яқка тартибда, бир йўла ёки аралаш) тартибда текшириш. 4.Янги ўқув материални баён қилиш. 5.Янги ўқув материални мустаҳкамлаш. 6.Уйга топшириқ. 7.Дарсни яқунлаш.
3. **Билимларни мустаҳкамлаш дарси:** 1.Ташкилий қисм. 2.Уйга берилган топшириқни текшириш. 3.Ўқувчилардан сўраш, ўқув материални мустаҳкамлаш. 4.Уйга топшириқ бериш. 5.Дарсни яқунлаш.

4. **Ўқувчиларни билвм, малака ва кўникмаларини синаш-текшириш дарси.**
 1.Ташкилий қисм. 2.Ўқитувчининг топшириқни тушунтириши.
 3.Ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериш. 4.Ўқувчиларни топшириқни бажариши. 5.Бажарилган ишларни ўқитувчига топшириш. 6.Уйга топшириқ бериш. 7.Дарсни якунлаш.
5. **Муаммоли дарс :** 1.Ташкилий қисм. 2.Муаммони баён этиш. 3.Муаммони ҳал қилиш йўллари кўрсатиш ва ҳал қилиш. 4.Натижаларни муҳокама қилиш. 5.Ўқитувчининг изоҳлаши ва умумлаштириши. 6.Уйга топшириқ бериш. 7.Дарсни якунлаш.

Дарслар муваффақиятли ўтиши учун уни ташкил этиш бўйича ўқитувчи фаолиятнинг мақсадини аниқлаб олиши лозим. Дарснинг мақсади учта: таълимий (ўқитиш), тарбиявий ва ривожлантириш мақсадларига бўлинади.

Таълимий мақсадга умуман қуйидагилар киради: янги тушунчаларни шакллантириш; янги қонун, қонуният, хусусият ва белгиларни ўзлаштириши таъминлаш; янги ҳаракат усуллари ўргатиш; билимларга етишмовчиликларни бартараф этиш; малакаларни шакллантириш; маълум ҳаракат усуллари мустақамлаш; дунёқараш ғоялари ва муаммоларини аниқлаш.

Тарбиявий мақсад ўқувчиларда қуйидаги муайян шахс сифатлари ва характерини таркиб топтиришдан иборатдир; дунёқарашни ва касбга қизиқтиришни; ўз-ўзини текшириш ва ўзаро ёрдамни; фанлараро боғланишларни амалга ошириш кўникмаларини; нутқ маданиятини; меҳнатга онгли муносабатни; таълим олишга ижобий муносабатни; иш ўрнини ташкил этиш; эътиқодни.

Ривожлантириш мақсади - дарс жараёнида талабаларнинг психологик сифатларини диққат, хотира, тафаккур ва билиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Дарс, синф, таълим, дарс мақсадлари, муаммоли дарс, дарс структураси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 8.

Фан – Педагогика.

Мавзу: Муаммоли дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларни ҳар хил вазиятларга дуч келиб қолган вақтларда ҳеч қандай кийинчиликсиз бу муаммолардан чиқиш йўллари ўрганиш, уларнинг ўз фикрларини тўғри ҳал қилишга, ўз устида ишлашга ўргатиш ва ундаш.

Тарбиявий мақсади – мустақил фикрлаш тафаккурини шакллантириш.

Ривожлантириш мақсади – талабаларни педагогика фанидан амалий машғулотлар (муаммоли вазиятларни, масалаларни онгли равишда счишга ўргатиш.

Машгулот тури – амалий.

Ўқитиш методлари - амалий.

Ажратилган вақт – 4 соат.

Асосий масалалар.

1. Муаммоли вазиятларни мақсади ва вазифаси.
2. Муаммоли вазиятлар турлари.
3. Муаммоли машгулотларни тарбиявий аҳамияти.
4. Муаммоли вазиятларни тузиш ва таҳлил қилиш.

Машгулотни жиҳозлаш.

Кинофильмлар, адабиётлар, газета ва журналлар, ҳаётий тажрибалар.

Машгулотни ўтказиш бўйича методик кўрсатма.

Талабаларга муаммоли вазиятлар берилади. 10-15 дақиқа вақт берилиб, уларнинг тайёргарлик кўришлари ҳамда саволларга тўғри, аниқ жавоблар танлаш, фикрини мужассамлаштиришни текширади. Талабалар ҳар хил йўллар билан шу муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўйлайдилар. Шу билан бирга ўзлари дарс давомида муаммоли вазиятлар, масалалар, муаммолар тузадилар ва шулар орқали берилганлигига қараб балли тизимда баҳоланадилар. Бу усулдан фойдаланишда материални ўзлаштириш талаба тафаккурининг натижаси бўлади. Аммо ўқитувчилар шуни эсда тутишлари керакки, талабалар ўзларича ҳамма нарсани “кашф этишга” ва ўрганиб олишга қодир эмаслар. Улар ўқитувчи раҳбарлигида хулосалар чиқаради, қондаларни таърифлайди. Шу сабабли таълимнинг муаммоли методларидан фойдаланишда ҳам ўқитувчининг тушунтириши ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ўйга тошпириқ

1. Ҳар бир талаба 2-3 тадан муаммоли масалалар тузиб келиш.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Муаммоли вазиятлар, муаммоли масалалар, тарбия методлари, таълим методлари, педагогик фаолият, ўз-ўзини бошқариш.

Машгулот мавзуларининг қисқача мазмуни

1 - муаммоли вазият.

Педагогикани ўрганишда биз уни фан деймиз, шу билан бирга педагогикани санъат деймиз.

Педагогика фани деганда нимани тушунасиз ва педагогикани санъат деганда нимани тушунасиз? Мана шу назарий тушунчага рози бўлсангиз (ёки норози бўлсангиз) ўз фикрингизни исбот қилиб асослаб беринг.

2 – муаммоли вазият.

Ҳаётда доимо айниқса, ҳозир кийим-бош, соч-сокол муаммолари ўзгариб турибди. Атрофга қараб, айниқса, ёшлар бировларга таҳлил қилиб, модага тез берилади.

Шундай ўқитувчиларимиз ҳам бор. Модага сизнинг муносабатингиз қандай? Сиз ҳам мода тарафдоримисиз ёки эскичилик тарафдоримисиз? Сиз

шу масалани қандай ҳал қилар эдингиз? Ўқитувчи кийинининг аниқ модаси (формаси) борми?

3 – муаммоли вазият.

Ўқитувчи, олий маълумотли, ўз ишини яхши билади, тажрибали мутахассис ҳисобланади. Лекин баъзан атрофдагиларга номаълум сабаблар билан ўқувчиларга қўпол муомалада бўладилар. Бу устоз ўқув жараёнида ўқувчиларнинг билимини баҳолашда ўзининг шу кайфиятларига асосан паст баҳо қўяди. Бу унинг соғлиғига ҳам, обрўйига ҳам путур етказмайдами? Мана шу “огир характер” ми? Ўқитувчи, устозга сиз педагогика ва психология фанларини яхши билган маъмурий раҳбар қандай маслаҳат берасиз?

Буни тўғрилаб бўладими? Бундай ўқитувчини, мураббийни қайтадан тарбиялаш мумкинми? Йўл-йўриқ кўрғазиб, маслаҳат беринг.

4 – муаммоли вазият.

Сизнинг ўртоғингизни гуруҳ раҳбари қилиб сайладилар. Сизнинг вазифангиз мураббий, кафедра, факультетга тарбиявий ва ўқув жараёнига ёрдам бериш. Гуруҳда қарздорлар, интизом бузувчилар бор. Бу масалани қийин бўлишини аниқ биласиз. Кимларга таяниб, ишни олиб борасиз? Мураббийга нисбатан ўртоқларингизни сиз яхши биласиз. Сизга ёрдамчилар керак. Ёрдамчиларингиздаги қандай педагогик ва психологик хусусиятларни эътиборга оласиз?

5 – муаммоли вазият.

Одатда кўкламда ўқув юрти атрофини кўкламзор қилишда манзарали дарахтлар билан бир қаторда мевали дарахтлар ўтказилади. Сиз мураббий уста ёки гуруҳ раҳбарисиз. Талабаларингиз ўқишни тамом қилиш арафасида турибди. Маълумки мева дарахти камида уч йилдан кейин хосилга киради.

Бир бузгунчи талаба бу таклифга қарши чиқиб, ўқишни икки-уч ойдан кейин тамом қилиб кегиб қолишлари ва бу мевали дарахтларнинг маҳсулотларидан ўзлари эмас, бошқалар фойдаланишларини айтиб, бу ташаббусга қарши чиқади ва ҳаммани хайрли ишдан четлатади.

Шунинг учун ҳам қарама-қарши ҳар хил фикрлар келиб чиқиб, мунозара бошланди, талабаларда иккиланиш пайдо бўлди. Мана шу хайрли (балки бефойда) масалани ҳал қилишда тарбиянинг қандай усулларидан фойдаланасиз? Муаммоли вазиятни ечишни нимадан бошлайсиз?

6 – муаммоли вазият.

Сизнинг фикрингизча ўқитувчилик касби истеъдодми (яъни тугма қобилиятими) ёки эгалланган касбми? Сизнинг ҳаммангиз ҳам инженер-педагогликка ўз майлингиз (хоҳишингиз) бўйича кирдингизми? Агар қизиқишингиз, майлингиз бўлмаса келгусида педагогик ишингизни муваффақиятли бажаришингизда нима иш қилишингиз керак?

7 – муаммони вазият.

Дарс охирида ўқитувчи ўтган дарсни талабаларнинг жавобларини хулосалаб қўйилган баҳоларни эълон қилади. Аммо талабалардан бири олгап баҳоси “қониқарли” - “3” дан норози бўлганини айтади. Бу талаба тез-тез дарс қолдириб туради, ҳамма вақт берилган дарсларни бажармайди.

Маълумки, қўйиладиган баҳолар тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Баҳоларнинг тарбиявий аҳамиятини амалга ошириш мақсадида ўқитувчининг талабага жавоби қандай бўлиши керак?

8 – муаммони масала.

Бир институтнинг ички бошқарув мазмуни билан танишган туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи институт раҳбарларига қараб шундай деди: “Институт ички бошқарувини ташкил этиш ва ҳозирги кунда институт олдида турган вазифаларни тўғри амалга оширишда раҳбарларнинг бошқарув услуби ва маданияти ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Сизлар шу масалага алоҳида аҳамият беришингиз лозим” ... деди. Сизнингча раҳбарнинг бошқарув услуби ва маданияти деганда нимани тушуниш керак?

9 – Муаммони масала.

Ота-оналар мажлисида бир она ўрнидан туриб шундай деди: “Қизим яхши ўқисин деб, ҳамма ишларни ўзим қиламан, нима деса шуни мухайё қиламан”. Бошқа бир ота эса шундай деди: “ Мен ўз ўғлимни мутахассисликка хос фанларни яхши билишини истайман. Ўрнини йиғиштириб қўядиган, тугмаларини тақиб оладиган бўлгани билан у акилли бўлиб қолмайди-ку”. Ана шу ота-оналарнинг фикрларига муносабатингиз қандай? Гуруҳ мажлисини ўтказётган гуруҳ раҳбарларининг мазкур ота-оналарга муносабати қандай бўлиши керак?

10- муаммони масала.

Бир ўқитувчи институтнинг ўқув ишлари бўйича проректор ўринбосарига бундай деди: “Мен дарс берадиган 205 гуруҳда талабаларнинг дарсга сабабсиз келмай қолиш ҳоллари кўпайиб кетди, талабалар дарсда шовқин-сурон ўтиришади, менга қулоқ солишмайди, ўзлаштиришлари ёмон. Бу ишда Сиздан, гуруҳ раҳбари менга ёрдам беришини илтимос қиламан”.

Бу муаммони тўғри ҳал қилишда проректор қандай йўл тутиши лозим.

11 – муаммони масала.

Вилоят халқ таълими бошқармасидан келган инспектор институт ректорига шундай деди: “Сиз бош бўлган мазкур институтда биронта раҳбар ходим дарс таҳлилининг шартли равишда қабул қилинган бешта турига амал қилмас экан улар ўқитувчиларнинг дарсларини умумпедагогик таҳлил қилиш билангина чегараланар экан холос...”.

Дарс таҳлилининг битта тури деганда сиз, нималар назарда тутилади деб ўйлайсиз?

12 – муаммоли масала.

Кафедра мудири ўринбосари педагогика дарсини кузатаётган эди. Мазкур дарсда талабалар адабий портретнинг яратилиши устида ишлаётган эдилар. Ўқитувчи талабаларга ўзлари яхши билган кишининг ташқи қиёфасини тасвирлашни тавсия қилади. Барча талабалар ишга киришиб кетдилар.

Шу пайт бир талаба ўз ёзганларини бутун гуруҳга баралла ўқий бера бошлади, ўқитувчи эса секингина “оҳ” деб юборди: талаба тасвирида ўқитувчининг, яъни ўзининг кўримсизгина ташқи қиёфаси, шунчалик моҳирлик билан ифода этилган эдики, гап ким тўғрисида кетаётганлигини ҳар қандай киши ҳам дарҳол пайқарди... Бақриб юборгиси, бу ярамас йигитни жим қилгиси келди...

1. Ушбу вазиятда ўқитувчи ва дарс кузатаётган кафедра мудири ўринбосари ўзини қандай тутса, педагогик мақсадга мувофиқ бўлади?

2. Талабанинг хулқ-атворини унинг бу қилмишини баҳоланг. Бу билан у қандай муаммони ҳал этипти?

13 – муаммоли масала.

Янги тайинланган гуруҳ раҳбари собиқ гуруҳ раҳбаридан гуруҳ талабалари тўғрисида маълумот беришни сўрайди ва у куйидагиларни билиб олади: - С. Исҳоқова гуруҳ сардори, аълочи талаба. Д. Турсунова – яхши ўқийди, лекин нутқи паст. Ҳ. Ҳожиёв – яхши ўқийди, лекин уй вазифаларини бажармайди. О. Ғоипов - ўртача ўқийди, хулқи яхши. С. Абдуллаев - бўшроқ ўқийди.

1. Ушбу маълумотлар асосида сиз учун раҳбар сифатида талаба ва ўқувчилар ҳақида ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабат тўғрисида қандай хулоса чиқарган бўлар эдингиз?
2. Сизни биринчи навбатда талабаларингиздаги қандай сифатлар қизиқтиради?

14 – муаммоли масала.

Таълим-тарбия ишини миллий демократлаштириш ва тубдан яхшилаш мақсадида ўқитувчи педагогика дарсида диний ақидаларга оид турли мисоллар келтирди. Сиз ўқитувчи ишини қандай баҳолайсиз?

15 – муаммоли масала.

Дарс бошлангандан сўнг икки талаба чамаси 10 дақиқа кечикиб келишга қарамай, тўғридан-тўғри аудиторияга кириб, ўз жойига бориб ўтирди. Бундай ҳолатда ўқитувчи нима қилиши керак?

16 – муаммоли масала.

Дарсда оралик назорат олаётган ўқитувчи талабаларга қарата “Ўртоғингдан кўчирма”, “Ўзинг ёз, бировларнинг дафтарига қарама!”, “Тоza кўчирадиган одамингни топибсан-ку!”, “Ахир унинг ўзи кўчириб олишни ҳам

қойиллата олмайди-ку! Сен бўлсанг..” сингари захарханда сўзлар билан бир печа бор қаттиқ танбех берди. Бошқа гуруҳда дарс бераётган ўқитувчи дарс пайтида таъсирли қилиб: “Талабалар ёзаётган назоратингизни бир-бирингиздан беркитманглар, бу яхши эмас, чунки, ҳеч ким сиздан кўчираётгани йўқ”,- деди.

Ўқитувчилардан қайси бирининг тутган йўлини педагогик жиҳатдан тўғри деб ҳисоблайсиз? Мавжуд вазиятдаги фарқ нималан иборат?

17- муаммоли масала.

Ўқитувчи амалий (машғулот) дарсиини ўтган дарсни сўрашдан эмас, балки янги дарсни ўтишдан бошлади. Ўқитувчи тўғри иш қилдими? Сиз нима деб ўйлайсиз?

18 – муаммоли масала.

Факультет проректори дарсга 6 дақиқалар чамаси кечикиб келаётган бир ўқитувчи 4 талабани институт ҳовлисида учратди, аммо уларга ҳеч нарса демади. Проректорнинг тутган йўли тўғрими? Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

19- муаммоли масала.

Гуруҳ раҳбари ўз талабаларига “Институт маъмуриятининг топиригига биноан бизнинг факультетга бириктирилган жойда дарс машғулотлари тугагандан сўнг ишлашни, ҳеч ким кетиб қолмасин”, -деди. Талабалар гуруҳ раҳбари бошчилигида бу ишни тўлиқ бажардилар. Шундан сўнг гуруҳ раҳбари талабаларга рухсат берди.

Мазкур гуруҳ раҳбарининг шу масалани ҳал қилишдаги раҳбарлик фаолиятини қандай баҳолайсиз?

АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТ № 4.

Фан: Педагогика.

Мавзу: Мутахассис маҳорати ва унинг мазмунига оид талабаларнинг қийинчиликларни енгитиш даражаларини аниқлаш.

Машғулот мақсади: Талабаларни психологик, педагогик соҳаларда эгаллаган малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Таълимий мақсади: Машғулот жараёнида талабаларда таълим-тарбия билан бирга уларни шу соҳада эгаллаган касб маҳоратлари ва унинг мазмуни, ишбилармонлик, тезкорлик, ушдабуронлик каби сифатларини шакллантириш.

Ривожлантириш ва тарбиявий мақсадлари: Талабаларни ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни ўзлаштирган билимлари, малакалари, маҳоратларини ишлатиб, енгитишга ўргатиш ва келгусида иш, ҳаёт фаолиятларида қўллашга ундаш.

Машғулот тури - лаборатория - амалий.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Ўтказиладиган жой - Амалий хона.

Кўриладиган масалалар:

1. Талабалар қийинчиликни енгишга интилиш даражасини аниқлаш.
2. Талабаларнинг қийинчиликни енгишга интилиш даражасини унинг имкониятларига қанчалик мослиги, тўғри келишини аниқлаш.
3. Берилган топшириқларни бажариб, жадвалларни тўлдириш.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда линейка, қалам ва ҳ.к. ўқув қуроллари бўлиши керак. Жадвал.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Инсоннинг асосий хусусиятларидан бири унинг бирор бир ишни, топшириқни, вазифани бажараётган вақтида қийинчиликларга интилиш даражасидир. Бу хусусият инсоннинг мақсадга эришишида ўзи эгаллаган малакасига қараб еча оладиган даражадаги қийинчиликларни танлай олишни аниқлайди. Шахсни қийинчиликларга интилиш даражаси унинг имкониятларига мос бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Агар мос бўлмаса, у ҳолда у ўз қобилиятини имконидан юқори ёки паст баҳолаган бўлади.

Ушбу лаборатория ишини мақсади ҳам қийинчиликларни енгишга интилиш даражасини муваффақиятсизлигига қараб ўзгариш динамикасини аниқлашдир.

Талабаларга 6 та топшириқ берилади. Топшириқларни ечиш қийинлиги унинг тартиб рақамининг ўсишига қараб ўсиб боради. Ҳар топшириқда 6 тадан мисол (сўз) бор. Уларнинг ҳам биринчи рақамларидагилари ечишга осон, кейинги рақамларидагилардан ечиш қийинчилиги ошиб боради. Сиз ҳар топшириқдан истаган қийинчиликдаги мисолларни танлаб олишингиз мумкин. Бунинг учун танлаган мисолларни рақамлари биринчи жадвалга ёзасиз. Сўнг 2-чи жадвалдан танлаган мисол (сўз) ларни счимларини топиб уни жавобини 1-жадвалга ёзасиз. Мисолларни ечишга 5 дақиқа вақт берилади. Агар мисолларни тўлиқ ечсангиз, кейинги даврага қийинроқ мисолларни танлайсиз. Агар мисолларни еча олмасангиз у ҳолда кейинги даврага осонроқларини танлашингиз керак.

Топшириқлардаги мисоллар анограмма шаклида берилган. Яъни сўзларнинг ҳарфлари чалкаштирилган. Сизнинг вазифангиз ҳарфларни жойларини олган билимингизни, эгаллаган малакаларингизни, қобилиятларингизни ишлатган ҳолда аниқлаш, сўзни ўқиш ва уни 1 - жадвалга ёздиришдир.

Шахснинг қийинчиликларни енгишга интилиш даражаси уларнинг ишни қай тарзда бажаришдаги муваффақияти ва муваффақиятсизликларни баҳолаш орқали аниқланади.

БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

I ТОПШИРИҚ

- | | |
|-------------|--------------|
| 1. Иблми | 2. Чониш |
| 3. Оқхал | 4. Яртиаб |
| 5. Гаўкинкм | 6. Актдадики |

II ТОПШИРИҚ

- | | |
|------------|---------------|
| 1. Асхш | 2. Риамъоф |
| 3. Қитақд | 4. Сард |
| 5. Тядамин | 6. Усатнобам. |

III ТОПШИРИҚ

- | | |
|-----------|---------------|
| 1. Аътмил | 2. Нъаана |
| 3. даог | 4. Рахит |
| 5. Амакал | 6. Шриановилж |

IV ТОПШИРИҚ

- | | |
|------------|-------------|
| 1. Ажаом | 2. Абатл |
| 3. Тисаов | 4. Сонин |
| 5. Торхама | 6. Чақиману |

V ТОПШИРИҚ

- | | |
|-----------|-----------------|
| 1. Алио | 2. Бакс |
| 3. Лидпмо | 4. Аънамявит |
| 5. Альтит | 6. Расруагигамт |

VI ТОПШИРИҚ

- | | |
|-------------|--------------|
| 1. Еҳнабт | 2. Абалат |
| 3. Утивикўч | 4. Вакрабал |
| 5. Аҳнатоёқ | 6. Лъатоитм. |

12 – жадвал.

ТАЛАБАРНИНГ ҚИЙИНЧИЛИККА ИНТИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

| Топши- риқлар | I давра | | II давра | | III давра | |
|------------------|--------------------|-----------------|--------------------|-----------------|--------------------|-----------------|
| | танланган мисол | мисол жавоби | танланган мисол | мисол жавоби | танланган мисол | мисол жавоби |
| I | | | | | | |
| II | | | | | | |
| III | | | | | | |
| IV | | | | | | |
| V | | | | | | |
| VI | | | | | | |

Уйга топшириқ:

1. Шахснинг қийинчиликка интилиш даражаси қандай аниқланади?
2. Уйда ўзингиз дўстларингиздан бирининг индивидуал хусусиятларини ўрганиб унга ўқитиш жараёнида унга мос келадиган индивидуал муносабатни таклиф қилиб ва шу вазиятни таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.
2. Петровский А.С. Психология. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
3. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Фозиев Э. Педагогик психология асослари. Тошкент, 1997.
 - қолдим.
 - дўстларим билан кеча озгина ўтирган эдим, эрталаб бошим оғриб туролмадим.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 6.

Мавзу: Касб (ишбилармонлик, ташкилотчилик, ноияқлик) маҳорати ва унинг мазмуни (ўйинли дарс).

Фан: Педагогика.

Машғулот мақсади: Таълим беришда шахснинг ривожлантиришнинг асосий вазифаларини ёш авлодга етказиш, таълим тамойилларини, таълим мазмунини, таълим усулларини қўллашни ўргатиш, касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий ва таълимий мақсади: Дарс жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўрганишга, тарбиявий-ташқилий ишларни ташкил қилишга шу билан бирга шахснинг айрим касбий ахлоқий хусусиятлари (тайёргарлик, бажарувчанлик, ижро этувчанлиги, ижодий фаоллик, интилувчанлиги, асосланганлиги, жамоатчилик ва бошқаларни) ҳам шакллантириш.

Ривожлантириш мақсади: Олган билим, кўникма ва малакаларини мустақамлаш ҳамда такомиллаштиришни тўғри йўлга қўйиш, талабаларда меҳнат маданиятини, дарсга маъсулиятли муносабатларни таркиб топтириш, фикрлашни, техник фикрлашни такомиллаштириш.

Машғулот тури - лаборатория - амалий.

Ажратилган вақт - 6 соат.

Ўтказиладиган жой - Амалий хона.

Қўриладиган масалалар:

1. Педагогик ўйинли машғулотлар ҳақида тушунча.
2. Педагогик ўйинли дарслар орқали талабаларнинг касбий маҳоратларини шакллантириш.
3. Педагогик ўйинли машғулотлардан намуналар келтириш.
4. Талабалар томонидан биттадан педагогик ўйинли машғулот тузиш.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Педагогик ўйинлар ҳар доим қуйидаги қарорларни қабул қилишни таққозо қилади: нимани гапириш; қандай иштирок этиш; қандай ютиб чиқиш. Педагогик ўйинли машғулотларни ўтказишда ўқитувчи томонидан олдиндан машғулот сир-асорини тўлиқ тушунириш ҳамда уни кетма-кетлигини айтиб бериш керак. Ўйин иштирокчилари орасида ролларни тақсимлаш, у ёки бу ролларни бажариш бўйича йўл-йўриқ кўрсатилади. Бу дарс бошланмасдан 1-2 кун олдин педагогик ўйинлар талабаларнинг ўзлари томонидан репетиция қилиниб кўрилади.

Педагогик ўйинли машғулотлар – сунъий ташкил қилинади. Бунда ўйин иштирокчилари маълум ролларни бажарадилар (ишлаб чиқариш усталари, ўқитувчи, бош уста, ўқувчи, ота, она, тарбиячи, эксперт ва бошқалар). Педагогика фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик ўйинли машғулотлар талабаларнинг билиш фаолиятини янада фаоллаштиришга кўмаклашади (машғулотда улар фаол қатнашади, экспертлар мустақил хулосалар чиқаришади, қўйилган мақсадлар амалга оширилади ва талабалар машғулотларни маълум билимларга эга бўлган ҳолда тарк этишади). Ўйинли машғулотларни таълим жараёнига киритишга биринчи уринишлар 1932 йилларда М.М.Бирштейн томонидан бўлган. Кейинчалик ўқитишнинг бу методлари педагогика фанини ўрганишда ҳам қўлланила бошлади¹.

Педагогик ўйинларнинг утказиш усуллари:

1. Таълим олувчилар олдига ўйин вазифалари қўйилади.
2. Ўйин иштирокчиларни, экспертлар учун у ёки бу педагогик вазиятлар намоён этилади.
3. Педагогик вазиятлар тўлиқ таҳлил қилинади ва улар ечимида ҳар хил вариантлари муҳокама қилинади. Бунда ўқитувчи муҳокамада йўл-йўриқ кўрсатиб туради:
 - а) жамоа, гуруҳ сардорлари сўзга чиқади ва ўз таклифларини баён этади;
 - б) жамоа, гуруҳ экспертлари сўзга чиқадилар;
 - в) ўйин қатнашчилари сўзга чиқадилар, улар суҳбат, дарс, сўзга чиқиш ва ҳақозолардаги хатоларни таҳлил қиладилар.
4. Якунловчи сўзни ўқитувчи гапиради. У педагогик вазиятни таҳлил қилиш натижасини айтади, унинг энг тўғри ечимини ифодалайди; ўйин натижаларини баҳолайди. Ғолибларни айтиб ўтади.

Ҳар қандай педагогик ўйинларнинг кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогикага, психологияга, тарбиявий ишга, ўқитишга оид фанларга алоқаси бўлган суҳбат, дарс, машғулотлар педагогик тажриба ва адабиётлардан олиниб ишлаб чиқилади.
2. Ўқитувчи томонидан лойиҳалаштирилган педагогик вазиятлар асосида педагогик ўйин қатнашчилари учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади.
3. У ёки бу педагогик вазиятларни энг яхши ечим вариантлари танлаб олинади.

Бунда ўйин иштирокчилари фаол иштирок этишлари керак. Ўқув вазиятлари бўйича талабаларнинг тушунчалари бўлмаса, уларнинг ўйинда иштирок этишларининг хожати йўқ. Шунинг учун яхши тайёргарлик кўришлари керак. Педагогик ўйинли машғулотларни оддий амалий машғулотларга муҳокама

¹ Вербицкий А.А. Активная обучения высшей школе контекстный подход. М.: Высшая школа.1991.

Ефимов В.М., Камаров В.Ф. Введения управленческие имитационные игры.М.: 1982.

Игровое моделирование методология и практика. Новосибирск.: 1987

Мирсаидов К.Д., Исмоилова З.К., Чориев Р.К. Психология педагогика фанларидан машғулотлар ўтказиш бўйича тавсиялар. Тошкент, 1997.

қилишда фаол иштирок этади. Бу ҳаракатлар ўз-ўзини айлантириб юбориш керак эмас. Бу яхши тайёрланган ўйинли машғулотда ўқитувчи асосан ўқитишнинг бошланишига қадар ва унинг охирида, ўйинни йўналтириш, ҳамда таълим олиш билан белгиланади. Ўқитувчи қанчалик ўйин жараёнига аралашмаса, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш даражаси, ўйиннинг ўқитиш сифати, касбий маҳорати, касбий малакалари шаклланиши шунча юқори бўлади.

Ўйин жараёнида ўқитувчи уч ҳолатни эгаллайди: ўйин марказида (унинг раҳбари, режиссёри) бўлиши мумкин; ҳамма “иплар” унга келиб туталиши керак; ўйин иштирокчиларнинг биронтасининг вазифасини бажариши мумкин; ўйин ўтказиладиган хонада уни тарқ этиб чиқиб кетиши ҳам мумкин. Талабалар ўз фаолиятларини ўзлари бошқаришга ҳар доим интилишлари керак, лекин бунга эришиш учун у услубий ва дидактик асосланган бўлиши керак.

4. Талабалар ҳар қандай адабиётлардан фойдаланишлари керак, ҳар хил маълумотларни сўрашлари мумкин. Лекин улар ўйин қоидаларига қатъий риоя қилишлари керак.
5. Педагогик ўйинли машғулотларни амалий машғулотларда 2 ва 4 соат давомида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўйинларни охириги машғулотларда ва ҳафтанинг охириги кунларида ўтказиш лозим.

ЎЙИН МАҚСАДЛАРИ:

Педагогик ўйинлар ҳозирги кундаги ўқув-тарбиявий жараёнга қуйидаги янги сифатларни олиб киради:

1. Ўқув жараёнини намоён этувчи тақлидли моделни, яъни ўқув материали мазмунини.
2. Ўргатувчи ўйинли моделда бўлгуси касбий фаолият стуктураси ва функционал звеноларни.
3. Талабаларни ўқув фаолиятини ҳақиқий ўқув жараёнига яқинлаштиришни.
4. Тарбия ҳамда таълим бериш жараёнларининг бирлиги.
5. Фаолиятни ўқитувчи томонидан ташкил этилишини, бошқаришни, талабалар томонидан амалга оширилишини.
6. Маълумотлардан кенг миқёсда фойдаланишни.

Педагогик ўйинли машғулотларни қуйидаги педагогик функцияларни амалга ошириш учун таянлаш керак:

- бўлажак мутахассисларда касбий фаолият тўғрисида бир бутун тушунча бериш;
- касбий предмет ҳамда ижтимоий тажриба ҳақида яқка тартибда биргалашиб қарор қабул қилишни ўзлаштириш;
- касб бўйича назарий ва амалий фикрлашни ривожлантириш;
- касбий мойилликни шакллантириш ва унинг ҳосил бўлишига шароит яратиш.

Педагогик ўйинлар анъанавий усуллардан қуйидагилар билан фарқ қилади: яъни ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликда бир муаммони

ечишга киришиш натижасида касбий фаолият ва касбий тафаккур ҳаракатларини асосий қонуниятлари ҳосил қилади.

Шундай қилиб, педагогик ўйинли машғулот талабаларни ўқув жараёнида фаол қатнашишини таъминлаши ва касбий фаолиятни эгаллашга қаратилиши керак.

Педагогика фанидан қуйидаги мавзуларда педагогик ўйинларни ўтказиш мумкин:

Ўйин: “КИМ ҲАҚ”

Ўйиннинг мақсади: Талабаларни ўқувчилар билан мулоқатда бўлишидаги касбий малакаларини шакллантириш.

Ўйин қатнашчилари: Ишлаб чиқариш устаси ролини ўйновчи талаба; билим юрти ўқитувчилари ролини ўйновчи талабалар; гуруҳ сардори ролини ўйновчи талаба.

ТАРБИЯВИЙ ТАДБИР

Ўқувчилар ишлаши керак бўлган озиқ-овқат омборига ишлаб чиқариш устаси бир соат кечикиб келди. Бу вақтда ўқувчилар дам олишарди.

Уста – Болалар, мени кечиринглар, мен ўз айбим билан кеч қолмадим. Ишни ҳозир бошлаймиз ва уни тугатиш учун бир соат қоламиз.

Ўқувчилар - (ўтирган жойларидан) Қандай? Нима учун?

Уста - Нимага, иш учун бир соат қолишни хохламайсизлар? Мана сен (гуруҳ сардорига мурожат қилиб) хато қилмаганмисан ҳеч? Мана керакли жойга кеч қолмаганмисан?

Гуруҳ сардори – Мен ҳам нотўғри иш қиламан. Бу менга тааллуқли ва фақат....

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Нима учун ўқувчилар устани таклифини қўлаб-қувватламадилар?
2. Можароли вазиятдан уста қандай чиқиши керак эди?
3. Устанинг ўрнида сиз бўлсангиз қандай иш тутган бўлардингиз?
4. Гуруҳ сардори ва ўқувчилар ўзларини қандай тутдилар? Уларнинг ўринларида сиз бўлганингизда қандай иш тутган бўлар эдингиз?

Ўйин: “ҲУРМАТ”

Ўйиннинг мақсади - талабаларни ота-оналар билан бўладиган суҳбатда рўй бериши мумкин бўлган камчиликлар билан таништириш.

Ўйин қатнашчилари – Билим юрти ўқувчисининг онаси ролини ўйновчи талаба (Холида Аъзамова); махсус фан ўқитувчиси Ҳаким Солиқович ролини ўйновчи талаба; экспертлар – талабалар; билим юрти ишлаб чиқариш устаси Ҳаким Ақромов ролини ўйновчи талаба.

Ҳаким Ақромовга *к ў р с а т м а* – Сиз қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш билим юртини битириб, билим юртимизда ишлаётганингизга 3 йил бўлди. Амалий педагогикани бўш биласиз.

Ўқувчи онасига *к ў р с а т м а* - Сиз маданиятли, ақлли аёлсиз. Ёшингиз 40 да. Сизнинг ўғлингиз Азим билим юрти ўқувчиси. Сизни уста суҳбатга чақирган.

Ҳаким Содиковичга *к ў р с а т м а* – Сиз билим юртида 2 йилдан бери ўқитувчилик қилиб келяпсиз. Ўз фанингизни яхши биласиз. ТИҚХМИИ нинг инженер-педагог мутахассислигини тугатгансиз.

УСТА ХОНАСИДАГИ СУҲБАТ.

К ў р и н и ш – “Уста” усталар хонасида ўтирипти, телефон рақамларини термоқда. Унга аёл яқинлашиб келмоқда.

Уста – (бошини қимирлатади). Сиз менинг олдимга келдингизми?

А ё л – Ассалому алайкум, Ҳаким Акрамович. Сиз мени чақиртирган экансиз.

Уста – (телефон трубкасини ушлаган ҳолда гапиришни давом эттирди). Ҳа, эсимда. Ҳозир фақат мен қўнғироқ қилиб олай. Зарур иш (рақамларни кетма-кет уч марта теради, кейин усталар хонасидан чиқиб кимнидир кидиради, яна хонага киради ва телефондан қўнғироқ қилади. Аёл ойна олдида турибди. Махсус фан ўқитувчиси кириб келади), чиқиб қолди.

Уста – Чектириб юбор, Ҳаким (чекади). Мен колхозга қўнғироқ қилгунча Азимнинг онаси билан гаплашиб тур.

Ў қ и т у в ч и – Балки, менинг хонамда гаплашармиз?

Уста – Тўхта, мен қўнғироқлашдим шекилли. Узун товушлар. Тўхта, ҳеч қаерга кетма. Бир секунд. Бу колхозми, менга Али керак эди. Бизда Алилар қўп, учта қайси бири керак? Тўхта, Ҳаким (ўқитувчига мурожат қилди) сен мабодо билмайсанми бизнинг Алининг фамилияси нима эди?

Ў қ и т у в ч и – Катта уста олдига бориб билиб келайми?

Уста – Майли, бориб кел. Холида Аъзамова, сиз нима демоқчи эдингиз, гапиринг.

Холида Аъзамова – (стул чеккасига ўтирди). Сизни эштаман.

Уста – Умуман, сизнинг ўғлингизни ўқиши пасайиб кетди (ўзи ўйлайди, нимага Азимнинг онасини чақиртирдим? Ўзининг столини титиб гуруҳ журналинини қидирди. Ҳеч нарса топа олмади). Бугун келмасангиз ҳам бўларди. Бугун жуда галати кун бўлди-да, ўзингиз кўряпсиз. Яқинда ишлаб чиқариш амалиёти бошланади, ҳали ҳеч нарса тайёр эмас. (ўрнидан туради, чап қўли билан бурнини ушлайди, ўнг қўли чўнтагида). Умуман ташвишланманг. Ҳаммаси жойида бўлади. Керак бўлса яна чақиртирамиз (трубкага қўлини узатади. Холида опага қарамайди).

Холида Аъзамова – Мен кетсам бўладими?

Уста – Мен сизга айтдимку, эшитмадингизми? (ўзи эса ўйлайди, айтдимми?).

МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Азимнинг онаси билан бўлган суҳбатда уста қандай хатоликларга йўл қўйди?
2. Суҳбатни яхши ўтказиш учун нима иш қилиш керак эди?
3. Сиз яқка тартибдаги суҳбатни қандай ўтказар эдингиз?

4. Устанинг хулқ маданияти нимадан иборат бўлиши керак?

Ўйин “МЕН БАРИБИР КЕТИБ ҚОЛАМАН”

Ўйиннинг мақсади - Бўлгуси мутахассисларни ўқувчилар фаолиятини (билим юртига киргунча, ўқиётган ва келгуси даврда) билишга қизиқтиришларини ўрганишга тайёрлаш.

Ўйин қатнашчилари - Махсус фан ўқитувчиси ролини ўйновчи талаба, билим юрти ўқувчиси Олим ролини ўйновчи талаба, жисмоний тарбия ҳамда математика ўқитувчиси ролини ўйновчи талабалар, физика ўқитувчиси ролини ўйновчи талаба, тренер ролини ўйновчи талаба, Олимнинг онаси ролини ўйновчи талаба, эксперт талабалар.

“Махсус фан ўқитувчисига” *к ў р с а т м а* – Сиз мухандис ўқитувчи мутахассислигини эгаллагандан кейин билим юртига келиб ишлаганингизга ҳам 5 йил бўлди. Дарс берадиган гуруҳдаги ўқувчиларни яхши биласиз. Хусусан, Олимни билим юртини ташлаб, ўзини спортга бағишлаш нияти борлигидан хабардорсиз.

“Математика ўқитувчисига” *к ў р с а т м а* – Сиз институтни битириб, билим юртига келиб ишлаганингизга ҳам 8 йил бўлди. Ўз фанингизни сеvasиз. Ўқувчиларни математика фанига етарли даражада кунт қилмаётганлиги сизга жуда огир ботади.

“Физика ўқитувчисига” *к ў р с а т м а* – Сиз билим юртида 3 йилдан бери ишлаб келмоқдасиз. Ўқувчиларни яхши билмайсиз, билим юртининг иш услубларига ҳали унчалик кўникмагансиз.

“Олим учун” *к ў р с а т м а* – Сиз билим юртини “Фермерлик” бўлимининг 2 курсида ўқийсиз. Ота-онангизнинг маслаҳатларига юрмайсиз, ўртоқларингиз билан дилдан гаплашмайсиз. Танлаган касбингиз сизни қизиқтирмайди, билим юртига сиз гуруҳ раҳбарингизнинг маслаҳати билан киргансиз.

“Олимнинг онасига” *к ў р с а т м а* – Сиз 45 ёшдасиз. Ўғлингизни ҳурматига сазовар бўлмагансиз, у билан яхши муносабатда бўлмайсиз.

“Экспертлар учун” *к ў р с а т м а* – Сизнинг вазифангиз – суҳбатни боришини кузатиш ва муҳокамада иштирок этиш.

СУҲБАТ

Онаси – Ассалому алайкум, мени ўғлим Олимнинг ўқиши қизиқтиради. Охирги вақларда у дарс қилмасдан “тўн суриш” билан кўпроқ шуғуланмоқда. Билим юртини ташлаши ҳақида гапиради.

Уста – Афсуски, биз ҳам буни сеза бошладик. У қийин касбни танлаган, унга қизиқиши сусайиб бормоқда. Олимнинг математика ва физикадан олган билимлари бизни ҳам ташвишга солмоқда. Ҳозир ўқитувчиларни таклиф этаман.

Физика ўқитувчиси – Олим ишлай олади, лекин унда катъиятлик етишмайди.

Математика ўқитувчиси – Ҳозир у қуйидагилардан бирини танлаши керак: ё тўн суриш, ёки математика фанини чуқурроқ ўрганиш.

У с т а - Балки тренерини чақиртирармиз? (Олимни онасига қараб мурожат қилади). Ҳозир уни чақираман.

Т р е н е р – Олим қайсар, лекин ҳар қандай тўпни меъёрига етказиб уради. Аммо, билмайман ундан жисмоний тарбия ўқитувчиси чиқармикан? У спорт ўқув масканини орзу қилади, лекин у ерда ҳам физика, математика фанлари ўқитилади ва уни билиши керак.

Экспертларга саволлар

1. Ўқитувчи томонидан ташкил этилган суҳбатни тўғрилигини баҳолаш?
2. Олимни яхши ўзлаштирмаслик сабаблари аниқландими?
3. Ўқувчига якка педагогик ёндошиш ишлаб чиқилдими?
4. Қандай қилиб Олимни билим олишга қизиқтириш мумкин?
5. Олим билан бўлган суҳбат пайтида ўқитувчи таълимнинг қандай усулларида фойдаланди?

Ўйин: “У БИЛАН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?”

Ўйиннинг мақсади - Талабаларда касбий хусусиятларини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш.

Ўйин катнашчилари - Иқтисод фани ўқитувчиси ролини ўйновчи талаба, гуруҳ сардори ролини ўйновчи талаба, қишлоқ хўжалиги коллежи ўқувчиси Санобар Маҳкамова ролини ўйновчи талаба, экспертлар, талабалар.

“Ўқитувчи учун” *к ў р с а т м а* – Сиз институтни тамомлаб келиб 10 йилдан бери иқтисод фанидан дарс берасиз. Ўқувчилар орасида обрўга эгасиз.

“Санобар Маҳкамовага” *к ў р с а т м а* – Сиз коллежда ўқийсиз. “Иқтисодчи” мутахассислигини эгаллайсиз. Коллежда ўқишга қараганда, ўзингизга оро беришга кўпроқ вақт кетади.

“Гуруҳ сардорига” *к ў р с а т м а* – Сиз иккинчи йили гуруҳ сардори вазифасини бажаряпсиз. Ўз ишингизга сидқидилдан ёндошасиз.

“ Экспертлар учун” *к ў р с а т м а* – Сизларнинг вазифангиз ўқитувчи, гуруҳ сардори, Санобар Маҳкамова ва ўқувчилар ҳаракатини баҳолаш.

ДАРС

Иқтисод фани ўқитувчиси хонага киради. У дарс бошланмасданок, гуруҳ сардори унга савол билан мурожаат қилади.

Гуруҳ сардори - Сизга дарсдан ташқари, дарсга тааллуқли бўлмаган савол билан мурожаат қилса бўладими?

Ў қ и т у в ч и – Бу жуда ҳам муҳимми? Унда марҳамат.

Гуруҳ сардори - Санобар Маҳкамовага қандай чора кўриш керак? Дарсларга қатнашмайди, гуруҳ ўқувчилари билан қўпол муомалада бўлади. У фақат Сизнинг дарсларингизгагина эмас, балки бошқа дарсларга ҳам кирмайди.

Ў қ и т у в ч и – Гуруҳ мураббийси у билан суҳбатлашдими?

Гуруҳ сардори - Суҳбатлашади, фойдаси бўлмади. Мажлис ўтказиб унинг ҳулқини муҳокама қилдик. Лекин фойдаси бўлмади, ўзининг ёмон ўқишида гуруҳни айблади.

Ўқитувчи - Кўриб турибман. Ҳаммангиз ундан ранжигансиз. Шунинг учун Санобарни топиб, менинг номимдан дарсга киришга таклиф қилиб кўринг.

Санобар - Сиз мени чақиртирдингизми?

Ўқитувчи - Сизга бирон нарса бўлдими?

Санобар - Ҳеч нарса бўлган йўқ.

Ўқитувчи - Унда ўқув бўлимидан дарсга кириш учун руҳсат олинг.

Санобар - Ўқув бўлимида бўлдим, руҳсат бермади, ўтирсам бўладими?

Ўқитувчи - Марҳамат қилиб айтингчи, нима учун сизни бутун коллеждан қидиришимиз керак? Бугун ўрганиладиган мавзу анча қийин. Уни сиз мустақил ўзлаштира ололмайсиз. Нима учун сиз махсус фанларга эътибор бермайсиз? Ахир, сиз бўлажак иқтисодчисиз-ку.

Санобар - Ўзимни кўп қийнашни хоҳламайман.

Ўқитувчи - Бундай ҳолат сизда ҳар доим бўладими?

Санобар - Ҳар хил.

Ўқитувчи - Ўқувчилар гапларини эшитяпсизми? Дўстларингиз сиз билан бир гуруҳда ўқишни хоҳламаяптилар. Сиз уларга ўзингизни анча кўрсатиб қўйганга ўқшайсиз. Ташқи чирой билан ҳамма нарсага эришиб бўлмайди. Кийимга қараб кутиб олишади, аклига қараб кузатишади. Сиз билан суҳбатлашишга менинг вақтим йўқ, шундай бўлсада 7 дақиқа вақтимни олдингиз.

Бир кун ўтгандан кейин:

Ўқитувчи - (гуруҳ сардорини учратиб, ундан сўрайди). Ўзгариш борми? Санобар ўзини қандай тутяпти?

Гуруҳ сардори - Ҳаммаси яхши. Ҳовлини тозалашда ҳамма билан бирга қатнашди, дангасалик қилиши камайди. Ўзини шундай тутяптики, гўё ҳеч нарса бўлмагандай.

Муҳокама учун саволлар

1. Ўқитувчи гуруҳ фикрини инobatга олиб тўғри иш қилдими?
2. Ўқитувчи вазиятни тўғри баҳолай олдими?
3. Сиз бундай вазиятда қандай иш тутардингиз?

Уйга топшириқ:

1. Педагогик ўйинларнинг асосий принциплари.
2. А.А.Вербицкий. Активное обучения в высшей школы контекстный подход. М.: "Высшая школа", 1991.

Мустақил таълим.

- 1 – вазифа: Фаол ўқитиш методлари.
- 2 – вазифа: Ҳар бир талаба ўз ўртоқлари, гуруҳдошларидан биттасини индивидуал ўз касбига қизиқувчанлик хусусиятларини аниқлаш.

Мавзуга оид таяч иборалар:

Педагогик ўйин, таълим, тарбия, касб, маҳорат, касбий хусусиятлари. Тарбия принциплари.

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 9.

Мавзу: Тарбия методларини тавлаш ва амалиётда қўллашни таҳлил қилиш.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Семинар машғулот мақсади: Хар томонлама баркамол инсонни шакллантириш. Талаба онги, ҳис-туйғулари, иродаси, ҳулқ-атвори системасига таъсир кўрсатиш усулларини тушунтириш. Тарбия методларини ўрганиб, амалда қўллашларига ҳамда ўзлари рия қилишларига ўргатиш.

Машғулот режаси:

1. Тарбия жараёнининг мақсади, моҳияти ва вазифалари.
2. Тарбия усуллари ва принциплари.
3. Ишонтириш усули.
4. Ижобий ўрнак кўрсатиш усули.
5. Машқ ва ўргатиш усули.
6. Рағбатлангириш ва жазолаш усули.
7. Ўз-ўзини тарбиялаш усули.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. 1999, 3 феврал.
3. Зиёмуҳамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат миллий нашриёти, 2000.
4. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
5. Мунавваров А. Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
6. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
7. Лында А.С. и др. Педагогика. М.: Высшая школа, 1973.
8. Муҳамедов А. Маданий оқартув педагогикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.
9. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
10. Розиков О.Р., Огаев С.Ю., Маҳмудова М.М., Адизов Б.Р. Дидактика. Тошкент: “Фан”, 1997. 254 -бет.
11. Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аянатация ёзиш ва конспект қилиш.

1. Мунавваров А. Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
2. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
3. Лында А.С. и др. Педагогика. М.: Высшая школа, 1973.
4. Муҳамедов А. Маданий оқартув педагогикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.

5. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
6. Розиков О.Р., Огаев С.Ю., Маҳмудова М.М., Адизов Б.Р. Дидактика. Тошкент: “Фан”, 1997. 254 -бет.

Рефератлар учун мавзулар:

1. Тарбиянинг педагогик асослари.
2. Тарбия жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари.
3. Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли.
4. Тарбия жараёнининг таълим жараёнида фарқли хусусиятлари ва ўзига хослиги.

Адабиётлар:

1. Педагогика маҳорати асослари. М.; 1989.
2. Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителей системы высшего педагогического образования (Учебное пособие). М.: Просвещение, 1990. с.140 .
3. Ақлий ва ахлоқий тарбия муаммолари. Тошкент Давлат Университети қошидаги Олий педагогика институти. Тошкент, 1996.
4. Мунавваров А. Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
5. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
6. Линда А.С. и др. Педагогика. М.: Высшая школа, 1973.
7. Муҳамедов А. Маданий оқартув педагогикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985.
8. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
9. Розиков О.Р., Огаев С.Ю., Маҳмудова М.М., Адизов Б.Р. Дидактика. Тошкент: “Фан”, 1997. 254 -бет.

Методик кўрсатма.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан бевосита аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқатидир. Бирон бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнини моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади.

Тарбия – авлоддан-авлодга ижтимоий тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият; шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаётга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлаш. Маърифатпарвар аллома А.Авлоний: “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалоқат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир”, -деган эдилар.

Тарбия жамият вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жихатдан маърифатчи педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилик

жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бирмунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўплаган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи тугилиб, ўсиб келаётган Ёш авлодни ҳаётга дурустроқ ва режали тарзда тайёрлаш имконини берадиган олий ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Бу таълим-тарбия бериш босқичларидаги педагогик жараённинг кечиб қонуниятлари бир-бирдан фарқ қилганлиги учун ҳар бир босқичнинг таълим-тарбия бериш усул ва услубиёти ҳам бошқачадир.

Тарбиянинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ишонтириш усули.
2. Рағбатлантириш ва жазо бериш.
3. Ўз-ўзини бошқариш усули.
4. Ижобий ўрнак кўрсатиш усули.
5. Машқ ва ўргатиш усули.

Тарбиячининг рағбатлантириш усули иккита бўлинади: 1.Сиз буюрган ишга бурч ва маъсулият билан ёндошганлигини рағбатлантириш. 2.Сиз буюрган ишга қизиқишини ва уни удалай олганлигини рағбатлантириш.


Жазо – бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқдор қилдириш. Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмаслигингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айтолмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурият йўқ. Жазонинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Тушунтириш.
2. Танбеҳ бериш.
3. Огоҳлантириш.
4. Қаттиқ огоҳлантириш.
5. Уялтириш.
6. Талаблар (илтимос, кўрқитиш, ялиниш, қоралаш ва ҳ.к.) қўйиш.

Бугунги кунда Педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талаблари асосида такомиллашиб бормоқда.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Усул, услуб, таълим, тарбия, таълим жараёни. Рағбатлантириш, ўз-ўзини бошқариш, жазо. Уят, тарбияланганлик.



32 - расм. Узлуксиз таълим-тарбия жараёни

СЕМИНАР АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 10.

Мавзу: Маънавий маданиятни шакллантириш.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Семинар машғулот мақсади: Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйдаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан курали экан, ундан оқилона фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, ростгўйлик, халқсеварликка, ўргатиш керак бўлади Аслини олганда, ахлоқ- маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф, адолат, маънавият туйғуси, ҳалолик деган. Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим”. (Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Тошкент, 1994. 57 -бет).

Машғулот режаси:

1. Маънавий маданиятнинг шакллантириш манбалари ва таркибий қисмлари.
2. Шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари.
3. Маданиятлик тушунчаси ва унинг асосий таркибий қисмлари.
4. Маданиятли ва ахлоқий жиҳатдан тарбияланган мутахассиснинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ўзбек халқ мутафаккирларининг ахлоқ, одоб ҳақидаги фикрлари.
6. Ахлоқ ва ахлоқий тарбия, ахлоқий тарбиянинг илмий назарий асослари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Тошкент, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1999.
3. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, 1999.
4. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. Тошкент, 1994.
5. Педагогика/ Мунавваров А.Қ. таҳрири остида. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.
6. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1997.
7. Юсулов Э. Маънавият асослари. Тошкент, 1998.
8. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993.
9. Маҳқамов У. Ахлоқ - одоб сабоқлари. Тошкент, 1994.
10. А. Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, 1992.
11. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. Тошкент, 1994.
12. Иброҳимов А. (ҳаммуаллиф). Ватан туйғуси. Тошкент, 1997.
13. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1996.
14. Ёлғоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами, 1996.
15. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Талабаларнинг ушбу мавзу бўйича мустақил ишлари мавзуси.

Адабиётлардан аннотация ёзиш ва конспект қилиш.

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, 1994.
2. Каримов И.А. “Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин”. Тошкент: “Тафаккур”, № 2. 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: “Шарқ”, 1999.
4. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Рефератлар учун мавзулар:

1. Ёшларни маънавий-интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари.
2. Ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришда табаррук манбаларимиз бўлмиш “Қуръон”, “Ҳадислар”, аجدодларимиз маънавий мероси ҳисобланган “Қобуснома”, “Шоҳнома”, “Темурнома”, “Бобурнома” ва ҳ.к. каби асарларни тарбиявий аҳамияти.
3. Маданият манбаларининг қоидалари.

Адабиётлар:

1. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энсклопедияси” давлат миллий нашриёти, 2000.
2. Файбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулова Р., Тошмуротова Қ. Педагогика маърузалар матни. Тошкент, 2000.
3. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.
4. Баранов С.П. ва бошқалар. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
5. Лында А.С. и др. Педагогика. М.: Высшая школа, 1973.
6. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996.

Методик кўрсатма.

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақатгина маънавият-маърифат, маданият кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият куриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолатли инсонлар шаклланиши мумкин.

“Маданият” - арабча сўздан олинган бўлиб, у жамиятни ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуидир. Демак, **“маданият”** - инсоният фаолияти м.ҳсули натижаси сифатида, инсонларнинг моддий ва маънавий фаолиятлари жараёнида вужудга келади. Олимларнинг изоҳлашича, маданият кенг маъноли тушунча бўлиб, у ижтимоий амалиётда ва онгда мустақкамланадиган фаолиятнинг моддий-маънавий маҳсулотлари: ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, киши ҳолати ҳамда унинг фаолияти турлари йиғиндисидан иборатдир.

“Маданият” - тарихий характерга эга бўлиб, шахснинг моддий ва маънавий ҳаётга эҳтиёжи ошиши натижасида намоён бўлган ва уларнинг

маънавий, ҳаётий ҳаракати, хулқ-атвори нормаларини ўз мазмунида ифодалаган шахс ва жамиятнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган фаолият йиғиндиси.


Шундай қилиб, маданият уч турга бўлинади:

1. Ахлоқий маданият.
2. Маънавий маданият.
3. Моддий маданият.

Маданиятнинг моҳиятини намоён этувчи объект шахс ҳисобланади.

Маънавий маданиятнинг асосий белгилари:

Маънавий эҳтиёж; Маънавий фаолият; Маънавий қадрият.



33 – расм. Маънавий маданиятни шакллантириш манбалари.

Маданият манбаларининг қуйидаги қонунари (принциплари) мавжуд:

1. Маданий манбаларининг тарихийлиги, изчиллиги ва узвийлиги.
2. Маданий манбаларининг халқчиллиги, инсонпарварлиги.
3. Маданият манбаларининг гоёвийлиги.
4. Моддий ва маънавий бойликларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири.
5. Манбаларнинг ҳаёт билан, турмуш билан боғлиқлиги.
6. Умуминсоний, миллий қадриятларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий характер каби қондалари мавжуд.

Таълим-тарбия жараёнида маданиятнинг таркибий қисмлари яхлит жараён сифатида амалга оширишни тақозо этади ва инсон онгига таълим-тарбия ва бутун фаолият давомида ўзаро бирлик ва алоқадорликда сингдирилади.



34– расм. Маънавий маданиятнинг таркибий қисмлари.

Ахлоқий маданиятнинг кўринишлари: инсонпарварлик; ҳалоллик; ташаббускорлик; ватанпарварлик; меҳнатсеварлик; фаоллик; ижодкорлик; саҳийлик; масъулиятлилик; камтарлик; поклик. **Ахлоқий онг мезонлари:** ахлоқий билим; ахлоқий тафаккур; ахлоқ нормалари. **Ахлоқий онг сифатлари:** меҳнатсеварлик; ватанпарварлик; ҳақиқатгўйлик; адолатпарварлик; бурч, маъсулият, виждон, ғурур каби инсоннинг ички руҳий ҳиссиётига асосланади. **Ахлоқий одат** – талабанинг аниқ мақсадини кўзлаб, доимий, изчил уюштирилган фаолияти, жамият аъзоларининг замирида майдонга келадиган ҳолатдир. **Ахлоқий билим** - ишончга айланган тақдирдагина ҳулқни тартибга солиб туради. Ҳақиқий ахлоқнинг маънавий пойдевори бўлиб, унинг асосий мезони ахлоқий билимдир. **Ахлоқий ишонч** - ҳақиқий ахлоқий ишонч талабанинг ахлоқ нормаларини, ҳулқ-атворини шакллантиришга олиб боради. Ахлоқий ишонч онгнинг узоқ муддатли фаолияти натижасида унинг юксак маҳсулоти сифатида юзага келади. **Эстетик ҳис** - инсонни ўраб турган муҳитга муносабатининг асосий шакли бўлиб, ҳаёт ҳақиқатини ўзлаштиришнинг, ижодий қобилиятни таъминлашнинг асосий босқичидир. **Эстетик ғоянинг** манбалари – эстетик идрок, ишонч, талаб кабилардир.

Ахлоқий тарбияни бериш усуллари:

1. Ахлоқий тарбияни ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб бориш усули.
2. Ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ.
3. Тарбиявий ишларни режали бўлиши.
4. Институтда ижобий эмоционал шароит яратиш.

5. Ахлоқий тарбияда онгни, тушунчаларни шакллантиришда тушунтириш, ўқитиш, суҳбат, мунозара усулларидан фойдаланиш.
6. Тарбиявий соатлар савиясини ошириш.
7. Турли-туман талбирлар, адабий кечалар, байрам, фестиваллар, мусобақалар ўтказиш.
8. Дарс жараёни ва дарсдан ташқари машғулотларда шарқ қадрият ва миллий анъаналар акс этган Қуръони Карим, Ҳадис, Ҳикматлар “Мутафаккирларнинг одоб-ахлоққа оид асарлари” дан ўқиб ўрганиш ва ҳ.к.

Мавзуга оид таянч иборалар:

Маънавият, маданият, одоб, ахлоқ, қадриятлар, анъана, миллий мерос, таълим, тарбия, тафаккур, ғоя, онг, билим, ишонч, ҳуқ-этвор.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 9.

Мавзу: Тарбиявий соатларни ташкил этиш ва ўтказиш

Фан: Педагогика.

Машғулот мақсади: Талабалар ўртасида меҳр-оқибат, ҳақиқий инсоний муносабатлар ниҳоятда зарур бўлиб қолган вазиятда тарбиявий соатларнинг ахлоқ-одобга оид сабоқларининг аҳамиятини тушунтириш.

Тарбиявий ва таълимий мақсади: Дарс жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўрганишга, тарбиявий-ташқилий ишларни демократлаштиришга, инсонпарварлаштиришга, ўқитувчи-тарбиячи-мураббийларнинг эркин мулоқатига кенг йўл очиб беришга, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга ўргатиш.

Машғулот тури - лаборатория-амалий.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Ўтказиладиган жой - Амалий хона.

Кўриладиган масалалар:

1. Тарбиявий соатларнинг мақсади вазифалари.
2. Талабанинг бурч ва вазифаси.
3. Тарбиявий соатлар ўтказишнинг усуллари.
4. Хоҳлаган мавзунингиз бўйича тарбиявий соат ўтишни ташкил этиш.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда мавзуга оид методик тавсиялар, тўлдириш учун жадвал .

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Яхши тарбия кишининг бебаҳо бойлигидир. Бу бойлик билан ёш авлодни тарбиявий ишларини уйғун ташкил қилингандагина таъминлаш мумкин. Маълумки, инсоннинг баркамоллиги унинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки кўпроқ унинг маънавий дунёсига қараб белгиланади. Жамиятнинг равнақи ва келажаги ана шу жамиятда яшовчиларнинг ҳам маънавий, ҳам моддий камолатига боғлиқ. Инсоният маънавий қашшоқ экан, келажаги

порлоқ жамият қуриб бўлмаслиги ҳаёт ҳақиқатидир. Шундай экан, бутун куч ғайратимизни, қалб кўримизни инсониятда олиб бориладиган таълим-тарбия ишига сарфламоғимиз лозим.

Бу эса, асосан тарбиячи–мураббийга, олиб бораётган тарбиянинг самарадорлигига, тарбиявий соатларнинг ҳамда дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг нечоғлик маҳорат билан ташкил эта билишга боғлиқ.

Талабалар ўртасида меҳр–оқибат, ҳақиқий инсоний муносабатлар ниҳоятда зарур бўлиб қолган вақтида тарбиявий соатларнинг ахлоқ, одобга оид сабоқларининг аҳамияти янада муҳимдир.

Инсонпарварлик – институтнинг бутун фаолиятини ўқитувчи ва талабага қаратиш, унинг шахсиятини ҳурмат қилиш, қадрлаш, ишонч билдириш, шаклланиш жараёнида уларнинг талаб ва эҳтиёжларини, шахсий манфаатларини тўғри тушунишдан иборат.

Демократлаштириш – институтни бошқаришдан тортиб, бутун ички тузилиши ва фаолиятини ўз ичига олади. У институтни ҳар қандай юқори буйруқбозликдан, айрим шахс ва жамият ходимларининг шахсий фикрларидан халос этади.

Тарбиявий соатлар – институт шароитида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шакллариандир. Тарбиявий ишларнинг 2 тури мавжуд:

I- тури: Тарбиявий ишлар маърифий, йўналтирувчи, баҳоловчи сингари уч асосий таркибий қисмдан иборат бўлиб дарс жадвалидан 45 - минут ажратилган:

1. **Маърифий** таркибий қисмда – ўқув дастурларидан ташқари талабаларнинг этик, эстетик, психологик тушунчаларини, фан, техника, халқ хўжалиги, дунё воқеаларига оид мавжуд билимларни бойитадиган ва кенгайтирадиган ишлар амалга оширилади (10 дақиқа).
2. **Баҳоловчи** таркибий қисмда – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, улуғ халқимизнинг шон–шухрати, миллий урф-одатларимиз, қадриятлар ҳақида тегишли тушунчаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкам қарор бериш, мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилади (25 дақиқа).
3. **Йўналтирувчи** таркибий қисмда- талабаларнинг мавжуд ҳаёт ҳақидаги билим ва тушунчалари тўғри, мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, уларнинг ҳаёт тажрибаси, ахлоқи, турмушда ўз йўлини тўғри танлашдек, ҳаётий фаолиятлари бошқариб борилади (10 дақиқа).

II - тури: Тарбиявий соатлар ўтишнинг яна бир тури ҳақида гаплашамиз. Бу турини 4 бўлимга ажратиш мумкин:

I-бўлим (хабар бўлими) га – 5 минут вақт ажратилиб, унда талабалар хорижий давлатларда, Ўзбекистонда юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий воқеаларнинг шарҳи билан таништирилади;

II-бўлим (таништириш бўлими) га - 5 минут вақт ажратилиб, унда талабалар институт, марказ раҳбарияти ва кенгашлар томонидан талабалар

ҳаётига оид қабул қилинган қарорлар, буйруқлар билан таништирилади ва изоҳ берилади;

III-бўлим (баҳоловчи бўлим) га – 10 минут вақт ажратилиб, унда гуруҳдаги талабаларнинг ҳафталик давомати, ўзлаштириш бўйича донмий назорат усулининг натижалари баҳоланади, маданий ва маънавий масалалар ҳал қилинади.

IV-бўлим (маърифий бўлим) га - 25 минут вақт ажратилиб, бунга миллий истиқлол мафкураси, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар бўйича суҳбатлар, мунозаралар уюштириш киради

Эслатма: Бунинг учун 1-2 ҳафта олдин институт маънавият маркази томонидан мавзулар тарқатилади.

Гуруҳ тарбиявий соатларнинг тузилиши.

Гуруҳ тарбиявий соатларнинг тузилиши ўз моҳияти, мазмуни ва таснифи, режаси, тўпланган асосий материаллар жиҳатдан тўрт қисмга бўлинади:

1. Кириш.
2. Асосий қисм.
3. Бадий қисм.
4. Яқуний қисм.

I-Кириш қисмда - Талабаларнинг диққати мавзунинг долзарблигига, мазмунига, инсоннинг ҳаётда, жамият ривожига, ишлаб чиқаришда туган ўрни ва аҳамиятига қаратилмоғи лозим.

II-Асосий қисмда - Олиб бориладиган тарбиявий ишнинг кун тартибидagi тўлақонли мазмуни ташкил этади.

III-Бадий қисмда - Бунда мавзунинг мазмуни маромига етказилади.

IV-Яқуновчи қисмда - Кўрилган ва муҳокама қилинган тарбиявий масалага амалий ёндошиш билан яқун ясаиб, вазифалар белгиланади ҳамда навбатдаги тарбиявий соатларнинг мавзуси эълон қилинади.

13 – жадвал.

Гуруҳ тарбиявий соатлар наъмунавий режасининг тузилиши:

Сана:

Мавзу:

Машғулотнинг бориши:

Машғулотнинг жавозланиши:

| Т/р | Қисмлар | Асосий қисм ва мавзуларнинг қисқача мазмуни | Маъсул киши (шахс) |
|-----|--------------------|---|-------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| I | Кириш 3-5 минут | 1..... 2..... | Гуруҳ раҳбари Олиб борувчи |

| 1 | 2 | 3 | 4 |
|-----|------------------------------|--|--|
| II | Асосий қисм 15-20 минут | 1..... 2..... 3..... 4..... 5..... | Олиб борувчи Талаба А. Талаба Б. Гуруҳ сардори Талаба В. |
| III | Бадий қисм 5-10 минут | 1..... 2..... 3..... 4..... | Олиб борувчи Гуруҳ сардори. Талаба Г. Талаба Д. |
| IV | Яқунловчи қисм 5-10 минут | 1..... 2..... | Гуруҳ раҳбари Олиб борувчи |

Тасдиқлайман:***Тарбиявий ишлар бўйича ректор муовинининг имзоси:***

Кўпдан бери олиб борилаётган педагогик тажрибалар ҳамда мутахассисларнинг фикрича ўсиб келаётган ёш авлодга мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишда гуруҳ тарбиявий соатларнинг иш мазмунини аниқлаш ва пухта режалаштириш, яъни мавзуларни фаслларга, байрамларга, тарихий саналарга, бўлаётган воқеаларга қараб ҳамда тинчлик, дўстлик, биродарлик, оила, касб, табиатни севиш, ватанпарварлик, аждодларимиз мероси, инсонийлик, ахлоқийлик, урф-одатлари, анъаналари сингари тарбиявий муаммолар асосида танлаш муваффақиятга эришишнинг гарови эканлигини кўрсатмоқда.

Бунда қуйидаги мавзуларга алоҳида эътибор бериш лозим. “Инсон ва инсонийлик”, “Давлат мустақиллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳақида нималарни биласиз”, “ Гўзаллик олами”, “Миллий урф-одатлари ва анъаналари”, “ Ватан, миллат, маърифат”.

Гуруҳ тарбиявий соатлари учун намунавий мавзуларнинг рўйҳати:

1. Ўзбекистон менинг Ватаним.
2. Ишбилармонлик – давр талаби.
3. Касбим фахрим менинг.
4. Жамоат жойларидаги одоб мезонлари.
5. Кўҳна обидалар – тарих гувоҳи.
6. Ўзингиз яшаб турган туман, вилоят, ноҳия тарихини биласизми?
7. Инсоний фазилатлар: бурч, виждон, номус, иймон, эътиқод ...
8. Муҳаббат , сеvgи, вафо чин инсоний туйғулардир.
9. Наврўзи олам.
10. Амир Темур ўғитларидан намуналар.
11. Абу Райҳон Беруний – буюк қомусчи олим.

12. Ҳеч ким ҳеч нарса унутилмайди.
13. Кийиниш маданияти.
14. Ўзбекистон Республикаси герби, мадҳияси, байроғи.
15. Бобокалонларимиз дейдилар
16. Сохибқирон мероси - тарбия воситаси.
17. Маънавий маданиятни шакллантириш манбалари ва ҳ.к. бошқалар.
18. Дарс жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.
19. Талабанинг бурч ва вазифаси.

Уйга тошпириқ:

Қуйидаги мавзудаги саволларга жавоб беришга тайёрланинг:

1. Талаба дарсга кечикиб келиши мумкинми?
2. Гуруҳингиздаги аъло ўқиган гуруҳдошингизга қандай муносабатда бўласиз?
3. Йўлакда ёки залда сизга бир талаба урилиб кетди ёки сиз унга урилиб кетдингиз. Сиз нима қилган бўлардингиз?
4. Бўш вақтингизда ётоқхонада ёки уйда қандай ишларни бажарасиз?
5. Сиз кўчада, кинотеатрда, уйда ўзингизни қандай тутасиз?
6. Дарсга киришга қўнғироқ чалинди, аммо 5–10 дақиқа ўтса ҳам ўқитувчи келмади. Сиз нима қилган бўлардингиз?
7. Йўлда қимматбаҳо нарса топиб олдингиз. Нима қилган бўлардингиз?
8. Икки ўртоғингиз гаплашиб турибди. Уларнинг бирида зарур ишингиз бор. Қандай мурожаат қилар эдингиз?
9. Сиз ўртоғингиз билан қандай саломлашишни ёқтирасиз?
10. Сиз йигит ва қиз ўртасидаги севгини қандай тушунасиз? (талабалик йилларида).
11. Келажакда қандай инсон бўлишни орзу қиласиз?
12. Сиз кўйи-қўшни, маҳалладошлар ўртасидаги муносабатни қандай бўлишини хоҳлардингиз?
13. Ўқитувчингиз сиз билан қандай муносабатда бўлишини хоҳлардингиз?
14. “Талабалик олтин даврим” деган тушунчага қандай қарайсиз?

Мустақил таълим.

1–вазифа: Ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбалари.

2–вазифа: Талабалар ошхонада навбатчилик қилишарди. Бир қиз (ҳар доим интизоми, ҳулқи билан намуна бўлиб келган қиз) стулларни тозалаб артиб турган вақтида билмасдан стаканни тушуриб юборди. Шунда гуруҳ раҳбари нима қилиши керак? Тарбияни қандай усулларидадан фойдаланиш лозим деб ўйлайсиз?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Тарбиявий соат, тарбия, таълим, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш.

АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ № 5.

Фая: Педагогика.

Мавзу: Гуруҳ раҳбарининг иш режасини тузиш.

Машғулотнинг мақсади: Гуруҳ раҳбарининг режасини тузишни ўрганиш.

Таълимий мақсади: Талабалар билан гуруҳ раҳбарининг олиб бораётган ишлари фақатгина таълим-тарбия бўлиб қолмасдан, уларни тарбия соҳасидаги амалий малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдир.

Ривожлантириш мақсади: Дарс жараёнида талабаларни педагогик сифатларини шакллантириш.

Тарбиявий мақсади: Талабаларда ўзларига ишонч, педагогик фикрни уйғотиш, мустақил иш режалари тузишга ундаш каби малакаларни шакллантириш.

Дарс тури – лаборатория.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Дарсни жиҳозлаш - Мавзуга оид адабиётлар, плакатлар, ҳар бир талабаларда линейка, қалам ва ҳ.к. ўқув қуроллари бўлиши керак. Жадвал.

14 – жадвал.

| T/p | Ишнинг мазмуни | Бажариладиган муддати (ой, кун, ҳафта) | Бажаришга жавобгар шахс | Эслатма |
|-----|--|--|----------------------------------|--------------------------------|
| 1 | Ўқувчиларни ўрганиш (шахсий ҳужжат бўйича) | 5 - 6 семестр | Гуруҳ раҳбари Гуруҳ активлари | Ўтказилганлиги ҳақида маълумот |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |

Асосий масалалар: 1. Гуруҳ раҳбарининг бир ойлик иш режаси ҳақида қисқача тавсифнома бериш. 2. Берилган жадвални тўлдириш. 3. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни. 4. Амалга ошириладиган асосий вазифалар.

Машғулотни ўтказиш учун методик кўрсатма.

Талабалар танишув амалиёт (лицей ва касб-хунар коллежлари) даврида ўқув гуруҳларида ўтказиладиган тарбиявий иш мавзулари, режалари, тадбирлар номлари ва аҳамиятлари, гуруҳ раҳбарларининг иш мазмуни билан танишиб қайтадилар. Шу билан бирга амалиёт якунида бажарган ишлари бўйича кафедрага ҳисобат топширадилар. Ҳисобатларида амалиёт ўтган билим юртларининг қисқача тарихи, моддий базаси, ўқитувчилар жамоасининг тавсифномаси, амалиёт даврида бирга ишлаган ўқув гуруҳининг ҳар бир ўқувчисига қисқача тавсифнома, гуруҳ раҳбарлари билан ўтказилган тарбиявий тадбирларнинг тахлили келтирилади. Унда ўқувчиларнинг

Ўзлаштириш, ўқишга муносабати, жамоат ишларида қатнашиш фаоллиги, қизиқишлари, айрим ўқувчиларнинг ажратиб турувчи хислатлари кўрсатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда дарс жараёнидаги асосий масалалар ва жадвал (ўша ҳар бир гуруҳ имкониятларидан келиб чиқиб) тўлдирилади.

Талабалар бунда кўпроқ эътиборларини :

- ўқувчиларда бурч хиссини ривожлантириб бориш;
- ўзлаштиришни доимий ошириб бориш танлаган касбига ижобий муносабат уйғотиб бориш;
- ўқувчиларнинг доимий меҳнатда фаол иштирок этишларини таъминлаш;
- барча ўқувчиларни жамоат ишига жалб этиш;
- ўқув гуруҳи жамоасини ва унинг ўз-ўзини тарбиялашга жалб қилиш;
- ўқувчиларнинг умумий маданиятини ривожлантириш;
- ўқувчиларни мустақил ўқишга ва ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш;
- ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш, алоҳида эътиборни фаолларга, пассивларга, ўзлаштирмовчиларга, интизомсизларга, етарли даражада тарбияланмаган ўқувчиларга қаратиш;
- юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилишини мафқуравий жиҳатдан таъминловчи ғоявий-тарбиявий иш олиб боришга қаратиш лозим.

Дарс охирида талабалар бажарилган ишлари ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

Уйга тошпириқ.

Таълим методларига қандай талаблар қўйилади? Билиб, ўрганиб келинг.

Фойдаланиладиган адабиётлар:

3. Азаров С.П. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1990.
4. Мунавваров А.Қ. Педагогика. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996 .
5. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Тошкент, 2000.

Мустақил таълим.

1-вазифа: Гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан биргаликдаги иш режасини тузинг.

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Индивидуал ёндашиш, гуруҳ ўқувчиларининг хусусиятлари, гуруҳ раҳбарининг иш режаси, таълим методлари.

Шундай қилиб, нопедагогик (техника) олий ўқув юртларида “Педагогика” фанини мана шу ишлаб чиқилган тизим орқали ўқитиш ташкил этилса талабаларнинг касбий педагогик ва техникавий малакалари шаклланади, бўлғуси мутахассисликларига бўлган қизиқиш ортади, касб-хунар коллежларида қийналмай педагогик фаолиятларини олиб борадилар.

Бу тизим 37- расмда кўрсатилган.

Педагогика фанида ишлатиладиган атамалар

1. Педагогика – “Пайне”-бола ва “агогсйин” - етакламок деган маънони англатади. Бола етакловчи, таълим-тарбия тўгрисидаги фан.
2. Дидактика - Юнонча “didaktikos” таълим бераман, “didakticol” таълим берувчи. Педагогиканинг “нимага ўқитиш” ва “қандай ўқитиш” каби саволларга жавоб излайди.
3. Сурдопедагогика - Кар-соқов болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланадиган педагогика.
4. Тифлопедагогика - Кўзи кўр болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланадиган педагогика.
5. Олигофренопедагогика - Ақлий жиҳатдан қолоқлар билан шуғулланадиган педагогика.
6. Логопедия - Дудук ва тили ясси болалар билан шуғулланадиган педагогика.
7. Политехник таълим - Ўқитиш ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадиган таълим.
8. Индивидуаллаштириш – Болаларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш (ўзига яраша алоҳида).
9. Объектив зиддият - Шахснинг ташқи ҳаракатлантирувчи куч.
10. Субъектив зиддият - Шахснинг ички ҳаракатлантирувчи куч.
11. Мотив - Ички кузатувчи.
12. Анъана - Асли арабча сўз бўлиб, урф-одатлар, ахлоқ мезонлари қарашлардир. Жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.
13. Маданият - Арабча “маданият” - мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрганлик - кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи.
14. Мафкура - Арабча “мафкура” - нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи. Жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва гоёлар мажмуи.

- 15. Маънавият -** Арабча “маънавият” – маънолар мажмуи. “маъно” ёки “маънавиятун”, “маънавий гоъ” сўзларидан олинган бўлиб, “руҳий ҳолат” деган маънони англатади. Кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний тасаввурлари ва тушунчалари яқин ва улар бир-бирларини тақозо этадилар.
- 16. Меҳнат -** Кишиларнинг қобилиятини амалга ошириш жараёнидир.
- 17. Тарбия -** Авлоддан-авлодга ижтимоий-тарихий тажрибаларни етказиш борасидаги фаолият; шахс шаклланишига узлуксиз, мақсадга мувофиқ, изчил таъсир этиш орқали мустақил ҳаракатга, ишлаб чиқариш, фойдали, унумли меҳнатга тайёрлаш.
- 18. Муомала -** Яхшиликка сабаб бўлган ишларда майинлик, ширинсўзлик, ёқимтойлик.
- 19. Интизом -** Мақсадга эришишда, қилинаётган ишларда керагича ва маслаҳатга мувофиқ доимий равишда бажариладиган хатти-ҳаракат.
- 20. Шахс -** Ижтимоий муносабатларга кириша олишини тарифловчи, индивиднинг предметли фаолиятида ва мулоқатлар, алоқалар туфайли орттирадиган сифатлар системаси.
- 21. Ижодкор шахс -** Фаолият натижасида янгиликлар яратилишига имкон берувчи сифатлар.
- 22. Устод -** Маълум соҳанинг йирик намояндаси, илмий йўналиш бўйича ўз мактабини оча олган, ёш олимларга раҳнамо, жамият ва фан тараққиётида салмоқли хисса қўшган, маънавий пок, ижодий фикрлаш қобилияти юксак самарадор ижод соҳиби.
- 23. Устоз -** Бирор соҳа бўйича илмий, методик изланишида бўлган, тараққиётга ҳисса қўшувчи, ғояларни амалда синаб кўриш имкониятига эга, илмий, методик амалий қарашларга шахсий мулоҳаза билдирувчи маънавий етук шахс.
- 24. Муаллим -** Муайян фан юзасидан таълим беришга ваколатли, таълим-тарбия бўйича олий, махсус тайёргарликдан ўтган, педагогик ва психологик билим, кўникма, малакаларни ва талаб даражасидаги маҳоратни эгаллаган, таълим-тарбия, усул, восита услуби асосида ўз методикасини ишлаш қобилиятига эга,

- маънавий етук шахс.
- 25. Одоб -** Хулқ–атвор, юриш-туриш маданиятининг ташқи жиҳатини ифодалайди.
- 26. Касб -** Муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолият тури. Унга умумий ёки махсус маълумотлар ҳамда амалий тажриба йўли билан эришилади.
- 27. Ихтисос -** Инсоннинг ҳосил қилган билимлари ва амалий кўникмалари мажмуи. Кишига турмушининг моддий ва маънавий соҳасида муайян ишни бажариш имкониятини беради.
- 28. Билим -** Ўқувчилар томонидан мустақил ҳаётда, фаолиятда, жумладан ишлаб чиқаришда ижтимоий муносабатда зарур бўлган фан асосларининг қонунлари, омиллари ва тушунчаларини ўзлаштириш натижалари.
- 29. Кўникма -** Таълим олувчининг ўзлаштирилган билимини тез, аниқ ва онгли равишда қўллай билиш қобилиятидир.
- 30. Малака -** Онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнатни кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементидир.
- 31. Таълим -** Инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фан , техника, ахлоқ, маданият ва санъатни ўзлаштиришга қаратилган махсус, уюштирилган фаолият (ўқитиш ва ўқиш) дир.
- 32. Ўқитиш -** Ўқувчининг кишилар тажрибасидан билиб олинган қонуниятларни ўзида акс эттиришидир.
- 33. Педагогик техника -** Ўқитувчига ўқув фаолиятида ҳам, ўқитишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.
- 34. Педагогнинг меҳнати -** Бу беҳад изланиш ва азоб-уқибатли кечинмалар, илҳом ва бетакрор нурланиш они. Кўпдан-кўп кундалик ишлар, хафсаласи пир бўлиш ва болалар билан биргаликда бошдан кечирилган кувончдан қаноат ҳосил қилишдир.
- 35. Талаб -** Таълим ва тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён бўлишидир.
- 36. Истиқбол -** Таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у кишининг хатти–ҳаракатларининг улар

- олдига мақсадлар қўйиш йўли билан таъминлайди ва интилувчанликни ривожлантиришга ёрдам беради.
- 37. Тарбиянинг объектив қонуниятлари -** Ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётнинг шахсни ўзига хослиги ҳамда сифатларини шакллантиришдек талабларидаги турфун бўлган анъаналардир.
- 38. Тарбиянинг асосий қонуни -** Ўсиб бораётган ёш авлодни катта ёшдагилар ижтимоий тажрибасининг эгаси қилиш учун уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишини таъминлаб бериш учун амалга ошириладиган зарурий ва мажбурий фаолиятдир.
- 39. Педагогика принциплари -** Ижтимоий муносабатларнинг текширилган, амалий барқарор йўналишларини ўзда акс эттирадиган назарий умумлаштирувчидир. Шунингдек, ўқув тарбиявий жараёнини, ўқувчиларнинг жисмоний, бадний, ижодий, меҳнат ва бошқа фаолитига педагогик раҳбарликни тавсия этишга боғлиқ бўлган қонуний алоқадир.
- 40. Педагогик тажриба -** Ўқитувчи томонидан педагогиканинг принциплари ва амалий қонунларини ижодий фаол равишда ўзлаштириш ҳамда реал шароитларни, болаларнинг жамоасини, шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этишдир.
- 41. Педагогик қарама-қаршилиқлар -** Педагогика амалиёти жараёнида вужудга келадиган эскирган педагогик кўрсатмалар, қарашлар, қонуниятлар ва педагогик жараённинг тарбиявий самарадорлигини пасайтирадиган, шахсни шакллантириш тизимлари билан вужудга келган номувофиқликдир.
- 42. Тарбиянинг мақсади -** Жамиятнинг алоҳида бир олинган шахсга бўлган эҳтиёжларини акс эттириш, унинг моҳияти, идеал талабларини, ўзига хослиги ва фазилатларини, ҳаётга муносабатининг ақлий, жисмоний, ахлоқий ва эстетик ривожланишини назарий ва амалий умумлаштиришидир.
- 43. Шахсни ҳар томонлама қамолга етиши -** Маълум бир реал тарихий шарт-шароитларда амалга ошириш мумкин бўлган қобилиятлар ва иқтидорларнинг, унинг моҳиятини ташкил этадиган ҳамма кучларнинг тўлиқ ва батамом ривожланишидир.

- 44. Педагогик жараён -** Маълум бир мақсадга йўналтирилган, катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмуни бойитилган ҳамда тарбиянинг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида боланинг ўз-ўзини тараққий эттиришдир.
- 45. Тарбиявий муҳит -** Инсон шахсини шакллантирувчи табиат, ижтимоий муносабатларнинг тизими, ижтимоий тафаккур, турмуш ва шахсларо муносабатларнинг доираси каби омилларни бири-бирини бойитиши ва мувофиқ келишидир.
- 46. Ирсийлик -** Боланинг шаклий ўзига хосликларини белгилаб берувчи анатомик, физиологик, психологик ташкилий жиҳатларини, қобилиятларини ва иқтидорларини ривожлантиришга йўналтирилган, болаларга ота-оналари томонидан ўтказилган ирсий белгилардир.
- 47. Ақлий тарбия -** Болаларнинг онги ва тафаккурини билимлар, онгли кўникмалар ҳамда малакалар билан бойитиш. Ақлий кучлар: сезгилар, руҳий жараёнлар, иқтидорлар, билувчанлик, мақсадлари, дунёқараш ва фаолият озодлигини шакллантириш.
- 48. Ҳуқуқий тарбия -** Ҳуқуқий маданиятни, ўқувчиларда қонунга бўйсунувчанлик хатти-ҳаракатларини шакллантириш.
- 49. Меҳнат тарбияси -** Болаларни умумий меҳнат билимлари ва ижтимоий фойдали меҳнат малакалари билан қуроллантириш. Шу билан бирга меҳнатсеварлик, меҳнат кишининг психологиясини ривожлантириш, меҳнатнинг ҳар хил шаклларини тавсия этиш қобилиятини намоён этиб, тадбиркорлик ва ижодий ёндошувни намоён этиш хусусиятларининг эгаси сифатида шакллантиришдир.
- 50. Иқтисодий тарбия -** Ўқувчиларнинг асосий иқтисодий тушунчалар билан таништириш жараёни бўлиб, уларни ишлаб чиқаришни тавсия этиш соҳасидаги оддий ҳаракатлар қилиши лозим бўлган ишлар кўникмаси, малакаси билан, иқтисодий тафаккурни ривожланиши билан қуроллантириш.

- 51. Экологик тарбия -** Ўқувчиларни экологик (атроф-муҳит муҳофазаси) билимлари билан қуроллантириш, шунингдек табиатга нисбатан ахлоқий-эстетик, оқилона экологик хатти-ҳаракатлар кўникмаларини, экологик тафаккурни ҳамда экология учун фаол курашиш қобилиятларини шакллантириш.
- 52. Жисмоний тарбия -** Боланинг ҳамма жисмоний хусусиятларини анатомик, физиологик, асаб ва бошқа системаларини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ҳаёт кечиришнинг афзалликлари, шарт-шароитлари, асослари ҳамда жисмоний маданиятининг одатдаги зарур элементларини мустаҳкам тарзда шакллантириш.
- 53. Ахлоқий тарбия -** Ўқувчиларда умуминсоний ахлоқий принципларга содиқ бўлишдек, жамият ахлоқий талаблари ва меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини танлай олиш маҳоратини, ахлоқий тафаккур тизимини шакллантириш.
- 54. Тарбиялаш услублари -** Катта ёшдагилар билан болалар ўртасидаги педагогик, ақлан ўйлаб кўрилиб, маълум мақсадга йўналтирилган таъсирларнинг жамият томонидан шарт сифатида қўйилган усуллари бўлиб, болалик даври, фаолияти, мулоқати, муносабатларини ташкил этишга ёрдам беради, уларнинг фаоллигини рағбатлантирувчи ҳамда хатти-ҳаракатларини бошқариш асослари ҳисобланади.
- 55. Таълим методлари -** Болаларнинг билимларини, кўникмалар ва малакаларини ўзлаштиришни, умумий маълумот ҳамда умумий таълимни асосий воситаларини эгаллаш учун ақлий кучлари, қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган, педагог билан ўқувчининг ўқув ўрганиш жараёнидаги ўзаро таъсирларининг махсус усуллари дидир.
- 56. Ўз-ўзини англаш -** Субъект (шахс) томонидан объектив реал ҳаётий ҳақиқатни акс эттириш, унинг субъектив қиёфаси ни, образини, яратиш ва ўз хатти-ҳаракатлари ҳамда фаолиятини унинг асосида ўз-ўзидан бошқарувини ўзида намоён этадиган, юқори даражада тавсия этилган материянинг маҳсулоти ва ўзига хос шаклидир.

- 57. Жамоа -** Инсонпарварлик ва жавобгарлик масъулиятларига боғлиқлиги билан характерланадиган муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги ижтимоий, ижобий фаолиятга асосланган, кишиларнинг тавсия этилган умумийлиги, жамоасидир.
- 58. Маълумот -** Ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланиб, ўқувчида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлиги, билиш қобилияти ўсганлиги ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлар шаклланганлигини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларининг қай даражада ривожланганлигини аниқлади.
- 59. Умумпедагогик тайёргарлик -** Педагогика категориялари ва методологик асослари ҳақидаги билимларни шакллантириш, психологик-педагогик сезгирлик, кузатувчанлик, педагогик ва ўзини тута олиш, боладан ҳамда ёш йигит-қизлардан ёшига кўра ривожланишидан, асосий қонуниятлари ҳақидаги билимларни, ўқувчилардан индивидуал ўзига хосликларини, педагогик ишлар билан қизиқувчанлигини шакллантиришдир.
- 60. Қадриятлар -** Инсон ва инсонлар учун аҳамиятли бўлган эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ҳақиқат, маърифат, гўзаллик, яхшиликдан иборат ҳолатлар йиғиндиси.
- 61. Маънавий қадриятлар -** Ўқувчи маънавий маданиятига характери, қамрови, шакл ва мазмунига таъсир этиш.
- 62. Моддий қадриятлар -** Инсониятнинг яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган, ижтимоий, иқтисодий талабини қондирадиган барча турдаги нарсалар ва ашёлар ташкил этади.
- 63. Умуминсоний қадриятлар -** Барча миллатлар манфаатига мос келадиган маънавий ҳазинадан иборат бўлиб, миллий қадриятлар билан тарбиявий асосга эгадир.
- 64. Миллий қадриятлар -** Ўша миллатнинг гоյлари, қадриятлари, эътиқодлари, маънавий турмуш тарзи, орзу-истаклари, келажак мақсадини ифода этади.
- 65. Халқ педагогикаси -** Авлоддан-авлодга оғзаки ижод намуналарида ўтиб келаётган, тарихий, иқтисодий, ижтимоий муҳит таъсирида тўплаган, тўпланаётган ва ҳаёт тажрибасида жуда кўп синалган педагогик

- қарашлар, билим, кўникма, малакалар келтириб чиқарган тарбиянинг усул, услуб ва услубиятларидир.
- 66. Афсона -** Форсча сўзидан олинган бўлиб, фантастика, сеҳр-жоду ҳамда ҳаётий уйдирмалар асос бўлган насрий ҳикоялар.
- 67. Ривоят -** Ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанри.
- 68. Достон -** Қисса, ҳикоя, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатиладиган халқ орасидаги йирик ҳажмли этник асар.

★тамалардан фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. А.Қ.Мунавваров умумий таҳрири остида. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Б.Зиёмуҳаммедов, Ш. Абдуллаева. Педагогика; Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий энсклопедияси, 2000. –128 б.
3. Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматқулова, Ҳ.Тошмуродова. Педагогика. Маърузалар матни. Т. -2000.
4. З.А.Валиева. Ўзбекистонда иқтисодий тарбиянинг ривожланиши ва шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти. 1995.
5. Г.Х.Ибрагимова, К.Ж.Мирсаидов, З.К.Исмоилова. Педагогика фанидан маърузалар матни. Т.ТИҚХМИИ. – 1999.
6. З.К.Исмоилова. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларни шакллантириш. Номзодлик диссертацияси. 2000 й.
7. С.П.Баранов ва бошқалар. Педагогика. Т.: Ўқитувчи. –1990.
8. К.Ж.Мирсаидов. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Т.: Ўқитувчи. 1996.
9. Л.И.Рувинский таҳрири остида. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи 1991

МУНДАРИЖА

| | | |
|----|--|-----|
| 1 | Кириш | 3 |
| 2 | Фаннинг мақсад ва вазифалари | 6 |
| 3 | Педагогика фанининг ривожланиш тарихи | 9 |
| 4 | Педагогика фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги | 12 |
| 5 | Педагогика фанининг методологик асослари | 21 |
| 6 | Машғулотларни ўтказишни ташкилий шакл ва усуллари..... | 26 |
| 7 | Талабаларнинг мустақил ишларни ташкил этишга доир методик тавсиялар | 31 |
| 8 | Педагогика фанидан амалий машғулотларнинг вазифалари, турлари, мақсади, мазмуни | 57 |
| 9 | Амалий машғулотларни мавзулари ва ўтказиш методикаси | 60 |
| 10 | Педагогика фанида ишлатиладиган атамалар ва тушунчалар | 152 |
| 11 | Атамалардан фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 159 |

ЗУХРА ИСМОИЛОВА

Педагогикадан амалий машғулотлар

«Фан» нашриёти – Тошкент – 2001 й.

Муҳаррир: М. Содиқова

Теришга берилди 10.06.2001й. Босишга рухсат этилди 12.07.2001й.

Бичими 84x108^{1/32} Адабий гарнитура.

Юқори босма. Босмахона қоғози. Шартли босма т.10,0.

Ҳисоб - нашриёт т. 10,0. 300 нусхада.

Келишилган нархда.